Фикримизча, унинг мазмунида сиёсий конъюнгурага меъеридан зиёд берилиш, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, конституциявий ислохотлар натижаларига таҳсин айтиб, мулозамат қилиш (мадх этиш), мамнунлик билдириш каби мулоҳазаларни қисқартириб, асосий эътиборни конституциявий қонунийликка оид тадбирлар таҳлили, тегишли амалиётни умумлаштириш ва унга асосланган ахборотни, хулосаларни баён этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, ҳужжатда турли давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларига йўналтирилган «чақириқлар», «истаклар», «тавсия» ва «таклифлар» кўпроқ ўрин эгаллаган. Натижада, «Ахборот» нинг асл мақсадига, маъно – мазмунини очиб беришга, ижтимоий – юридик миссиясига, кўзланган мақсадга етарлича тўла эришилмаган. Келгусида ушбу муҳим ҳужжатнинг ахборот – таҳлилий, танқидий руҳига, конституциявий қонунийликни таъминлашга оид ҳуқуқий механизмларни қўллаш амалиёти таҳлиliga эътибор жиддий тарзда кучайтирилиши зарур, деб ўйлаймиз.

4. Юридик адабиётларда конституциявий одил судлов муаммоларини, уни янада фаоллаштириш масалаларини чуқурроқ тадқиқ этиш лозимлиги таъкидланмоқда. Агар илгариги даврда Конституциявий суд пасив ва эринчоқлик билан ҳаракатланган бўлса, эндиликда унинг ваколатлари кенгайиши бу суднинг жиддий фаоллашувига сабаб бўлди.

5. Конституциявий суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш институтини фуқаролар учун янада қулай қилиш, уларнинг конституциявий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, конституциявий суд иш юритуви доирасида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш масалалари устида ишлаш ҳам ушбу институт орқали мамлакатда конституциявий қонунийликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади ҳамда ваколатли давлат органлари билан бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтиради, деб умид қиламиз.

6. Конституциявий суд судларга муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Олий суд орқали Конституциявий судга мурожаат қилиш ваколатининг берилишидан келиб чиқиб, замонавий ўзбек конституционализмини ривожлантиришнинг ушбу муҳим йўналишига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур институт судлар фаолиятида у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявий – ҳуқуқий мазмунини асосиз торайтириб ёки кенгайтириб қўллаш эҳтимолининг олдини олади, шу орқали конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг одил судловга эришиш, суд ҳимоясида бўлиш каби конституциявий ҳуқуқларининг самарали амалга оширилишини таъминлаши мумкин бўлади. Шу билан бирга, судлар томонидан ушбу ваколатдан ҳозирга қадар фойдаланилмаганлиги унинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриш, хусусан, ушбу ваколатни амалга ошириш тартибига оид ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш заруратидан далолат беради. Шу боис Конституциявий суд Одил судга ушбу муҳим конституциявий институтни амалга ошириш тартиб-таомилларини батафсил тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва шу орқали одил судловни амалга оширишда конституциявий қонунийликни таъминлаш чораларини кўришни тавсия этади» [9].

Янги Ўзбекистонни шакллантириш даврида суд-ҳуқуқ тизимига катта аҳамият қаратилиб, долзарб ва шу билан бирга мамлакат тараққиёти учун аҳамиятли бўлган истиқболли чора-тадбирлар амалга ошириб келиниётганлиги бугунги кунда суд-ҳуқуқи тизимидаги ўзгариш ва тараққий топган босқичида яққол кўриниб турганлигини эътироф этиш лозим.

Шундай қилиб, хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, жамият ва давлат равнақи йўлида давлатнинг ижтимоий давлат сари илдам бораётганлиги, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза этилиши, мақбул шароит ва енгиллик яратиш йўлида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, амалга тадбиқ этилиб келинаётганлиги мамлакатда қонунлар устуворлигини таъминлаш, бунда Конституциявий суднинг нуфузи ва роли янада ошишига хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2016 йилдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3050491>.
2. Х.Т. Одилқориев. Мамлакатимизда Конституциявий қонунийликни таъминлашда Конституциявий суднинг ролини ошириш муаммолари // ИИВ Академияси Ахборотномаси 2024 й., 4-сон (63), 60 б.
3. И.Тулътеев. Модернизация конституционного законодательства Узбекистана: некоторые итоги и перспективы // Вестник Академии МВД Республики Узбекистана.-2013.-№4.-15-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2021 йилдаги ЎРҚ-716-сон // URL:<https://lex.uz/docs/5637426>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сон // URL:<https://lex.uz/docs/6358976>.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори, 05.12.2023 йилдаги КСҚ-7-сон // URL: <https://lex.uz/docs/6687775>
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 12.01.2024 йилдаги ЎРҚ-895-сон // URL: <https://www.lex.uz/docs/6750808>.
9. Х.Т. Одилқориев. Мамлакатимизда Конституциявий қонунийликни таъминлашда Конституциявий суднинг ролини ошириш муаммолари // ИИВ Академияси Ахборотномаси 2024 й., 4-сон (63), 60 б.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО  
ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**МАСАДИКОВ Шерзодбек Махмудович**  
Заведующий кафедрой «Гражданское право и  
международные частно-правовые дисциплины»  
Университета мировой экономики и дипломатии,  
Кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: [smasadikov@uwed.uz](mailto:smasadikov@uwed.uz)  
<https://orcid.org/0009-0007-5958-4927>

## СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА ПО ПРИЗНАНИЮ И ИСПОЛНЕНИЮ ИНОСТРАННЫХ АРБИТРАЖНЫХ РЕШЕНИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** МАСАДИКОВ Ш.М.  
Судебная практика по признанию и исполнению иностранных арбитражных решений в  
Республике Узбекистан // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6  
(2024) С. 21-39.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-3>

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрена судебная практика экономических судов Республики Узбекистан по рассмотрению заявлений о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений. Обзор дел охватывает период с декабря 2018 года по июнь 2023 года. Как показывает анализ судебной практики, экономические суды в основном удовлетворяют заявления по таким категориям дел, однако есть случаи, когда суды допускают пересмотр дел по существу.

**Ключевые слова:** признание, исполнение, иностранное арбитражное решение, публичный порядок.

**МАСАДИКОВ Шерзодбек Махмудович**  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
“Фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанлари”  
кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: [smasadikov@uwed.uz](mailto:smasadikov@uwed.uz)  
<https://orcid.org/0009-0007-5958-4927>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ АРБИТРАЖ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН  
ОЛИШ ВА ИЖРО ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ўрганилган. Ишларни кўриб чиқиш 2018 йил декабридан 2023 йил июнигача бўлган даврни қамраб олади. Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий судлар асосан бундай тоифадаги ишлар бўйича аризаларни қаноатлантиради, бироқ судлар томонидан ишларни мазмунан қайта кўриб чиқиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

**Калит сўзлар:** тан олиш, ижро этиш, хорижий арбитраж қарори, оммавий тартиб.

**MASADIKOV Sherzodbek**

Head of the Department of University of World Economy and Diplomacy,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: [smasadikov@uwed.uz](mailto:smasadikov@uwed.uz)

<https://orcid.org/0009-0007-5958-4927>

## JUDICIAL PRACTICE ON RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF FOREIGN ARBITRAL AWARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article examines the judicial practice of economic courts of the Republic of Uzbekistan on the consideration of applications for recognition and enforcement of foreign arbitral awards. The review of cases covers the period from December 2018 to June 2023. As the analysis of judicial practice shows, economic courts mainly satisfy applications for such categories of cases, however, there are cases when courts allow review of cases on the merits.

**Keywords:** recognition, enforcement, foreign arbitral award, public policy.

Как показывает судебная практика, экономические суды в большинстве случаев признают и приводят в исполнение иностранные арбитражные решения, за исключением случаев, когда имеются какие-либо нарушения, предусмотренные статьей V Конвенции ООН о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений (Нью-Йорк, 1958) (далее «Нью-Йоркская конвенция» [1] или соответствующими положениями Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее «ЭПК»)[2].

В случае вынесения иностранного арбитражного решения из стран Содружества Независимых Государств (СНГ) экономические суды также применяют Киевское соглашение о порядке разрешения споров, связанных с ведением экономической деятельности (Киев, 20 марта 1992 г. далее «Киевское соглашение») [3].

Имеются случаи, когда экономические суды применяют Киевское соглашение отдельно [4] или в сочетании с Нью-Йоркской конвенцией [5].

Использование Киевского соглашения в принципе не противоречит Нью-Йоркской конвенции, поскольку статья VII(1) последней предусматривает, что положения Конвенции не затрагивают действительности многосторонних или двусторонних соглашений в отношении признания и приведения в исполнение арбитражных решений.

Таким образом, сторона, подающая заявление о признании и приведении в исполнение арбитражного решения, вынесенного в странах СНГ, может воспользоваться обоими инструментами – Нью-Йоркской конвенцией и Киевским соглашением.

**Публичный порядок Республики Узбекистан.** Законодательство Республики Узбекистан не дает определения публичного порядка. Ст. 1164 Гражданского кодекса Республики Узбекистан упоминает об этом в несколько ином контексте. Иностранное право не применяется в случаях, когда его применение противоречило бы основам

правопорядка (общественного порядка) Республики Узбекистан. В этих случаях применяется право Республики Узбекистан. Часть вторая статьи 1164 дает некоторые указания по применению нормы о том, что отказ от применения иностранного права не может быть основан исключительно на отличии правовой, политической или экономической системы соответствующего иностранного государства от правовой, политической или экономической системы Республики Узбекистан [6].

Защита о публичном порядке должна применяться только в том случае, если арбитражное решение существенно нарушает самые основные и фундаментальные принципы справедливости в государстве исполнения решения или свидетельствует о нетерпимом игнорировании или коррупции со стороны арбитражного суда. Чтобы отказаться от исполнения арбитражного решения на том основании, что оно нарушает публичный порядок, решение должно либо противоречить основной морали соответствующего государства, либо раскрывать ошибки, которые затрагивают фундаментальные принципы общественной и экономической жизни [7].

Дела, рассматриваемые Экономическими судами, следуют международному стандарту узкого толкования публичного порядка на стадии принудительного исполнения.

В деле № 4-10-2225/540 от 2 марта 2023 года [8] должник из Узбекистана подал в Верховный суд апелляционную жалобу на определение Ташкентского городского суда об удовлетворении заявления российской компании о признании и приведении в исполнение решения Российского арбитражного центра (РАЦ) при Российском институте современного арбитража от 18 октября 2022 года о взыскании с должника суммы в размере 13.142.317,80 долларов США, процентов за пользование денежными средствами в размере 375.832,21 долларов США и арбитражного сбора в размере 71.733,48 долларов США. В обосновании своих доводов должник указал, что в заявлении заявителя в качестве обслуживающего банка указан Газпромбанк, находящийся под санкциями США, и поэтому исполнение арбитражного решения будет противоречить публичному порядку Республики Узбекистан. Верховный суд **Республики Узбекистан**, руководствуясь статьей III Нью-Йоркской конвенции и статьей 256 ЕПК, установил, что довод должника о применении санкций к Газпромбанку со стороны США не является основанием для отказа в признании и исполнении решения РАЦ, поскольку признание и исполнение решения не противоречат и/или не угрожают публичному порядку Республики Узбекистан.

**Дела, рассмотренные Верховным судом Республики Узбекистан.** В четырех делах, в которых участвовали одни и те же стороны – заявитель из Казахстана и ответчик из Узбекистана – узбекская компания утверждала, что арбитражный суд нарушил нормы материального и процессуального права, что спор был разрешен арбитражным судом, не обладающим юрисдикцией [9]. Верховный суд, применяя статьи III, V и VII Нью-Йоркской конвенции и статью 8 Киевского соглашения, подтвердил решения апелляционной инстанции о признании и приведении в исполнение арбитражного решения Международного коммерческого арбитражного суда при ТПП Российской Федерации (МКАС).

В деле № 4-14-1906/9 от 10 июля 2019 года должник из Узбекистана утверждал, что он не был надлежащим образом уведомлен о назначении арбитра и начале арбитражного разбирательства, в связи с чем не может представить свои возражения против иска. Однако в суде констатировали, что из материалов дела должник обратился в МКАС с письмом с просьбой о проведении арбитражного разбирательства в режиме видеоконференц-связи, что не было отклонено представителем должника в судебном заседании. Далее суд установил, что уведомление о времени и месте арбитражного разбирательства было направлено должнику почтовой службой DHL, из уведомления которого следует, что должник отказался от получения уведомления. Верховный суд Республики Узбекистан, применив статьи III и V Нью-Йоркской конвенции, подтвердил решения апелляционной инстанции о признании и приведении в исполнение арбитражного решения МКАС.

По делу № 4-12-2105/13 от 9 ноября 2021 года литовский заявитель обжаловал определение областного экономического суда о приостановлении дела об исполнении Вильнюсского коммерческого арбитражного суда в отношении ответчика, находящегося в Узбекистане. Заключенный в 2019 году договор между сторонами предусматривал передачу для разрешения споров в Арбитражный суд при ТПП Литвы, который в 2003 году объединился с Вильнюсским международным коммерческим арбитражем в одно учреждение – Вильнюсский коммерческий арбитражный суд (VCCA). Областной суд направил письмо с запросом по этому поводу и приостановил дело. Заявитель представил информацию по этому вопросу. Однако областной суд это проигнорировал. Ответчик утверждал, что арбитражный суд, рассматривавший спор, не обладал юрисдикцией, и просил Верховный суд отклонить апелляционную жалобу. Верховный суд отменил решение областного суда и удовлетворил апелляционную жалобу.

В деле № 4-17-2103/5 от 9 декабря 2021 года должник из Узбекистана утверждал, что он не был надлежащим образом уведомлен о времени и месте проведения арбитражного заседания. Ходатайство заявителя о приостановлении судебного разбирательства, чтобы он мог представить дополнительные доказательства того, что должник был должным образом уведомлен, было отклонено. Заявление о признании и исполнении было затем отклонено. После этого заявитель получил доказательства того, что должник был уведомлен надлежащим образом, и обжаловал решение суда первой инстанции в Верховный суд (апелляционная инстанция), который 10 июня 2021 года вынес решение в пользу заявителя. После этого должник подал кассационную жалобу в Верховный суд, который 9 декабря 2021 года установил, что должник был уведомлен в установленном порядке, отклонил жалобу должника и подтвердил решение апелляционного суда.

По делу № 4-10-2111/382 от 25 января 2022 года должник из Узбекистана обжаловал решение областного экономического суда о признании и приведении в исполнение арбитражного решения Рижского международного арбитражного суда. Верховный суд Республики Узбекистан установил, что:

«Доводы о том, что товар не доставлен - отсутствуют документы, в том числе таможенные декларации, накладные, счета-фактуры на отгрузку товара, - не могут быть приняты во внимание, поскольку в силу части четвертой ст. 254 ЭПК, при рассмотрении дела экономический суд Республики Узбекистан не вправе пересматривать решение иностранного суда или арбитража по существу.

Довод о том, что спор рассматривался иностранным арбитражем без юрисдикции, также несостоятелен, поскольку в силу пункта 9.2 заключенного между сторонами договора стороны согласовали подсудность, а в назначении арбитров участвовал также должник.

Суд также не может принять во внимание довод о недействительности договора, поскольку пунктом 9.2 договора стороны также договорились, что спор о недействительности договора также подлежит разрешению в Рижском международном арбитражном суде в Латвии.

Более того, регистрация контракта в единой электронной информационной системе внешнеторговых операций и требование истца произвести оплату ответчиком непосредственно ему, минуя систему, не противоречат основам правопорядка и законодательству Республики Узбекистан, не являются основанием для признания нарушения публичного порядка и данное требование предусмотрено для осуществления контроля за взаиморасчетами хозяйствующих субъектов.

Довод должника о недействительности договора вследствие преступных действий организованной группы также не может быть принят во внимание, поскольку факт преступных действий лиц, в том числе руководителя должника, не подтвержден судом приговором, вступивший в законную силу.

Кроме того, приостановление производства по делу также невозможно, поскольку ст. 101 ЭПК применяется при рассмотрении споров в экономическом суде. В данном



случае рассматривается не спор, а заявление о признании и приведении в исполнение решения международного арбитражного суда, и в данном случае ст. 101 ЭПК не может быть применена. [10]».

На этих основаниях Верховный суд, применив положения Нью-Йоркской конвенции и ЭПК, отклонил апелляцию и подтвердил решение суда низшей инстанции.

Решение по данному делу важно по нескольким причинам, поскольку Верховный суд вновь подтвердил (а) правило о том, что арбитражное решение не должно пересматриваться по существу; (б) принцип «компетенция-компетенция» в сочетании с принципом действительности арбитражного соглашения; (в) узкое толкование основания публичного порядка; (г) делимость арбитражного соглашения.

**Отклоненные дела.** В деле № 4-11-1912/222 от 7 июня 2019 года датская компания подала заявление о признании и приведении в исполнение решения Международного арбитражного суда Международной торговой палаты (МТП) против испанской компании. Суд города Ташкента отклонил заявление, указав, что заявитель не представил никаких доказательств нахождения имущества должника на территории Узбекистана. Суд также установил, что Арбитражный суд МТП не присудил взыскание убытков с должника.

Согласно статье V Нью-Йоркской конвенции, нет оснований для отклонения судом заявления, если имущество должника не находится в юрисдикции, где испрашивается принудительное исполнение. С другой стороны, статья III Нью-Йоркской конвенции допускает признание и приведение в исполнение «в соответствии с правилами процедуры территории, на которой основывается решение». Однако Суд не сослался на какие-либо соответствующие статьи ЭПК для обоснования своего решения. Суд мог бы сослаться на ст. 239 ЭПК, которая гласит:

Экономические суды Республики Узбекистан рассматривают дела по спорам, возникающим в экономической сфере, с участием иностранных организаций, международных организаций, иностранных граждан, лиц без гражданства в случае, если:

1) ответчик находится или проживает на территории Республики Узбекистан либо на территории Республики Узбекистан имеется имущество ответчика;

Заслуживает внимания вывод суда о том, что арбитражное решение не касалось возмещения ущерба в пользу заявителя. Если арбитражный суд не присудил заявителю возмещение убытков, то заявитель не имел права просить суд признать и привести в исполнение решение об этом возмещении.

По делу № 4-10-2018/381 от 24 марта 2021 года суд Ташкентской области отклонил заявление российской компании о признании и приведении в исполнение решения МКАС в отношении должника, находящегося в Узбекистане, на том основании, что должник не был надлежащим образом уведомлен о ходе арбитражного разбирательства. Заявитель представил доказательства того, что исковое заявление было надлежащим образом получено представителем должника, который, в свою очередь, утверждал, что такой представитель не работал в компании должника. Суд установил, что уведомление, адресованное юридическому лицу, вручается лицу, уполномоченному получать корреспонденцию, и в данном случае заявитель не предоставил суду доказательств того, что лицо, получившее почту, было уполномочено на это.

Заявителем были представлены письма курьерской службы, согласно которым материалы арбитражного дела были направлены арбитражным судом на юридический адрес должника, но не были доставлены, поскольку на телефонные звонки никто не отвечал, а организация по адресу не была обнаружена. Суд постановил, что, согласно выписке из Госреестра Республики Узбекистан, должник значился в списке действующих предприятий с определенным юридическим адресом. Суд пришел к выводу, что не было представлено никаких документов, подтверждающих отсутствие организации по адресу. Суд, применив правила ЭПК, местные Правила почтовой связи и статью V Нью-Йоркской конвенции, установил, что должник не был надлежащим образом уведомлен

о ходе арбитражного разбирательства.

В деле № 4-18-2204/14 от 5 октября 2022 года Верховный суд Республики Узбекистан подтвердил решение областного суда об отказе в признании и приведении в исполнение арбитражного решения, вынесенного в Казахстане, в связи с непредставлением арбитражного соглашения или его заверенной копии в порядке, установленном ст. 252 ЭПК, которая гласит:

К заявлению о признании и приведении в исполнение решения иностранного арбитража, если международным договором Республики Узбекистан не предусмотрено иное, прилагаются:

1) решение иностранного арбитража или его копия, заверенные компетентным органом иностранного государства или Республики Узбекистан.

**Частичное исполнение.** В соответствии со статьей V(1)(с) Нью-Йоркской конвенции возможно частичное исполнение арбитражного решения, что соответствует пункту 1 статьи 52 Закона “О международном коммерческом арбитраже» (далее «Закон о МКА») [11].

По делу № 4-14-2203/2 заявитель из Казахстана обратился в областной суд с заявлением о признании и приведении в исполнение решения МКАС о взыскании 1.288.609,37 евро в качестве возмещения ущерба, штрафа в размере 472.061,31 евро., арбитражный регистрационный сбор в размере 48.491 долларов США, а также пеня в размере 0,1 % от стоимости товара за каждый день просрочки поставки, начиная с 12 марта 2021 года до фактического исполнения обязательства. 28 января 2022 года областной суд вынес решение о признании и приведении в исполнение арбитражного решения.

В апелляционном порядке Верховный суд Республики Узбекистан 18 августа 2022 года изменил решение, отклонив приведение в исполнение части присужденного штрафа в размере 0,1 % от стоимости товара за каждый день просрочки поставки, начиная с 12 марта 2021 года до фактического исполнения обязательства.

Ответчик подал кассационную жалобу в Верховный суд с просьбой отменить определение суда первой инстанции и решение апелляционной инстанции, утверждая, что:

- иск о взыскании штрафа в размере 1.166.622,31 евро, когда основной долг составлял 1.288.609,37 евро, противоречит национальному законодательству, которое предусматривают, что штраф не должен превышать 50% основного долга, и что это противоречит публичному порядку Узбекистана;
- расчет штрафа до исполнения решения также противоречит законам Узбекистана и следовательно, противоречит публичному порядку Узбекистана;
- ЭПК не предусматривает частичное приведение в исполнение иностранного арбитражного решения.

Заявитель возразил, что стороны договорились о том, что применимым законодательством будет российское право, что различия между узбекским и российским законодательством с точки зрения применения взыскания штрафов не будут противоречить узбекским коллизионным нормам, как это предусмотрено в Гражданском кодексе Республики Узбекистан и, таким образом, не противоречит публичному порядку Узбекистана, что не было никаких угроз государственной безопасности и более широким общественным интересам, что решение касалось разрешения спора между сторонами. Заявитель сослался на статью 2 Закона о МКА, которая предусматривает верховенство международных соглашений над национальным правом, статью 9 Киевского соглашения, которая не предусматривает публичный порядок как основание для отклонения заявлений о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений.

Заявитель также утверждал, что согласно статье 254 ЭПК суд апелляционной инстанции не имел права пересматривать арбитражное решение и отказывать в признании и приведении в исполнение части арбитражного решения по штрафу в

размере 0,1 % от стоимости товара за каждый день просрочки поставки, начиная с 12 марта 2021 года до фактического исполнения обязательства, на том основании, что оно было неопределенным, что фиксированная сумма отсутствовала или что проблемы могли возникнуть на этапе исполнения. Заявитель указал, что суд апелляционной инстанции не обосновал свое решение соображениями частичного исполнения и публичным порядком. Заявитель просил кассационную инстанцию отменить решение апелляционного суда и восстановить в силе определение суда первой инстанции.

Верховный суд Республики Узбекистан 11 октября 2022 года подтвердил решение суда первой инстанции о взыскании 1.288.609,37 евро в качестве компенсации за ущерб и штрафа в размере 472.061,31 евро, арбитражного сбора в размере 48.491 долларов США и установил, что исполнение арбитражного решения не будет противоречить публичному порядку, частичное исполнение разрешено в соответствии с ЭПК. Но Верховный суд подтвердил решение апелляционного суда об отказе в взыскании штрафа в размере 0,1% от стоимости товара за каждый день просрочки поставки начиная с 12 марта 2021 года до фактического исполнения обязательства.

Таким образом, по нашему мнению, пересмотр арбитражного решения апелляционным судом в данном деле противоречит положениям Нью-Йоркской конвенции, Закона о МКА и ЭПК.

Как видно из обзора судебных дел, рассмотренных экономическими судами Республики Узбекистан по заявлениям о признании и приведении в исполнение международных арбитражных решений, применение положений ЭПК и Нью-Йоркской конвенции соответствует международной практике ограничительного толкования оснований для отказа, а также поддержки арбитражного процесса в целом. Предлагается создать отдельную категорию по таким делам в веб-сайте Верховного суда Республики Узбекистан для создания удобства по поиску дел данной категории.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Конвенция ООН о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений (Нью-Йорк, 1958) // <https://lex.uz/docs/2009040>;
2. Экономический Процессуальный Кодекс Республики Узбекистан (2018) // <https://lex.uz/docs/3523895>;
3. Киевское соглашение о порядке разрешения споров, связанных с ведением экономической деятельности (Киев, 20 марта 1992 г.). Узбекистан ратифицировал настоящее Соглашение 6 мая 1993 года // <https://lex.uz/docs/2654267>;
4. Дело № 4-10-1918/35 от 26 марта 2019. <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>;
5. Дело №. 4-10-2016/60 от 29 мая 2020. <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>;
6. Гражданский кодекс Республики Узбекистан // <https://lex.uz/docs/180550>
7. UNCITRAL 2012 Digest of Case Law on the Model Law on International Commercial Arbitration. // <https://uncitral.un.org/sites/uncitral.un.org/files/media-documents/uncitral/en/mal-digest-2012-e.pdf>;
8. Все дела были загружены с веб-сайта Верховного суда Республики Узбекистан. <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>;
9. 4-10-1818/237; 4-10-1816/243; 4-10-1816/123; 4-10-1809/177 – все от 28 июня 2019. <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>;
10. <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC> ;
11. Закон Республики Узбекистан “О международном коммерческом арбитраже» от 16.02.2021 г. № ЗРУ-674. <https://lex.uz/docs/5294087>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТОШЕВ Зафар Бобокулович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти (PhD)

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТОШЕВ З.Б. Муаллифлик ҳуқуқининг инсон ҳуқуқлари тизимидаги ўрни ва конституциявий-ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 28-33.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллифлик ҳуқуқининг инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда акс эттирилиши, муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро шартномалардан ўрин олиши, инсон ҳуқуқлари тизимидаги ўрни, хорижий давлатлар Конституцияларида мустақамланиши, конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бадиий ижод эркинлигининг норма сифатида киритилиши зарурияти, шунингдек ушбу соҳада олимларнинг қарашлари асосида чиқарилган хулосалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк, инсон ҳуқуқлари, норма, Конституция, халқаро шартнома, конституциявий-ҳуқуқий ҳимоя, конституциявий ҳуқуқ.

ТОШЕВ Зафар

Базовый докторант (PhD) Высшей школы судей  
при Высшем судебном совете Республики Узбекистан

## РОЛЬ АВТОРСКОГО ПРАВА В СИСТЕМЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И КОНСТИТУЦИОННО- ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается отражение авторского права в международных договорах по правам человека, а также его место в международных соглашениях в области авторского права. Обсуждается роль авторского права в системе прав человека и его закрепление в Конституциях зарубежных стран. Анализируется значение конституционно-правовых норм для развития национального законодательства, а также необходимость включения в Конституцию Республики Узбекистан положения о свободе художественного творчества. В заключение представлены выводы, основанные на мнениях ученых в данной области.

**Ключевые слова:** Авторское право, интеллектуальная собственность, права человека, норма, Конституция, международный договор, конституционно-правовая защита, конституционное право.

## CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASIS AND THE ROLE OF COPYRIGHT IN THE SYSTEM OF HUMAN RIGHTS

### ANNOTATION

The article provides for the reflection of copyright in international treaties on human rights, the place of copyright in international treaties in the field of copyright, the role of copyright in the human rights system, its consolidation in the Constitutions of foreign countries, the importance of constitutional and legal norms in the development of national legislation, the need to include freedom of artistic creativity in the Constitution of the Republic of Uzbekistan as a norm, as well as conclusions based on the views of scientists in this area.

**Keywords:** Copyright, intellectual property, human rights, norm, Constitution, international treaty, constitutional and legal protection, constitutional law.

Йигирманчи асрнинг ўрталарига келиб урушлардан чарчаган инсоният башарият ривожининг кафолати сифатида муаллифлар ва улар яратадиган ихтиро ҳамда асарларга тараққиётнинг кейинги ривожланиш омили сифатида қарай бошлади. Шунга кўра, интеллектуал мулк объектларини яратиш ва унинг самарали ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий, технологик ва маънавий тараққиётини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Бежизга, давлат раҳбари “Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади”, деган фикрни ўртага ташламаган эди [1].

XX-асрнинг ўрталарига келиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан муаллифлик ҳуқуқларига дунёда инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари сифатида қарала бошланди. БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 27-моддасида “ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” деб мустаҳкамлаб қўйилди [2].

Муаллифлик ҳуқуқининг қонунчилик асосларини кучайтириш ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини янада эътироф этиш, инсониятнинг маданий соҳа ва илмий тараққиётдаги ўрнини белгилаш мақсадида БМТ томонидан 1966 йил 19 декабрда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт қабул қилинди ва ушбу ҳужжатда ҳам муаллифлик ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи соҳасида дунёда “Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенцияси (1886 йил 9 сентябрь), “Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенция (Женева, 1971 йил 29 октябрь), “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси” (Женева, 1996 йил 20 декабрь), “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси”нинг (Женева, 1996 йил 20 декабрь) ва “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Рим конвенцияси (1961 йил 26 октябрь) ва бошқа қатор халқаро-ҳуқуқий шартномалар қабул қилинган.

Юқоридаги ҳужжатларга демократия ва иқтисодий ўсиш йўлини танлаган давлатларнинг аъзо бўлишлари натижасида муаллифлик ҳуқуқи давлатларнинг қонунларида ўз аксини топишни бошлади. Муаллифлик ҳуқуқи маданият ва ҳуқуқ соҳалари ўртасидаги боғлиқлик зонасида жойлашган. Шу сабабли ҳам муаллифлик ҳуқуқи мураккаб соҳалиги ва у турли хил манфаатларни ҳимоя қилиши мумкинлиги

билан инсон ҳуқуқлари тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Шунга кўра муаллифлик ҳуқуқини фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий воситалари билан ҳимоя қилиш етарли бўлмай қолди.

Муаллифлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари тизимида инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари сирасига киради. Муаллифлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ доирасида ҳам амалда бўлади. XX-асрнинг ўрталарида муаллифлик ҳуқуқлари Конституциявий ҳуқуқ тизимида ўз аксини топа бошлагани сабабли ҳам уни ҳимоя қилиш механизмлари бевосита дунёда соҳалараро ўрганишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқига оид норма ва қоидалар жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатлари Конституцияларида ўз аксини топган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 44-моддасига кўра ҳар бир инсонга адабий, бадий, илмий-техникавий ва бошқа ижодкорлик ва ўқитиш шакллари эркинлиги кафолатланган, шунингдек, интеллектуал мулк қонун билан ҳимояланганлиги кўрсатилган [3]. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир шахс ўз қобилятига кўра муаллиф сифатида асар яратиш, ушбу асарларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга эканлиги Конституция даражасида кафолатланади ва муҳофазаланади.

“Россия Федерациясида муаллифлик ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий режими” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган олим Ю.Мишиннинг фикрига кўра, муаллифлик ҳуқуқларининг 60 йилдан ортиқ давр мобайнида фақатгина давлат манфаатларига мутаносиб равишда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида муҳофаза қилиниши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Хусусан, ҳозирги Россия Конституциясининг иқтисодий, мулк ва меҳнатга янгича қарашлар асосида кафолат кучайгани, айниқса унинг 44-моддасида интеллектуал мулк тан олиниб, уни асосий қонун даражасида ҳимояга олинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу интеллектуал мулкни фақат махсус ҳуқуқ соҳаси даражасида, балки конституциявий ҳуқуқнинг марказига кўтарди. Бугун интеллектуал мулкнинг махсус ҳуқуқий асослари ҳақида гапиришнинг ўзи етарли эмас, балки унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва конституциявий-ҳуқуқий режими, айниқса, муаллифлик ҳуқуқи муҳокама қилиниши зарур [4].

Германия Федератив Республикасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Конституция билан кафолатланган. Конституциянинг 1-моддаси муаллифнинг номоддий манфаатларини ҳимоя қилади (инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш), 14-моддаси эса инсоннинг моддий манфаатлари (мулк ҳуқуқининг кафолатлари) билан муҳофаза қилинганлиги келтириб ўтилган [5].

Германияда интеллектуал мулк ҳуқуқини конституциявий тартибда кўриб чиқишда немис олимлари асосий нормалар сифатида Асосий қонуннинг 14-моддасини қўллайдилар. Германия Федератив Конституциявий суди бир неча бор мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш нормаларини интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлаб қарорлар қабул қилишган [6].

Украина Конституциясининг 54-моддасида муаллифлик ҳуқуқларининг конституциявий асослари, инсоннинг интеллектуал фаолиятига бўлган ҳуқуқлари теран ёритилган. Унга кўра, фуқароларга адабиёт, санъат, илмий-техникавий эркинлик, ижодкорлик, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқлари, ахлоқий ва интеллектуал мулкнинг турли тоифалари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган моддий манфаатлар кафолатланган. Шунингдек, Конституциянинг 2-қисмида “ҳар бир фуқаро ўзининг интеллектуал, ижодий фаолияти натижаларига эгалик қилиши ва ҳеч ким унинг розилигисиз улардан фойдаланиши ёки тарқатиши мумкин эмаслиги мустақамланган [7].

АҚШда муаллифлик ҳуқуқи “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун (1976 йил) билан тартибга солинади. Ушбу қонунга асос сифатида АҚШ Конституциясининг Конгрессга муаллифлик ҳуқуқи банди деб номланувчи 1-модда, 8-бўлим, 8-банди асосида муаллифлик ҳуқуқи қонунини яратиш ваколатини

бериши сабаб бўлган. АҚШ Конституциясининг 8-бандига мувофиқ Конгресс қуйидаги ҳуқуқларга эга: “Муаллифлар ва ихтирочиларнинг ўз асарлари ва кашфиётларидаги мулкӣ ҳуқуқларини маълум муддатга ҳимоя қилиш орқали фан ва фойдали санъатнинг ривожланиши рағбатлантирилади” [8].

Дунёдаги энг кўҳна Конституциялардан ҳисобланган АҚШ Конституциясининг 8-бўлими 8-хатбошида АҚШ Конгрессини илм-фанни ва фойдали ҳунарларнинг ривожланишига ёрдам бериш муаллифлар ва ихтирочиларга уларнинг ёзган асарлари ва кашфиётлари учун мутлақ ҳуқуқларни бириктириш белгилаб қўйилган [9].

К.Муррайнинг таъкидлашича, “Интеллектуал мулкни, хусусан муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқининг ҳуқуқӣ муҳофазасини таъминлашнинг энг оригинал ва илк намунаси сифатида АҚШ Конституциясини кўриш мумкин. Чунки, интеллектуал мулк ҳали қонунларда акс этмасидан, яъни ушбу тушунчага эътибор берилмасидан олдин, уни муҳофаза қилишнинг Конституциявий-ҳуқуқӣ асослари АҚШ Конституциясида ўрнатилган эди” [10].

Арманистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида ҳам ижод эркинлиги, хусусан муаллифлик ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда қуйидагилар ўз аксини топган: “ҳар бир инсон адабий, бадий ва илмий-техникавий ижод эркинлигига эга” [11].

Корея Республикасида муаллифлик ҳуқуқлари мамлакат Конституциясининг 22-моддаси билан муҳофазага олинган бўлиб, унга кўра барча фуқаролар илмий ва бадий ижод эркинлиги ҳуқуқига эга. Шунингдек, муаллифлар, ихтирочилар, олимлар ва рассомларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган [12].

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 47-моддасига кўра фуқаролар илмий ва бадий ижод эркинлиги ва бошқа маданий ҳуқуқларга эгаллиги, давлат илмий-тадқиқот ва бадий ижодни ривожлантиришни қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантириши белгиланган [13].

Интеллектуал мулк, хусусан муаллифлик ҳуқуқи бугунги кунда миллий иқтисодӣ ривожлантиришда ва илмий-техник тараққиёт натижаларини турли соҳаларга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеллектуал мулкни ривожлантирмасдан туриб янги жамиятга ўтиш мумкин эмас. Интеллектуал мулкни ҳуқуқӣ тартибга солишга оид муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал қилиш, айниқса муаллиқлик ҳуқуқларини Конституция ва соҳа қонунлари даражасида ҳимоясини таъминлаш, халқаро стандартларга мос ҳуқуқӣ базани шукллантириш орқали амалга оширилиши мумкин. Интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқининг ҳуқуқӣ асосларини белгилашда асосӣ қонун - Конституция доимо етакчи роль ўйнайди. Қуйида келтирилган жадвал ва унга киритилган маълумотлар бунга мисолд бўлади.

#### Дунё Конституцияларида “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” нормасининг мавжудлиги:

Давлат	Модда	Давлат	Модда	Давлат	Модда
Озарбайжон	30,94	Ангола	42	Буркино Фасо	28
Боливия	30,41,42, 100,381	Венесуэла	98	Вьетнам	62
Грузия	23	Доминикан Республикаси	52	Миср	69
Киргизистон	49	Кения	40, 2112, 2405,2691	Колумбия	61,50
Конго	46	Косова	46	Мадагаскар	26
Мозамбик	94	Молдова	33	Мьянма	372
Никарагуа	125	БАА	121	Янги Папуа Гвиния	290
Парагвай	110	Перу	29	Россия	44, 71

Сальвадор	103	Эквадор	322, 4222	Словакия	43
Словения	60	Судан	23	Тожикистон	40
Шаркий Тимор	60	Тунис	41	Уганда	189
Украина	54	Филиппин	XIV	Чили	19

2023 йилга қадар муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги асосий бўшлиқлардан бири муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг давлатимиз Конституциясида етарлича ўз аксини топмаганлиги эди. Конституциявий ислоҳотлар натижасида Конституциямизнинг 42-моддасига қўшимча ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, “ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларига “бадиий ижод” атамасининг қўшилиши орқали инсоннинг муаллифлик ҳуқуқи янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистонда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдум натижасида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциянинг 53-моддасида бевосита муаллифлик ҳуқуқлари, шунингдек интеллектуал мулк объектлари давлат муҳофазасида эканлигини белгиловчи норма ўрнатилди. Хусусан, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади, деб белгилаб қўйилди [14].

Ушбу норманинг Асосий қонунда ўрнатилиши муаллифларнинг ҳуқуқлари конституциявий ҳуқуқ доирасида муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган конституциявий-сиёсий қадамгина бўлмай, балки муаллифлик ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари доирасида замонавий талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳимоя қилиниши кераклиги, бунда бутун жамият ва давлат ушбу соҳа учун маъсул эканлиги белгилаб берилди.

Конституциянинг 53-моддаси 2-қисмида интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинишининг белгилаб қўйилгани қонунчиликдаги катта қадам бўлди [14]. Бу дегани, ҳозирда ва келажакда интеллектуал мулк объектлари ҳар доим қонун билан муҳофаза қилиниши ва давлатнинг ушбу соҳага оид қонунчилиги интеллектуал мулк объектларини яратувчи субъектлар ҳуқуқларини, муаллифлик ҳуқуқларини поймол этмаслиги ва уларнинг ҳуқуқлари ҳар доим устувор ҳарактерга эга бўлишини белгилаб берди.

Шундай қилиб, муаллифлик ҳуқуқини конституциявий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга, давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажаришга, халқаро доирада имиджини мустаҳкамлашга, маданият, фан ва иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишда асосий ўрин тутади. Муаллифлик ҳуқуқлари инсоннинг олий кадриятлари сифатида эътироф этилган давлат иқтисодий барқарорликка эришади, ташқи ҳар қандай сиёсий-иқтисодий хуружларга қарши кучли иммунитетга эга бўлади, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулосасифатидашуни таъкидлаш керакки, муаллифлик ҳуқуқларига инсон ҳуқуқлари ва конституциявий ҳуқуқ доирасида қаралмас экан, унинг фақатгина фуқаролик ҳуқуқи тизимида ўрганилиши ва муаллифлик ҳуқуқларига иккиламчи ҳуқуқлар сифатида баҳо берилиши натижасида давлат ва жамиятнинг келгуси равнақини белгилаб олиш имконияти чекланади. Зеро, давлатнинг ва фуқароларнинг иқтисодий барқарорлигини, илмий ва техникавий инновацион ютуқларнинг кафолатини, давлатнинг халқаро имиджини, маънавий ва маданий кадриятларнинг мустаҳкамланишини таъминлайдиган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланган муаллифлик ҳуқуқларига нисбатан ёндашувлар ўзгаришини замон талаб этмоқда. Муаллифлик ҳуқуқларини конституциявий ҳуқуқнинг предмети сифатида эътироф этиш, уни соҳалараро ўрганиш ва ҳимоя қилиш механизмларини



такомиллаштириш бевосита Конституция ва қонунларнинг талабидир.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. 2020 йил 12 октябрдаги интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган видеоселектордаги мазрузаси. -URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3887> (мурожаат қилинган сана: 18.10.2024).

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. -URL: <https://constitution.uz/uz/pages/humanRights> (мурожаат қилинган сана: 18.10.2024).

3. Конституция Российской Федерации. -URL: <http://www.constitution.ru/> (мурожаат қилинган сана: 20.10.2024).

4. Мишин Ю.Д. Конституционно-правовой режим авторского права в Российской Федерации. Автореферат диссерт. кандидат. юрид. наук. –М.: 2002. -С.12.

5. Конституция Германии. -URL: [https://www.1000dokumente.de/?c=dokument\\_de&dokument=0014\\_gru&object=translation&l=ru](https://www.1000dokumente.de/?c=dokument_de&dokument=0014_gru&object=translation&l=ru) (мурожаат қилинган сана: 12.10.2024).

6. Lang Th. Immaterialgüterrechtliche Lizenzierung und Kartellrechtliche Verhaltenskontrolle. – Frankfurt a.M., 2009. – S.13. / <https://www.peterlang.com/document/1106707> (мурожаат қилинган сана: 24.10.2024).

7. Конституция Украины. chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj -URL: [/https://legalns.com/download/books/cons/ukraine.pdf](https://legalns.com/download/books/cons/ukraine.pdf) (мурожаат қилинган сана: 22.10.2024).

8. Конституция Соединенных Штатов Америки. -URL: <https://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnstUS.htm> (мурожаат қилинган сана: 26.10.2024).

9. Лялкина У.А., Кирянова А.А., Кружилис В.С. Конституционные основы и свобода творчества. Журнал Научный лидер. Выпуск 1 (151) январь, 2024.

10 Murray K. Constitutional patent law: Principles and institutions // Nebraska law review. – Lincoln, 2015. -Vol. 93. -N 4. -P.902. -URL: <https://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?referer=&httpsredir=1&article=2807&context=nlr> (мурожаат қилинган сана: 25.10.2024).

11. Конституция Республики Армения. -URL: <https://www.president.am/ru/constitution-2015> (мурожаат қилинган сана: 26.10.2024).

12. The Constitution of the Republic of Korea. -URL: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/7145> (мурожаат қилинган сана: 25.10.2024).

13. Гайкова К.А. Сравнительный анализ правовой защиты биометрических персональных данных в зарубежном законодательстве. Юридические науки. Теория и история права, конституционное право. Выпуск 27 (97). -С.55. -URL: [https://chinalaw.center/constitutional\\_law/china\\_constitution\\_revised\\_2018\\_russian/](https://chinalaw.center/constitutional_law/china_constitution_revised_2018_russian/) (мурожаат қилинган сана: 26.10.2024).

14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -URL: <https://lex.uz/docs/-6445145> (мурожаат қилинган сана: 22.10.2024).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**DEHQANOV Raxmatilla Mirzaraxmat o'g'li**  
O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi  
Yuristlar malakasini oshirish markazi katta o'qituvchisi  
E-mail: [romdehqanov@gmail.com](mailto:romdehqanov@gmail.com)

## TRANSCHEGARAVIY ELEKTRON TIJORATDA ISTEMOLCHILAR HUQUQLARI

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** DEHQANOV R.M. Transchegaraviy elektron tijoratda istemolchilar huquqlari // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) P. 34-39.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-5>

### ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada transchegaraviy elektron tijoratda iste'molchilar huquqlari himoya qilishning nazariy va amaliy xususiyatlarini tahlilini o'z ichiga olgan. Shuningdek, transchegaraviy elektron tijoratda iste'molchilar huquqlari ahamiyati, xalqaro va milliy qonunchilikda hozirgi kundagi muammolarni tahlil qilish orqali takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** Transchegaraviy elektron tijorat, elektron savdo, onlayn iste'molchilar, adolatsiz tijorat amaliyoti, mobil to'lov tizimlari.

**ДЕХКАНОВ Рахматилла**

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов  
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан  
E-mail: [romdehqanov@gmail.com](mailto:romdehqanov@gmail.com)

## ПРАВА ПОТРЕБИТЕЛЕЙ В ТРАНСГРАНИЧНОЙ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ

### АННОТАЦИЯ

Данная научная статья включает анализ теоретических и практических особенностей защиты прав потребителей в трансграничной электронной коммерции. Также были разработаны предложения путем анализа значимости прав потребителей в трансграничной электронной коммерции, актуальных проблем международного и национального законодательства.

**Ключевые слова:** трансграничная электронная коммерция, электронная коммерция, онлайн-потребители, недобросовестная коммерческая практика, системы мобильных платежей.

**Dekhkanov Rakhmatilla**

Senior Lecturer of the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: [romdehqanov@gmail.com](mailto:romdehqanov@gmail.com)

## CONSUMER RIGHTS IN CROSS-BORDER ELECTRONIC COMMERCE

### ANNOTATION

This scientific article includes an analysis of theoretical and practical features of consumer rights protection in cross-border e-commerce. Also, proposals were developed by analyzing the importance of consumer rights in cross-border e-commerce, current issues in international and national legislation.

**Keywords:** cross-border e-commerce, e-commerce, online consumers, unfair commercial practices, mobile payment systems.

Bugungi dunyo hamjamiyatining zamonaviy rivojlanish bevosita axborot kommunikatsiya texnologiyalari, xususan internet tarmog'i bilan uzviy bog'liqdir. Axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi va jamiyat hayotining har bir sohasiga kirib kelishi, xususan tijorat sohasidagi o'rni ortishi yangi ijtimoiy munosabatlarni vujudga keltirdi va internet tarmog'ining ahamiyatini yanada orttirdi. Yaqin vaqtgacha internet faqat akademik foydalanish bilan chegaralangan bo'lsa-da, hozirda ko'payib borayotgan korxonalar o'z internet saytlarini ochib, World Wide Web (WWW)da sahifalarini taklif qilmoqdalar. Internet orqali elektron tijorat davlatga ham tadbirkorlarga ham hatto xaridorlarga ham juda qulay hisoblanadi. Ilgari transchegaraviy bitimlar yirik korxonalar va ulgurji sotuvchilarni tashvishga solardi, chakana savdo maxsus hududlar va bozor joylari bilan chegaralangan edi internet esa, buni o'zgartirdi. Taniqli iqtisodchi Richard J. Lipsey "iste'molchilar huquqlarini himoya qilish nafaqat etik masala, balki iqtisodiy jihatdan ham o'zgaruvchan bozorda ishonchni oshiradi. Xavfsiz va himoyalangan onlayn muhitda xarid qilish, iste'molchilarga iqtisodiy rivojlanishning barqarorligini ta'minlaydi [1]" deb takidlagan. Hozirgi kunda elektrton tijorat deyarli muqarrar ravishda turli mamlakatlarda joylashgan yetkazib beruvchi va xaridor bilan minglab shartnomalari tuzishga imkon bermoqda. Elektron tijoratda asosan o'ziga faol jalab qilayotgan shaxslar bu albatda iste'molchilardir. Eng avvalo, biz elektrton tijoratda iste'molchilar huquqlarini tahlil qilishdan avval elektron savdo nima ekanligini bilishimiz lozim, chunki bu orqali tartibga solinayotgan munosabat aniqlashtiriladi. "Elektron savdo" atamasi birinchi marta 1990-yillarning o'rtalarida Internet orqali oldi-sotdi operatsiyalarini amalga oshirishning yangi imkoniyatlari bilan bog'liq holda paydo bo'lgan. "Elektron savdo" atamasining tor va keng ma'nosi mavjud bo'lib, elektron savdo telekommunikatsiya tarmoqlari orqali tovarlarni reklama qilish va sotish tor ma'nodasi, "elektron savdo" atamaning keng ma'nosida esa, elektron savdo faqat oldi-sotdi operatsiyalari bilan cheklanmaydigan kengroq funksiyalarni anglatadi. BMTning Xalqaro savdo huquqi bo'yicha komissiyasining tarifiga ko'ra, elektron savdo oldi-sotdi, yetkazib berish, sanoat va ishbilarmonlik kooperatsiyasi sohasidagi faktoring, lizing, konsalting, injiniring va boshqa operatsiyalardir [2]. O'zbekiston Respublikasida elektron tijoratni tartibga soluvchi "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonunning 3-moddasida elektron tijorat — tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) tadbirkorlik faoliyati doirasida axborot tizimlaridan foydalangan holda elektron savdo maydonchasi orqali tuzilgan shartnomaga muvofiq amalga oshiriladigan oldi-sotdisi sifatida ta'riflangan [3].

Elektron tijoratda iste'molchilarga istalgan vaqtda tovar va xizmatlar haqida bilib olishlari va ularni uydan chiqmasdan deyarli hamma joyda sotib olishlari imkonini yaratib bermoqda. Biroq, iste'molchilar ishtirokidagi bitimlar tuzish va amalga oshirish paytida, iste'molchilar huquqlarini himoya qilish zarurati bilan bog'liq ko'plab muammolar paydo bo'lmoqda. Bir qator muammolar milliy va xalqaro xususiy huquq uchun juda harakterlidir. Ko'pgina tadqiqotchilar onlayn iste'molchilarga oflayn iste'molchilarga taqdim etilgan himoyadan kam bo'lmagan samarali himoya kafolatlanishi kerakligini haqli ravishda ta'kidlashadi. Ular onlayn iste'molchilarning eng xavotirli uchta asosiy muammosini takidlaydilar. ular: sotuvchilarning anonimligi, ularni kuzatish qiyin bo'lishi mumkinligi, iste'molchining mahsulot va yorliqlarni tekshirishning mumkin emasligi va nizolarni hal qilishdagi to'siqlar [4]. Shunindek, UNCTAD

(Birlashgan Millatlar Tashkilotining Savdo va Taraqqiyot Konferentsiyasi)ning iste'molchilar huquqlarini himoya qilish bo'yicha so'rovnomasiga berilgan javoblar asosida butun dunyo bo'ylab iste'molchilar huquqlarini himoya qilish agentliklariga yuboriladigan elektron tijorat rivojlanayotgan mamlakatlarda iste'molchilar duch keladigan eng keng tarqalgan elektron tijorat muammolari sifatida zaif internet infratuzilmasi, til to'siqlari, tovar, xizmatlar va narxlarga nisbatan aldamchi axborot va marketing amaliyotlari, chalg'ituvchi reklama, onlayn va mobil to'lovlar xavfsiz emasligi, to'lovni qaytarish va yechib olish bo'yicha noaniq ma'lumotlar, shaxsiy ma'lumotlar va maxfiylikni himoya qilish, elektron identifikatsiya va autentifikatsiya vositalari, mahsulotlarni kechiktirish yoki yetkazib bermaslik va boshqa holatlarni aniqlagan [5].

Elektron tijoratni rivojlantirishdagi asosiy muammolardan biri adolatsiz tijorat amaliyotidir. Adolatsiz tijorat amaliyotlari iste'molchilarning mahsulotlarga nisbatan tranzaksiya qarorlariga ta'sir qiladi va iste'molchilarning ongli tanlov qilishlariga to'sqinlik qiladi. Shuningdek, ular iste'molchilarni mahsulotning tabiati haqida noto'g'ri ma'lumot berish, agressiv marketing usullarini qo'llash orqali aldash, savdo nomlari o'rtasida chalkashliklarni keltirib chiqarish yoki raqobatchilarning savdo belgilari ko'rsatish orqali iste'molchilarni chalg'itishi mumkin [6]. Adolatsiz tijorat amaliyotlari iste'molchilar huquqlarini buzishini hisobga olgan holda Amerika Qo'shma Shtatlari Federal Savdo Komissiyasi "Federal Savdo Komissiyasi to'g'risida"gi qonunning 5 (a) bo'limida "savdoda yoki unga ta'sir qiluvchi adolatsiz yoki aldamchi harakatlar yoki amaliyotlarni" taqiqlanadi. Komissiyaning fikriga ko'ra, aldamchi amaliyotlar - bu vakillik, kamchilik yoki amaliyot iste'molchilarni chalg'itadigan yoki chalg'itishi mumkin bo'lgan amaliyotlardir. Amerika Qo'shma Shtatlari Federal Savdo Komissiyasi tomonidan adolatsiz tijorat amaliyotlari oldini olish maqsadida reklamada qanday qilib aniq va ko'zga ko'rinarli ma'lumotlarni bo'yicha yo'riqnomani ishlab chiqdi. Ushbu yo'riqnomada umumiy tamoyil sifatida reklama haqiqatni aytishi va iste'molchilarni chalg'itmasligi, barcha da'volar asosli bo'lishi kerakligi belgilandi [7]. Janubiy Amerika davlatlaridan Argentina, Braziliya va Urugvayda adolatsiz tijorat amaliyotlari iste'molchilar aldanmasligi uchun reklama ma'lumotlarning aniq, ochiq va to'g'ri bo'lishini talab qiluvchi o'xshash qonunchilik bazasi mavjud [8]. Iste'molchi shartnomalarida adolatsiz shartlar bo'yicha Yevropa Ittifoqining 1993-yilda qabul qilingan 93/13/EEC raqamli direktivasida iste'molchilar va savdogarlarning huquq va majburiyatlarida sezilarli nomutanosibliklarning oldini olish uchun vijdonlilik tushunchasiga ishora qiladi. Direktivada shartnoma shartlarini sodda va tushunarli tilda tuzishni talab qiladi va noaniqliklar iste'molchilar foydasiga talqin qilinishini ta'kidlaydi [9]. Adolatsiz savdo amaliyoti bo'yicha iste'molchilar munosabatini tartibga soluvchi O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida", "Reklama to'g'risida" va "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunlari va Fuqarolik kodeksida hech qanday norma mavjud emas, bu esa o'z navbatida ma'lum bir muammolarni keltirib chiqaradi. Elektron savdoda iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish qiyinchilikni vujudga keltirish orqali iste'molchilarning sudda da'vo qilish ko'payishiga, bundan tashqari iste'molchilar an'anaviy usulda tovarlar va xizmatlarni sotib olishga olib kelishi mumkin.

Elektron tijoratning yana bir muammosi onlayn va mobil to'lov tizimlari iste'molchilar uchun qiyinchiliklar tug'dirishidir. ICPEN (xalqaro iste'molchilar huquqlarini himoya qilish tarmog'i) mobil to'lovlarda iste'molchilar huquqlarini himoya qilish bo'yicha o'zining umumiy bayonotida barcha turdagi to'lov xizmatlari uchun bir xil yuqori darajadagi himoyaga erishish uchun mobil to'lov tizimlarida manfaatdor tomonlarni yetarli xavfsizlik mexanizmlarini targ'ib qilish, ruxsat etilmagan operatsiyalar uchun iste'molchilarning javobgar emasligi, ruxsat etilmagan bitimlar uchun iste'molchi javobgarligining iste'molchilarning beparvoligi darajasiga mutanosib ravishda chegaralarni belgilash va iste'molchilarga individual xaridlar, bitimlar shartlari va mavjud zararni qoplash mexanizmlari haqida aniq va adekvat ma'lumot qo'llashga undaydi [10]. Elektron savdoda to'lov tizimi Xitoyda uchinchi tomon to'lov usuli bo'lib, iste'molchi to'lovni tovarni shikoyatsiz qabul qilmaguncha ushlab turadigan uchinchi shaxsga to'laydi va to'lov savdogarga o'tkaziladi. Ushbu depozit tizimi adolatli, qulay, tezkor va arzon onlayn vositachilikni ham ta'minlaydi [11]. Ushbu Xitoyning amaliyoti O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat

to'g'risida"gi Qonuning 24-moddasida 2-qismida "savdo maydonchalarining operatorlari, to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar va tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berish xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar o'z axborot tizimlariga yoki bank hisobvaraqlariga "eskrou" xizmatini joriy etishi mumkin" ekanligi belgilangan ammo "eskrou" xizmati majburiy emasli mamlakat hududida yashayotgan iste'molchilar uchun muammodir. Chunki, tovar va xizmatlar uchun hal to'langan mablag' sotib olingan tovar va xizmatlar belgilangan sifat darajasida bo'lmaganda iste'molchi ularni qaytarib olish uchun oylar bazida yillar kutishi yoki tovar va xizmatlar uchun hal to'lagan so'mmadan ortiqroq sudda xarajat qilish majbur bo'ladi.

Transchegaraviy elektron tijoratlarda nizoni hal qilish ushbu sohadagi yana bir muammo hisoblanadi. An'anaviy tarzda nizolarni hal qilish amaldagi qonunchilik va yurisdiksiya nuqtai nazaridan ba'zi qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Elektron shaklda amalga oshirilgan shartnomalardan kelib chiqadigan nizolarni onlayn hal qilish platformalari Braziliya, Meksika va Yevropa Ittifoqi mavjud. Braziliyada Milliy iste'molchilar kotibiyati 2014-yilda onlayn kelishuv mexanizmini yaratdi va bu platforma [www.consumidor.gov.br](http://www.consumidor.gov.br) deb nomlandi. Ushbu davlat xizmati iste'molchilar va biznes vakillari o'rtasida nizolarni onlayn tarzda hal qilish uchun to'g'ridan-to'g'ri ma'lumotlarni almashish imkonini beradi. Ayni paytda murojaatlarning 80 foizi yarashtirilib, iste'molchilarning shikoyatlari o'rtacha 7 kun ichida qanoatlantirilmoqda. Ushbu xizmat iste'molchilar, sotuvchilar va yetkazib beruvchilar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni to'g'ridan-to'g'ri rivojlantirish va iste'molchilar nizolarini kamaytirish uchun davlat tomonidan taqdim etiladi. Ishtirok etish faqat tizimda ixtiyoriy va rasmiy ro'yxatdan o'tgan kompaniyalar uchun ochiq. Meksikada 2008-yilda iste'molchi federal prokuraturasi tomonidan nizolarni hal qilishning onlayn mexanizmi ishga tushirildi. Mexanizm tovarlar yoki xizmatlarni onlayn yoki oflayn rejimda sotib olgan iste'molchilarga qog'ozsiz va byurokratiyasiz kelishuv tizimidan foydalanish imkoniyatini beradi, bu orqali ular virtual platformada shikoyatlarni berish va hal qilish imkonini berdi. Yevropa Komissiyasi 2016-yilda iste'molchilar va treyderlarga onlayn xaridlar bo'yicha nizolarni hal qilishda yordam berish uchun nizolarni hal qilish platformasini ishga tushirdi [12]. O'zbekiston Respublikasi iste'molchilar munosabatlari tartibga soluvchi "Elektron tijorat to'g'risida", "Reklama to'g'risida" va "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunlari va Fuqarolik kodeksida nizolarni hal qilish faqat sud orqali hal qilish mumkinligi ko'rsatadi. Yuqoridagi nizolar hal qilishning zamonaviy usullari hali tartibga solinmagan.

Bundan tashqari, transchegaraviy elektron tijorat turli yurisdiksiyalardagi iste'molchilar va korxonalarni birlashtiradi va shuning uchun iste'molchilar uchun quyidagi maxsus muammolarni keltirib chiqaradi:

- I. Notanish brendlar bilan notanish tilda ishlash;
- II. Ta'riflangan yoki buyurtma qilingan mahsulotni olishda ishonch yo'qligi (masalan, qalbaki yoki firibgarlik);
- III. yashirin xarajatlar, shu jumladan bojxona to'lovlari va valyuta bilan bog'liq konvertatsiya qilish, shuningdek jo'natish yoki yetkazib berish;
- IV. mahsulotlarning mahalliy standartlarga muvofiqligi;
- V. sotuvchining yurisdiksiyasi tomonidan taqdim etilgan himoyalar, to'lovlar haqida aniqlik yo'qligi [13].

Iste'molchilar transchegaraviy bitim bo'yicha nizo vujudga kelganda, amaldagi qonunchilik va yurisdiksiya ko'pincha muammo hisoblanadi. Shu sababli, transchegaraviy elektron tijoratda yurisdiksiyaviy masalalarni hal qilish, shuningdek, bu borada umumiy tushunishni rivojlantirish uchun xalqaro maslahatlashuvlar va hamkorlikka ehtiyoj bor. Elektron tijoratda yurisdiksiya masalalari O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida" Qonunida aniq bir norma belgilanmagan. Bu esa o'z navbatida nizo adolatli hal qilish imkoniyatidan taraflarni mahrum qiladi.

Maqola tahlilida O'zbekiston Respublikasida elektron tijorat sohasida yuqorida ko'rsatib o'tilgan tartibga solinmagan va hal qilinishi lozim bo'lgan holatlar mavjud. Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida" 2022-yil 29-sentabrdagi Qonuni bizning nazarimizda ushbu qonun faqat davlat hududidagi huquqiy munosabatlar uchun ya'ni

chet el element ishtirok etmaydigan munosabatlarni qamrab olmagan holda qo'llanadi, chunki, ushbu Qonuning 14-moddasida elektron tijoratda tuziladigan shartnomalar O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, ushbu Qonun va O'zbekiston Respublikasining boshqa qonunchilik hujjati talablariga muvofiq bo'lishi kerak degan qoida mavjud. Xalqaro elektron xaridlar xalqaro huquq asosida faoliyati amalga oshiradi bu esa, xar doim ham uni O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga to'g'ri kelmasligi mumkin. Bundan tashqari ushbu Qonunning 21-moddasida shartnoma shartlari aniq, tushunarli shaklda davlat tilida shakllantirilishi kerak. Zarur bo'lganda ular davlat tili bilan bir vaqtda taraflar uchun qulay bo'lgan boshqa tillarda ham tuzilishi mumkinligi to'g'risidagi qoida ham ushbu qonuning xalqaro xususiyati mavjud emasligini ko'rsatadi. Chunki xalqaroni elektron tijoratda til bo'yicha hech qanday cheklov mavjud emas, tovarlar va xizmatlar odatda ingliz tilida ko'rsatiladi.

Xulasa qilib shuni aytishimiz mumkinki, ko'rsatib o'tilgan kamchiliklar bizning narazimizda quydagilar asosida o'z yechimi topishi mumkin:

O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonuning 3-moddasida berilgan elektron tijorat ta'rifini quydagicha jumla bilan to'ldirish maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz, ya'ni elektron tijorat — tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) tadbirkorlik faoliyati doirasida axborot tizimlaridan foydalangan holda elektron savdo maydonchasi orqali sotib olish yoki sotish, yetkazib berish, kredit, shartlarda moliyalashtirish, moliyaviy javobgarlikni o'z ichiga olgan huquq va majburiyatlardir. Bu ta'rif orqali zamonaviy rivojlanayotgan raqamli bozorga mos hisoblanib, bu orqali ushbu xizmatlarda iste'molchilarni huquqlari himoya qilishni samaradorligini oshiradi. Bundan tashqari sudlarda qonunni qo'llash amaliyoti rivojlantiradi.

O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonuning 24-moddasida 2-qismida "savdo maydonchalarining operatorlari, to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar va tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berish xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar o'z axborot tizimlariga yoki bank hisobvaraqlariga "eskrou" xizmatini joriy etishi mumkin" to'g'risidagi ixtiyoriy huquqni majburiyatga o'zgartirish ya'ni "eskrou" xizmatini joriy qilish shart qilib belgilash. Buning natijasida iste'molchilar sifatsiz, but bo'lmagan tovarlar uchun amalga oshirgan to'lovni hech qanday to'siqlarsiz qaytarish imkonini beradi.

O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi transchegaraviy elektron tijoratda tadbirkor (sotuvchi, yetkazib beruvchi)lar va iste'molchilar uchun o'zlarini huquqlarini himoya qilish va majburiyatlarni bajarish bo'yicha amaliyotda foydalana oladigan tavsiyalar ishlab chiqish. Ishlab chiqilishi lozim bo'lgan tavsiyalar natijasida iste'molchi va tadbirkor qaysi holatda qoida buzilishi mumkinligi ongli ravishda tushinib yetadi.

#### **Iqriboslar/Snocki/ References:**

1. The Principles of the Consumer Right Protection in Electronic Trade: A Comparative Law Analysis Elena Anatolyevna Kirillova, Elena Anatolyevna Shergunova, Elena Stepanovna Ustinovich, Nikolay Nikolaevich Nadezhin, Lyubov Borisovna Sitdikova <https://www.econjournals.com/index.php/ijefi/article/view/2540>
2. O'zbekiston Respublikasining 2022-yil 29-sentabrdagi "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonuni 30.09.2022-y., 03/22/792/0870-son <https://lex.uz/docs/-6213382>
3. The Principles of the Consumer Right Protection in Electronic Trade: A Comparative Law Analysis Elena Anatolyevna Kirillova, Elena Anatolyevna Shergunova, Elena Stepanovna Ustinovich, Nikolay Nikolaevich Nadezhin, Lyubov Borisovna Sitdikova <https://www.econjournals.com/index.php/ijefi/article/view/2540>
4. The Principles of the Consumer Right Protection in Electronic Trade: A Comparative Law Analysis Elena Anatolyevna Kirillova, Elena Anatolyevna Shergunova, Elena Stepanovna Ustinovich, Nikolay Nikolaevich Nadezhin, Lyubov Borisovna Sitdikova <https://www.econjournals.com/index.php/ijefi/article/view/2540>
5. Trade and Development Board Trade and Development Commission Intergovernmental Group of Experts on Consumer Protection Law and Policy Second session Geneva, 3–4 July 2017 [https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7_en.pdf)

6. <https://www.ftc.gov/enforcement/statutes/federal-trade-commission-act>
7. Trade and Development Board Trade and Development Commission Intergovernmental Group of Experts on Consumer Protection Law and Policy Second session Geneva, 3–4 July 2017 [https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7_en.pdf)
8. Trade and Development Board Trade and Development Commission Intergovernmental Group of Experts on Consumer Protection Law and Policy Second session Geneva, 3–4 July 2017 [https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/cicplpd7_en.pdf)
9. Y Yu, 2016, Escrow in e-commerce, presented at the seventh meeting of the UNCTAD Research Partnership Platform, Geneva, 19 October, available at <http://unctad.org/en/Pages/MeetingDetails.aspx?meetingid=1157> (accessed 18 April 2017). Consumer protection in electronic commerce Note by the UNCTAD secretariat Geneva, 3–4 July 2017
10. Trade and Development Board Trade and Development Commission Intergovernmental Group of Experts on Consumer Protection Law and Policy Second session Geneva, 3–4 July 2017 (<http://ec.europa.eu/consumers/odr/main/index.cfm>)
11. Trade and Development Board Trade and Development Commission Intergovernmental Group of Experts on Consumer Protection Law and Policy Second session Geneva, 3–4 July 2017 (<http://ec.europa.eu/consumers/odr/main/index.cfm>)
12. Richard J. Lipsey, *E-Commerce and Consumer Rights in the Digital Economy* (2020).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**TOSHKANOV Nurbek Bahriddinovich**

Toshkent davlat yuridik universiteti Biznes huquqi kafedrası o'qituvchisi,  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
e-mail: toshkanovnurbek@gmail.com

## INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO'LGAN HUQUQLARNI USTAV JAMG'ARMASIGA ULUSH SIFATIDA KIRITISH: BUNI QANDAY AMALGA OSHIRISH MUMKIN?

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): TOSHKANOV N.B.** Intellectual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni ustav jamg'armasiga ulush sifatida kiritish: buni qanday amalga oshirish mumkin? // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) B. 40-47.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-6>

### ANNOTATSIIYA

Maqolada intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni yuridik shaxslarning ustav jamg'armasiga ulush sifatida kiritish orqali tijoratlashtirish masalalari batafsil tahlil qilingan. Muallif ushbu jarayonning huquqiy asoslarini O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi, shu jumladan, Fuqarolik kodeksi va tegishli qonunchilik hujjatlari doirasida yoritadi. Intellectual mulk obyektlarining iqtisodiy va huquqiy qiymatini aniqlash, ularni tijorat muomalasiga kiritish tartiblari va baholash usullarini tahlil qiladi. Shu bilan birga, startap kompaniyalar faoliyatida intellektual mulkdan foydalanish imkoniyatlari, ularning monetizatsiya qilinishi va tijorat yuridik shaxslari uchun iqtisodiy foyda taqdim etishi ko'rsatib o'tilgan. Muallif milliy qonunchilikni takomillashtirish, xususan, intellektual mulkni ustav jamg'armasiga ulush sifatida kiritishni huquqiy tartibga soluvchi maxsus normalarni joriy etish zarurligini asoslaydi. Bu bo'yicha takliflar bilan cheklanilmasdan o'zining bir qator xulosalarini keltirib o'tadi.

**Kalit so'zlar:** Intellectual mulk, ustav jamg'armasi, tijoratlashtirish, baholash, startap, innovatsiya

**ТОШКАНОВ Нурбек**

Преподаватель Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

## ВНЕСЕНИЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В УСТАВНЫЕ ФОНДЫ В КАЧЕСТВЕ ДОЛЕЙ: КАК ЭТО МОЖНО РЕАЛИЗОВАТЬ?

### АННОТАЦИЯ

В статье подробно анализируется коммерциализация прав на объекты интеллектуальной собственности (ИС) путем их внесения в уставные фонды юридических лиц в качестве долей. Автор рассматривает правовые основы данного процесса в рамках законодательства Республики Узбекистан, включая Гражданский кодекс и соответствующие нормативно-правовые акты. Изучены методы определения экономической и правовой ценности объектов ИС, порядок их введения в коммерческий оборот и процедуры оценки. Также освещены



возможности использования объектов ИС в деятельности стартап-компаний, их монетизация и экономическая выгода для коммерческих организаций. Автор обосновывает необходимость совершенствования национального законодательства, в частности, введения специальных норм для регулирования внесения прав на объекты ИС в уставные фонды. Помимо предложений, в статье представлены выводы, сделанные в ходе анализа.

**Ключевые слова:** Интеллектуальная собственность, уставный фонд, коммерциализация, оценка, стартап, инновация.

---

**TOSHKANOV Nurbek**

Lecturer at Tashkent State University of Law  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

## INCORPORATING INTELLECTUAL PROPERTY ASSETS AS SHARES INTO CHARTER FUNDS: HOW CAN THIS BE IMPLEMENTED?

### ANNOTATION

The article provides an in-depth analysis of the commercialization of intellectual property (IP) assets by incorporating them as shares into the charter funds of legal entities. The author examines the legal foundations of this process within the framework of the legislation of the Republic of Uzbekistan, including the Civil Code and relevant law acts. The article explores methods for determining the economic and legal value of IP assets, their introduction into commercial circulation, and evaluation processes. Additionally, the opportunities for utilizing IP in the operations of startup companies, their monetization, and the economic benefits they provide to commercial entities are highlighted. The author substantiates the necessity of improving national legislation, particularly the introduction of specific norms to regulate the inclusion of IP rights into charter funds. Beyond offering proposals, the article presents several conclusions drawn from the analysis.

**Keywords:** Intellectual property, charter fund, commercialization, valuation, startup, innovation.

---

Intellectual mulk obyektlarini tasarruf etish usullaridan biri bu yuridik shaxsning ustav kapitaliga kiritish hisoblanadi. Ushbu turdagi munosabatlar O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi (FK), 2001-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Mas’uliyati cheklangan hamda qo‘shimcha mas’uliyatli jamiyatlar to‘g‘risida to‘g‘risida”, 2014-yil 6-maydagi “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida” kabi qonunchilik hujjatlari bilan tartibga solinadi [1, B.31].

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 58-moddasiga ko‘ra xo‘jalik shirkati yoki jamiyatining mol-mulkiga pul, qimmatli qog‘ozlar, pul bilan baholanadigan boshqa buyumlar yoki mulkiy huquqlar yoxud boshqa shaxsga o‘tkaziladigan o‘zga huquqlar hissa sifatida qo‘shilishi mumkin.

2016-yil 13-apreldagi yangi tahrirdagi “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 19-moddasiga muvofiq ustav fondi (ustav kapitali) ta’sis hujjatlarida belgilangan hissalarining (pulda ifodalangan holdagi) yig‘indisini aks ettiradi. Ustav fondi (ustav kapitali)ga hissalar shaklida kiritiladigan moddiy va nomoddiy aktivlar ta’sischi (ishtirokchi)lar o‘rtasidagi kelishuvga ko‘ra baholanadi, qonunda nazarda tutilgan hollarda esa, baholovchi tashkilot tomonidan baholanishi kerak.

S.Safoyevaning fikricha, intellektual mulk obyektlaridan ustav kapitalida foydalanadigan yuridik shaxslar bo‘lib, ustav fondi jamiyatning aksiyadorlarga nisbatan majburiyatlarini tasdiqlovchi muayyan miqdordagi aksiyalarga taqsimlangan xo‘jalik yurituvchi aksiyadorlik jamiyatlari, chet el investitsiyasi ishtirokidagi korxonalar, xo‘jalik shirkatlari (to‘liq shirkat yoki kommandit shirkat shaklida) va mas’uliyati cheklangan hamda qo‘shimcha mas’uliyatli jamiyatlar va ishtirokchilarining hissalarini asosida tashkil topgan boshqa tijorat tashkilotlari hisoblanadilar [2, B.75].

Ularning ustav kapitalidagi hissalarini sifatida pul mablag‘lari (milliy yoki xorijiy valyutada),

qimmatli qog'ozlar, turli ko'rinishdagi mulk (bino, asbob-uskunalar), o'zga ashyolar yoki mulkiy huquqlar yoxud pul bahosiga ega bo'lgan boshqa shaxsga o'tkaziladigan o'zga huquqlar, jumladan, intellektual mulk obyektlariga nisbatan mulkiy huquqlar bo'lishi mumkinligi yuzasidan doktrinal qarashlar ham mavjud [3, B.101].

Garchi yuqorida keltirib o'tilgan ilmiy qarashlarda intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlar ustav fondiga kiritilishi mumkinligi yuzasidan fikr anglashilsa-da, milliy qonunchilikda intellektual mulk obyektlariga nisbatan huquqlar ustav fondiga ulush sifatida kiritilishini tartibga soluvchi maxsus normalar mavjud emas. Lekin umumiy qoidaga ko'ra amaldagi qonunchilik intellektual mulk obyektlariga nisbatan huquqlar ustav fondiga ulush sifatida kiritilishiga to'sqinlik qilmaydi.

Shu bilan birga, qonunchilik tarixiga nazar tashlanadigan bo'lsa, ushbu soha ma'lum ma'noda maxsus normalar bilan qisman tartibga solinganligini ko'rishimiz mumkin [4, B.28]. O'zbekiston Respublikasi Fan va texnika davlat qo'mitasining 1996-yil 14-avgustdagi 194-son farmoyishi bilan tasdiqlangan Xorijiy investitsiyali korxonalar ustav fondiga qo'shiladigan intellektual mulkni baholash tartibi to'g'risida nizom [*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 1997-yil 20-yanvarda 301-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan*] shular jumlasidandir. Mazkur hujjat 2001-yil 13-oktabrda o'z kuchini yo'qotgan bo'lsa ham ustav fondiga kiritilishi mumkin bo'lgan intellektual mulk obyektlarini baholashni belgilab bergani bilan ahamiyatli.

Nizomda, shuningdek, amaldagi qonunchilik fuqarolik muomalasida ishtirok etish imkoniyatini belgilab beradigan va patentlar yoki guvohnomalar bilan qayd etilishi mumkin bo'lmagan (*ya'ni, yaratilish faktining o'zi mualliflik huquqining belgilanishi uchun yetarli bo'lgan*) intellektual mulk va boshqa nomoddiy aktivlarga bo'lgan mulkiy huquqlarni baholash nazarda tutilgan.

Intellektual mulk obyektlarining har bir turini baholashda ularga egalik qilish, foydalanish va tasarruf etish bo'yicha aniq hisob-kitob usullari va iqtisodiy munosabatlarga asoslanishi ko'rsatilgan. Bundan intellektual mulkning aynan qaysi turlariga bo'lgan huquqlarni ustav fondiga kiritish mumkinligi bo'yicha ham xulosa qilish mumkin.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, ustav fondiga intellektual mulk obyektining o'zi emas, balki huquq egasiga shartnoma yoki biror huquqiy hujjat (patent, guvohnoma) asosida tegishli bo'lgan intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlar kiritiladi. Chunki O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 1051-moddasiga ko'ra muallifning shaxsiy nomulkiy huquqlari (*axloqiy huquqlar doktrinasi*) uning mulkiy huquqlaridan qat'i nazar unga tegishli bo'lib, asardan foydalanishga bo'lgan mutlaq huquqlar boshqa shaxsga o'tkazilgan taqdirda ham uning o'zida saqlanib qoladi. Muallifning o'z shaxsiy-nomulkiy huquqlarini amalga oshirishdan voz kechish to'g'risida biron-bir shaxs bilan kelishuvi va bu haqidagi arizasi o'z-o'zidan haqiqiy emas hisoblanadi.

Ma'lumki, intellektual mulk obyektlariga nisbatan shaxsiy huquqlar asar nomiga bo'lgan huquq, asarni oshkor qilish huquqi va shu kabi boshqa huquqlardan iboratdir. Demak, Fuqarolik kodeksining 1051-moddasi mazmunidan anglashiladiki, shaxsiy nomulkiy huquqlar tijorat munosabatlari objekti bo'la olmaydi va ularni ustav fondiga hissa sifatida kiritish mumkin emas. Mazkur fikrni O.Ruzakova ham ta'kidlaydi. Uning fikricha, xo'jalik shirkati yoki jamiyatlarining ustav fondiga ulush sifatida intellektual mulk obyektlarining o'zi emas, balki ularga nisbatan mulkiy huquqlar kiritilishi mumkin [5, B. 29].

O.Ruzakova yuridik shaxsning ustav kapitaliga yoki investitsiya fondiga hissa qo'shishdan intellektual faoliyat natijasiga yoki individuallashtirish vositalariga bo'lgan mutlaq huquqni o'tkazishni, shuningdek o'ziga biriktirilgan mol-mulkning (davlat, munisipal unitar korxonalar, muassasa) egasi bo'lmagan tashkilotga umumiy tartibda ulardan foydalanish huquqini (beyondlashtirish shartnomasi, litsenziya shartnomasi) berishni ajrata bilish kerakligini ham ta'kidlaydi. Unga ko'ra agar mutlaq huquqni beyondlashtirish to'g'risidagi shartnoma bo'yicha tegishli huquqni oluvchi korxonalar yoki muassasa bo'lsa, u huquq egasiga aylanadi va mutlaq huquqni mustaqil ravishda amalga oshiradi, uni himoya qiladi va tasarruf etadi. Agar, mutlaq huquqni beyondlashtirish to'g'risidagi shartnoma bo'yicha oluvchi davlat (ommaviy-huquqiy) tashkiloti bo'lsa, ana shu tashkilot, u orqali esa bevosita davlat huquq egasi bo'ladi [6, B.93]. Intellektual mulkka bo'lgan huquqlarni ustav fondiga kiritishda esa bu kabi huquqiy oqibat kelib chiqmaydi.

S.Safoyevaning fikricha, intellektual mulk obyektlarini ustav fondiga kiritishning huquqiy bosqichlarini quyidagicha bo'lish mumkin:

1. Intellektual mulk obyektini ustav fondiga kiritishgacha bo'lgan bosqich;
2. Intellektual mulk obyektini ustav fondiga kiritishni yuridik rasmiylashtirish va mazkur obyektlarga nisbatan huquqlarning o'tishi bosqichi [7].

Intellektual mulk obyektini ustav fondiga kiritishgacha bo'lgan bosqichda huquq egasining mazkur obyektga nisbatan huquqini korxonaning ustav fondiga kiritish uchun taqdim etishini, intellektual mulk egasining bunday huquqlarni ustav fondiga kiritishga vakolatligini tasdiqlovchi hujjatni o'rganish va ekspertiza qilish, intellektual mulk obyektini baholash va ta'sis hujjatlarini tayyorlash, umumiy yig'ilish o'tkazish kabilar kiradi.

Mazkur bosqichda amalga oshiriladigan ishlardan biri bu intellektual mulk obyektiga nisbatan huquq egasining mazkur obyektga nisbatan huquqini korxonaning ustav fondiga kiritish uchun taqdim etishini, korxonadan intellektual mulk egasining bunday huquqlarni ustav fondiga kiritishga vakolatligini tasdiqlovchi hujjatni o'rganish va ekspertiza qilishni o'z ichiga oladi. Bunda intellektual mulk obyektiga nisbatan huquq egasining huquqini tasdiqlovchi hujjat nimadan iboratligi, intellektual mulk obyektining muallifi yoki patent egasi ekanligi, intellektual mulk obyektini mazkur shaxsga nimaga (shartnomaga yoki guvohnoma, patent) asosan tegishligi aniqlanadi.

Ushbu harakatlardan yana biri ta'sis hujjatlarini va umumiy yig'ilish o'tkazishga tayyorlanish hisoblanadi. Jamiyatning ta'sis shartnomasi va ustavi jamiyat ta'sis hujjatlari deb hisoblanadi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasining "Mas'uliyati cheklangan hamda qo'shimcha mas'uliyatli jamiyatlar to'g'risida"gi qonunining 15-moddasi 2-qismiga ko'ra jamiyatning ishtirokchilari va jamiyatga qabul qilinadigan uchinchi shaxslar tomonidan jamiyatning ustav fondiga (ustav kapitaliga) qo'shiladigan pulsiz hissalarining pul bahosi jamiyat ishtirokchilari umumiy yig'ilishining jamiyatning barcha ishtirokchilari tomonidan bir ovozdan qabul qilinadigan qarori bilan tasdiqlanadi.

Xuddi shunday tartib "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi qonunning 10-moddasida ham belgilangan. Demak, aksiyadorlar yoki ishtirokchilarning umumiy yig'ilishida intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlarni ustav fondiga kiritish haqida qaror qabul qilinadi. Bu qarorda intellektual mulkni ustav fondiga kiritish shakli va muddati ifoda etilishi lozim. Albatta, korxonaning ta'sis hujjatlarida intellektual mulkni ustav fondiga kiritish mumkinligi bayon etilishi muhim.

Biroq ta'sis hujjatlarda bunday qoida mavjud bo'lmasa, qonunchilikka asoslaniladi. Aksiyadorlar yoki ishtirokchilarning umumiy yig'ilishida qaror qabul qilingunga qadar intellektual mulk obyektining qiymati baholanadi. Qonunning 31-moddasiga muvofiq agar jamiyatning puldan o'zga vositalar bilan haqi to'lanayotgan aksiyalari va boshqa qimmatli qog'ozlarining nominal qiymati qonunchilikda belgilangan bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravaridan ko'pni tashkil etsa, jamiyatning aksiyalari va boshqa qimmatli qog'ozlarining haqi sifatida kiritilayotgan mol-mulkning pulda ifodalangan bahosi baholovchi tashkilot tomonidan chiqarilishi zarur.

Ikkinchi bosqich (intellektual mulk obyektini ustav fondiga kiritishni yuridik rasmiylashtirish va intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlarning o'tishi)da intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlarni korxonadan ustav fondiga o'tkazish to'g'risida shartnoma tuzilib, rasmiylashtiriladi. Ta'sis hujjatlaridan tashqari intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlarni korxonadan ustav fondiga o'tkazish to'g'risida shartnoma quyidagi shartnoma turlaridan birida ifoda etiladi:

mualliflik huquqi obyektlari bo'yicha mualliflik shartnomasi bo'yicha (FK 1067-1069-m.);

sanoat mulki obyektlari bo'yicha litsenziya shartnomasi asosida (FKning 1036,1089-m.);

fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining, tovarlar, ishlar va xizmatlarning xususiy alomatlarini aks ettiruvchi vositalar bo'yicha ushbu vositalarga nisbatan huquqlarni o'tkazish shartnomasi bo'yicha;

FKning 1105-moddasiga muvofiq, guvohnomada ko'rsatilgan tovarlar, ishlar va xizmatlarning barcha guruhlariga yoki bir qismiga nisbatan tovar belgisiga bo'lgan huquqni uning egasi shartnoma asosida boshqa shaxsga berishi mumkin.

qonunda yo'l qo'yilgan hollarda intellektual mulk obyektlarining boshqa turlarini o'tkazish to'g'risidagi shartnoma.

O.Okyulov ta'kidlaganidek, adabiy, badiiy, ilmiy asarlarni tijorat yuridik shaxslari ustav fondiga kiritish masalasida bo'yicha ham muayyan muammolar mavjud [8, B.252]. Albatta, bunday asarlarni baholab, keyin ishtirokchilar roziligi bilan xo'jalik jamiyatlari, shirkatlari ustav fondiga kiritish

butun dunyo amaliyotida mavjud. Biroq adabiy, badiiy, ilmiy asarlarni likvid obyekt emasligini ham unutmaslik lozim. Ya'ni yuridik shaxs o'z kreditorlari oldida nochor bo'lib qolgan taqdirda, ushbu asarlarga nisbatan bo'lgan huquqlarni auksionga qo'yib sotib, ular hisobidan kreditorlar talabini qanoatlantirish har doim ham mumkin bo'lavermaydi.

Fan, adabiyot, san'at asarlarini tijoratlashtirish masalasiga kelganda shuni ta'kidlash o'rinliki, bugungi kunda O'zbekistonda intellektual mulkning boshqa obyektlariga nisbatan ularni tijoratlashtirish, ya'ni garovga qo'yish, tijorat yuridik shaxslari ustav fondiga kiritish nisbatan kam uchraydi.

O.Okyulovning ta'kidlashicha, ayni paytda ijodkor ziyolilar tomonidan tashkil etiladigan tijorat yuridik shaxslari ustav fondiga ularni kiritish uchun hech qanday monelik yo'q. Biroq, bunday holatda uning qiymatini aniqlash masalasi vujudga keladi. Masalan, shoir A.Oripov merosxo'rlari uning "Birinchi muhabbatim" she'riga mutlaq huquqni MChJ ustav fondiga kiritishda uning bahosini belgilashda quyidagicha yondashuv taklif etilgan. Ushbu she'rni to'plamlarda nashr etilganda to'lanadigan mualliflik haqi hissasi bo'yicha va qo'shiqni turli tijoriy tadbirlarda foydalanish jarayonida undiriladigan mualliflik haqi stavkasiga mutanosib ravishda qiymatni aniqlash amalga oshirilishi lozim. Albatta, bunday mantiqiy tahlil amaliyotda oddiy sodda yondashuvning tipik namunasidir.

Mazkur she'r 1968-yilda yozilgani va o'ziga xos "Muhabbat madhiyasi" sifatida o'ta ommalashgani sharoitida ham uning chop etilgani uchun berilgan mualliflik haqi miqdori hech qancha qiymatni tashkil etmasligi mumkin. Turli madaniy, ma'rifiy, ko'ngilochar va shaxsiy tadbirlarda qo'shiq qilib ijro etilganidagi mualliflik haqi miqdori ancha ko'p bo'lishi mumkin. Biroq uning miqdorini aniqlash juda qiyin hamda buning hech qanday iqtisodiy va huquqiy mexanizmi mavjud emas. Amaliyotda nashriyotlar mualliflik haqi o'rniga 20-30 ta kitob beradigan holatlar ham mavjud. Oramizda "gazeta-jurnallar, teleradio bir tiyin ham" bermasligidan norozi xalq shoirlari ham bor [9].

Ayni paytda, fan, adabiyot, san'at asarlarini tijoratlashtirishda maxsus innovatsiya bosqichi ham talab etilmaydi. Chunki innovatsiya o'z mohiyatiga ko'ra sanoat mulki obyektlarini, axborot kommunikatsiya texnologiyalarni amaliyotga qo'llashni ta'minlovchi bosqich bo'lib hisoblanadi [10, B.13]. Fan, adabiyot, san'at asarlari esa bunday oraliq bosqichsiz to'g'ridan-to'g'ri tijoratlashtirilishi mumkin. Bunda eng asosiysi ularni oqilona baholash tizimini yaratish hisoblanadi. Ushbu obyektlarni o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib o'ziga xos baholash mezonlarini yaratish lozim. Zero, S.Safoyeva ta'kidlaganidek, intellektual mulkning xar bir obyektlari xususiyatlaridan kelib chiqib, intellektual mulkning muayyan obyektining baholash yuzasidan alohida nizom, uslubiy qo'llanmalar bo'lsa kifoya [11, B.17].

Fan, adabiyot, san'at asarlari tijoratlashtirilib garov predmeti bo'lganda, tijorat yuridik shaxslarning ustav fondlariga kiritilganda quyidagi muhim funksiyani bajarishi lozim. U kreditorlar talabini qanoatlantiradigan bo'lishi shart. Aks holda, fan, adabiyot, san'at asarlari tijoratlashtirish talablariga javob bera olmaydi.

Xorijiy mamlakatlar huquqni qo'llash amaliyotida fan, adabiyot, san'at asarlarini turli ko'rinishlarda tijorat muomalasiga kiritish holatlari tabiiy hol hisoblanadi. Masalan, Garri Potter turkum asarlari muallifi Joan Rouling bugungi kunda har daqiqada 77 funt-sterling yoki 120 AQSh dollari miqdorida pul ishlab topmoqda. U bunga asarni nashr qilish huquqini berish, kinofranshiza, shaxsiy investitsiya fondi va boshqa trastfondlardagi ulushlar orqali erishmoqda [12].

B.K.Xodjaevning fikricha, tovar belgisini korxonada ustavining nomoddiy aktivi sifatida baholashda, nafaqat uning o'zi bilan bog'liq qiymatini, balki unga egalik qiluvchi mutlaq huquq egasining tovar bozorida ishchanlik obro'sini ham e'tiborga olish lozim [13, B.272]. Bunda tovar belgisini baholashda, avvalo u ulush sifatida korxonada ustav fondida aks etilganda va undan ishlab chiqarishda foydalanilganda odatda qancha daromad keltirishi mumkinligi nazarda tutilishi kerak.

Ustav fondiga ulush sifatida kiritilayotgan tovar belgisini baholashning milliy qoidalari bo'lmaganligi sababli umumiy asoslarga ko'ra O'zbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustdagi "Baholash faoliyati to'g'risida"gi qonuniga muvofiq amalga oshiriladi. Qonunning 5-moddasi 1-qismi 6-bandida baholash obyekti sifatida intellektual mulk obyektlari ham ko'rsatilgan. Mazkur qonunning 18-moddasida belgilangan qoida tovar belgisini ustav fondiga kiritishda amalga oshiriladigan baholash tavsiyaviy xususiyatga ega. Qoidaga ko'ra, ushbu Qonunning 7-moddasi 1-qismiga muvofiq tovar

belgisini baholash bozor qiymatidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. Bunda tovar belgisi ochiq bozorda bir turdagi mahsulotlar bilan teng raqobatlashayotgan boshqa tovar belgilari bilan bog'liq holati o'rganiladi va shunga asoslanib, tovar belgisining qiymati ko'rsatiladi.

Shuningdek, bugungi kunda intellektual mulk obyektlarini ustav jamg'armalariga kiritib faoliyat boshlashi mumkin bo'lgan biznesning eng keng tarqalgan turi bu – startap bizneslardir. Startap – bu rivojlanish bosqichida bo'lgan va o'z biznesini innovatsion g'oyalari yoki yangi texnologiyalar asosida quradigan yangi tashkil etilgan kompaniyadir.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra har yili dunyo bo'yicha 100 mln. startaplar o'z faoliyatini boshlaydi. Bugungi kunda startap faoliyati to'g'ri yo'lga qo'yilishi natijasida dunyoning yirik kompaniyalarining qiymati keskin o'sishi kuzatilgan. Jumladan, Bytedance – 140 mlrd, Uber – 90 mlrd, Didi Chuxing – 62 mlrd, SpaceX – 46 mlrd AQSh dollariga oshgan [14]. AQShda kichik tadbirkorlik sohasida innovatsion g'oyalarni, shu qatori startap loyihalarga ko'maklashuvchi Kichik biznes innovatsion tadqiqot (*Small Business Innovation Research (SBIR)*), Kichik biznes texnologiya transferi (*Small Business Technology Transfer (STTR)*) va Federal va davlat texnologik hamkorligi (*Federal and State Technology Partnership (FAST)*) kabi Kichik biznes administratsiyasi (*US Small Business Administration*) tomonidan boshqariladigan davlat dasturlari mavjud [15, B.14-15].

Ko'pincha “startap” termini ostida ijtimoiy tarmoqlar, internet saytlari yoki xizmatlari orqali tashkil etilgan biznes tushuniladi. Aslida, startap tushunchasi yanada kengroq tushuncha bo'lib, nafaqat virtual muhit bilan, balki yangi g'oyalarni amalga oshirish bilan ham bog'liq. Tez o'sish potentsiali, bozorning yangi segmentlarini yaratish yoki butunlay o'ziga xos, innovatsion mahsulotlar va xizmatlar taklif etish startapning asosiy xususiyati hisoblanadi. Ya'ni startap deganda innovatsion va texnologik yangiliklardan iborat ishlanmalarni joriy etish va amalga oshirish uchun turli faoliyat maqsadlarini ko'zlaydigan loyiha asosida kengaytiriladigan biznes modelini tanlash uchun mo'ljallangan tadbirkorlik tuzilmasi tushuniladi [16].

Shu nuqtai nazardan, startaplarda intellektual mulk huquqini ta'minlash quyidagi qator ijobiy xususiyatlarga sababchi bo'lishi mumkin:

birinchidan, intellektual mulk huquqi monetizatsiyasini ta'minlash orqali startaplarning qiymati va ularning aktivlar portfelidagi nomoddiy mulklar qiymatini oshiradi;

ikkinchidan, intellektual mulk huquqini ta'minlash startaplarning mijozlar va investorlar o'rtasidagi ishonch tuyg'ularini kuchaytiradi;

uchinchidan, huquqlarni boshqa shaxslarga o'tkazish va huquqlardan foydalanish shartlari bilan turli intellektual mulk shartnomalarini tuzish orqali startaplarni monetizatsiyalash jarayonlarini qo'llab-quvvatlaydi;

to'rtinchidan, intellektual mulkka bo'lgan huquqlarini garovga qo'yish orqali bank kreditlaridan foydalanishi imkoniyati vujudga keladi [16].

Startap kompaniyalar ulardan foydalanishning qonuniy asoslarini yaratish imkoniyatiga ega bo'lishi uchun intellektual mulk obyektlariga bo'lgan mutlaq huquqni boshqalarga yoki ulardan foydalanish huquqini startap kompaniyalarga o'tkazish zarur. Amaldagi intellektual mulk obyektlari ko'pincha universitet yoki ilmiy-tadqiqot institutlariga yoxud intellektual mulk mualliflariga tegishli bo'ladi.

Shu sababli startaplarni tashkil etishda, birinchidan, muayyan intellektual mulk obyektlariga nisbatan uchinchi shaxslarning huquq va majburiyatlari mavjud emasligini aniqlash lozim. Bunda intellektual mulk obyektlaridan foydalanishni cheklaydigan har qanday bitimlar yoki kelishuvlar imzolanganligini aniqlash maqsadga muvofiq (masalan, litsenziya shartnomalari, garov shartnomalari, nou-xauni o'tkazish shartnomalari) kabilar.

Xulosa sifatida esa quyidagilarni keltirish mumkin.

Birinchidan, umumiy qoidaga ko'ra litsenziya shartnomasi davlat ro'yxatidan o'tkazilgandan so'ng haqiqiy hisoblanadi. Lekin, ta'sis shartnomasini ham garchi qonunda to'g'ridan-to'g'ri ko'rsatilmagan bo'lsa-da, intellektual mulk obyektlaridan foydalanish bo'yicha shartnomalar singari davlat ro'yxatidan o'tkazishni joriy qilish shart. Shundan so'ng, intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlar korxonaning mulki hisoblanishi va korxonaga tasarrufiga o'tishi hamda korxonaning nomoddiy aktivlari sifatida ro'yxatga olinadi.

Ikkinchidan, ustav kapitalida intellektual mulkdan foydalanish pul mablag'larni ustav fondiga

yo'naltirmasdan va kreditlarni jalb qilmasdan ustav kapitalini shakllantirishga imkon beradi. Shuningdek, intellektual mulkni ustav kapitalida amortizatsiya qilish va uni haqiqiy pul bilan almashtirishga, ya'ni intellektual mulkni kapitallashtirishga imkon yaratadi. Shu bilan birga, muallif (ixtirochi)lar va yuridik shaxslar – intellektual mulk obyektlari egalari pul mablag'larini yo'naltirmasdan ham yuridik shaxsning muassisi bo'lish imkonini mavjud.

Uchinchidan, qonunchilikda keltirilgan “boshqa shaxsga o'tkaziladigan o'zga huquqlar” jumlasini intellektual mulk obyektlariga nisbatan ham qo'llash mumkin. Chunonchi, litsenziya shartnomasiga muvofiq intellektual mulk obyektidan foydalanish huquqi jamiyatga yoki shirkatga hissa sifatida tan olinishi mumkin, bunda shartnoma qonun hujjatlari bilan belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tkazilgan bo'lishi lozim.

To'rtinchidan, intellektual mulk ustav kapitaliga kiritilganda, intellektual mulk obyektlaridan foydalanish huquqlari yuridik shaxsga o'tadi. Ushbu huquqlar pul ko'rinishida baholanadi va yuridik shaxsning balansida nomoddiy aktiv sifatida qayd etiladi. Ushbu huquqlarni begonalashtirish mumkin. Masalan, majburiyatlarni undirishda ular kreditorlarga o'tkazib berilishi mumkin.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш: услубий қўлланма/ Б.Ходжаев ва бошқалар. – Т.: Lesson Press, 2021. -Б.318;
2. Сафоева С.М. Интеллектуал мулк объектларидан тижорат муомаласида фойдаланишнинг ҳуқуқий шакллари. Ўқув қўлланма/ю.ф.д. проф.С.С.Гулямовнинг таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009;
3. Хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни / Масъул муҳаррир Х.Раҳмонкулов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. -Б.200;
4. Абдурахманов И.Ю. Правовые основы оценки интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан. “Инновация ва интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистонда қўллаш муаммолари: интеллектуал мулк объектлари тижоратлаштириш ва баҳолаш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2020 йил 29 сентябрь). – Т.: ҲСТИ, Электрон нашр, 2020;
5. Рузакова О. Передача исключительных прав в уставный капитал юридического лица /ИС. Промышленная собственность, 2001. №10. -Б.67-72;
6. Рузакова О.А., Демкина А.В. Вопросы коммерциализации в сфере интеллектуальной собственности в Российской Федерации. – М.: Издание Государственной Думы, 2022;
7. Сафоева С. Интеллектуал мулк объектларини акциядорлик жамиятининг устав фондига киритиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари/Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили, 2007, №3.-Б.71-77;
8. О.Окюлов. Фан, адабиёт ва санъат асарларини баҳолаш ва тижоратлаштириш бўйича қиёсий ҳуқуқий таҳлил. “Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолаш тизимини яратиш” мавзусидаги И-АВ-2019-18 рақамли инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган илмий ишлар тўплами. – Т.: ҲСТИ, Электрон нашр, 2020. -Б.85-98;
9. Ҳозир Навоий тирилик келса ҳам, ўз пулига китоб чиқарарди – бугуннинг бренд адиблари қанча гонорар олади? Усмон Азимдан Жавлон Жовлиевгача // URL: <https://serquyoshsolnomasi.oyina.uz/kiril/article/232>;
10. Окюлов О. Инновация ривожланишини таъминлашда интеллектуал мулк ҳуқуқи институтлари таъсири самарадорлигини ошириш масалалари.-Т.: ТДЮИ, 2016. -Б.13;
11. Сафоева С. Интеллектуал мулк объектларини тижорат муомиласидаги айрим ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номзод. диссерт. автореферати. –Т.: ТДЮИ, 2009. Б. 54;
12. Преимущества поражений: история успеха Джоан Роулинг // URL: <https://www.forbes.ru/forbes-woman/karera/295575-preimushchestva-porazhenii-istoriya-uspekha-dzhoan-rouling>;
13. Ходжаев Б. Фирма номлари, товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, шунингдек товарни келиб чиқиш жойларини тижоратлаштириш ва баҳолаш бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. “Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолаш тизимини яратиш” мавзусидаги И-АВ-2019-18 рақамли инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган илмий ишлар тўплами. – Т.: ҲСТИ, Электрон нашр, 2020;

14. <https://www.statista.com/chart/19317/highest-valued-startup-companies-in-the-world>;
15. G.B. Halt Jr., et al., Intellectual Property and Financing Strategies for Technology Startups, DOI 10.1007/978-3-319-49217-9\_3. Springer International Publishing AG 2017. P.14-15;
16. Тожибоев А. Стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Юрид. фан. бўйича фалсафа докт. илмий даража олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: ТДЮУ, 2021. –Б.154;

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

НАБИРАЕВ Акмал Исматуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

### АГРАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** НАБИРАЕВ А.И. Аграр ва озиқ-овқат соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратини амалга оширишда прокуратура органларининг роли // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 48-53.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-7>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аграр ва озиқ-овқат соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу назоратнинг мақсади, предмети ҳамда аҳамияти ҳақида сўз борган. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари билан илмий мунозарага киришилган ҳамда муаллифнинг доктринал қарашлари ҳам келтириб ўтилган. Аграр ва озиқ-овқат соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат масаласига ҳам тўхталинган. Бир қатор статистик маълумотлар орқали қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, аграр ва озиқ-овқат соҳасида қонунчилик ижроси, прокурор назорати ҳужжатлари, текшириш, назорат тадбирлари.

НАБИРАЕВ Акмал Исматуллаевич

Старший прокурор управления Генеральной прокуратуры  
Республики Узбекистан

### РОЛЬ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В АГРАРНОЙ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ СФЕРАХ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы надзора за исполнением законодательства в аграрно-пищевой отрасли, его специфика, цели, предмет и значение. Через призму научно-теоретических взглядов раскрывается роль и важность контроля за соблюдением законодательства в области сельского хозяйства и продовольствия. Также обсуждается контроль за исполнением законодательства в аграрной и продовольственной сферах, который подвергается сравнительному анализу с использованием ряда статистических данных.



**Ключевые слова:** прокурорский надзор, исполнение законодательства в сфере сельского хозяйства и продовольствия, документы прокурорского надзора, проверки, контрольные мероприятия.

**NABIRAEV Akmal**

Senior Prosecutor of the General Prosecutor's  
Office of the Republic of Uzbekistan

## THE ROLE OF PROSECUTORIAL BODIES IN MONITORING THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION IN THE AGRICULTURAL AND FOOD SECTORS

### ANNOTATION

This article discussed the control over the implementation of legislation in the agrarian and food sector, its specifics, the purpose, subject and significance of this control. A scientific discussion has been initiated with the opinions of a number of legal scholars, and the author's doctrinal views have also been cited. The role and importance of control over the implementation of legislation in the field of Agriculture and food is revealed through scientific-theoretical views. Comparative analysis has been carried out through a number of Statistics.

**Keywords:** prosecutor's control, legislative implementation in the field of agrarian and food, documents of prosecutor's control, verification, control measure.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади, бу қоида янги таҳрирдаги Конституциянинг 143-моддасида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг, шу жумладан аграр ва озиқ-овқат соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошираётган барча ислохотларимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда [1].

Жаҳон ер фонди бугунги кунда 13,4 млрд.гектарни ташкил қилади, унинг атиги 1,5 млрд гектари, яъни 11 % қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, ушбу ерлар мелиоратив ҳолатининг бузилиши, эрозия, қурғоқчилик, шўрланишнинг кучайиши ва ер ости сувларининг таъсири, саноат ва транспорт қурилишлари, фойдали қазилмаларнинг очиқ тарзда ўзлаштирилиши натижасида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг камайиши кескинлашиб бормоқда. Шунинг учун дунё ер фондининг асосий муаммоси – суғориладиган ерларни сақлаб қолиш ва уларнинг унумдорлигини ошириб бориш бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан жаҳонда суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг амалий натижаларига қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон республикаси аҳолиси сони юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида “охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 % га (0,23 гектардан 0,16 гектаргача) қисқарди”[2], бонитет бали 60 дан юқори ерларнинг майдони 10,4 %га қисқариб кетган бўлса, ер сифати бўйича ўртача ва ўртачадан паст майдонлар 14,0 % га кўпайди.

Юқоридагиларга кўра, аграр ва озиқ - овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат прокуратура органларининг асосий

фаолият соҳаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, 2020 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4643-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор билан прокуратура органларида:

**а)** Бош прокуратуранинг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси деб қайта номланди;

**б)** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари деб номланиб, уларга қўшимча 145 та штат бирликлари ажратилди.

Шунингдек, ички ишлар органлари тизимида:

**а)** ички ишлар вазири ўринбосарининг бошқарма мақомига эга бўлган 12 нафар ходимдан иборат бошқарув аппарати ташкил этилди.

**б)** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосарига:

мазкур соҳадаги фаолиятни амалга ошириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазинининг, вилоят ички ишлар бошқармалари (бош бошқармаси) бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари бўйсундирилди;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда тегишли соҳавий хизмат ходимларини (ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторларидан ташқари) жалб этиш ваколати берилди.

Қонун билан белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб, прокуратура органлари вазириликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан соҳада қонунларининг ижро этилиши устидан назорат қиладилар. Прокуратура органлари аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қиладилар ҳамда айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортадилар.

Ҳуқуқшунос олим Б.Х.Пўлатов фикрича, қонунлар ижроси устидан назорат асосини, асосан прокуратура органларининг давлат органлари ва бошқарув соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорати ташкил қилади. Давлат бошқаруви соҳаларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, прокуратура органларининг давлат ва жамият олдида турган, шунингдек фуқароларнинг эҳтиёжларини тўла қаноатлантириш, уларнинг моддий ҳолатини кўтариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича вазифаларни бажаришга имкон беради [3].

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим О.М.Мадалиев қайд этганидек, умумий назоратнинг моҳияти ва мақсадини, энг аввало, давлат бошқаруви органлари соҳасида қонунларнинг аниқ, бир хилда ижро этилиши устидан прокуратура органларининг назорати ташкил этади. Бу соҳада кўпинча маҳаллийчилик, қонун бузилишларни бартараф этишда прокуратура органларига қаршилик кўрсатиш, уларнинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилади. Давлат бошқарувнинг айнан шу соҳасида қонунларни ҳақиқатан аниқ ва бир хилда тушуниш билан бирга, ижро этилиши таъминланиши керак [4].

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда қўшимча қилишимиз мумкинки, нафақат “қонунларни ҳақиқатан аниқ ва бир хилда тушуниш билан бирга, ижро этилиши таъминланиши керак”, балки қонунбузилиш ҳолатлари, бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, бартараф этилиб, содир этилган ҳуқуқбузарликга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоғи даркор.

Шу каби, ҳуқуқшунос О.Виноградовнинг фикрича, прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми деганда уларнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни, функция ва вазифалари тушунилади. Бизнинг фикримизча, прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг барқарорлиги ҳамда мустаҳкамлигига қонунлар ижроси устидан,

жумладан, аграр ва озиқ-овқат соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг самарадорлиги ҳам сезиларли таъсир этади[5].

Прокуратура органларининг фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, пахта - тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари, деҳқон, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат самарали амалга оширилганлигини кўрамиз.

Жумладан, 2023 йилда, ушбу соҳада ўтказилган **3 849 та** текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра, **20 991 та** прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, **48 606** нафар шахсларнинг, шу жумладан **18 757 та** қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бузилган ҳуқуқлари тикланди [6].



Прокуратура органлари томонидан соҳада амалга оширилган сайи-ҳаракатлари натижасида 2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўналишида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланди.

Жумладан, **3,8** млн. тонна пахта, **7,1** млн. тонна ғалла, **11,5** млн. тонна сабзавот, **3,5** млн. тонна картошка, **3,1** млн. тонна мева, **1,7** млн. тонна узум ва **2,5** млн. тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиниши тартиби белгиланган. Унга кўра, ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида, оқилона фойдаланилмаганда, тупроқ унумдорлиги пасайганда, қонунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ҳамда модда кўрсатилган бошқа ҳолатларда ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бекор қилинишига сабаб бўлади.

Бироқ, таҳлиллар қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши белгиланган ер майдонларига қишлоқ хўжалиги экинлари экилмасдан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларига барҳам берилмаганлигини кўрсатади.

Мисол учун, Тўрткўл туманида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда унумдорлиги **40 балл бонитетдан паст бўлган** ҳамда сув таъминотидан узоқ бўлган **1 858,9 гектар майдонларга пахта жойлаштириб**, унумдорлиги **40 балл бонитетдан юқори бўлган 2 500 гектар** ер майдонларига умуман экин турлари жойлаштирилмасдан очик қолдирилиши оқибатида, ушбу ер майдонларининг **576,5 гектарига ноқонуний фойдаланилган**.

Мазкур ҳолатлар юзасидан **жиноят иши қўзғатилиб**, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги корхоналарига бюджетдан ажратилган субсидия маблағлари мақсадли ишлатилиши ҳам алоҳида назоратга олиниши лозим.

Мисол учун, Хатирчи туманидаги **“Хатирчи келажаги сари”** МЧЖда барпо қилинмаган **189** гектар боғ ва узумзор учун **1,7 млрд.** сўм ҳамда ўрнатилмаган **8** та тик қудуқучун **960 млн.** сўм (*жами 2,7 млрд.*) субсидия маблағлари ажратилиб, талон - торож қилинлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди ҳамда тергов ва суд натижасига кўра, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган[.

Ўтган йилда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан **90 минг** гектардан ортиқ ер майдонлари фуқароларга, айниқса ишсиз аҳолига деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилди.

Мазкур жараён ҳам прокурорлар томонидан алоҳида назоратга олиниб, ўтказилган тадбирлар жараёнида, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини зудлик билан бартараф қилишга ҳамда фуқароларига ушбу жараёнда кўмаклашишга асосий эътибор қаратилди.

Ушбу даврда бевосита прокуратура органларининг амалий ёрдамлари натижасида, 1 315 гектарда 2 099 та лотлар ишлаб чиқилиши, 1 272 гектарда 2 398 та лотлар танлов савдоларига чиқарилиши, 6 729 гектарда 10 314 нафар шахслар билан шартнома тузилиши, 1 544 гектарда 1 676 нафар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган танлов ғолиблари билан шартнома тузилиши, 9 370 нафар шахсларнинг 6 446 гектар ер майдонлари давлат рўйхатидан ўтказилиши, 10 410 нафар шахсларнинг 7 032 гектар ер майдонлари ўлчаб берилиши, 81 гектар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари деҳқон хўжалиги юритиш учун эгасига қайтарилиши, 11 393 гектар деҳқон хўжалиги ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши, танлов натижалари бўйича 11,3 млрд. сўмлик тўловлар маҳаллий бюджетга ундирилиши, 14 500 гектардан ортиқ деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ер майдонлари суғорилиши, 122 тонна қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, 41 минг дона экин ниҳоллари, 85 тонна ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва 35 тонна минерал ўғитлар етказиб берилиши таъминланди.

Бироқ, ушбу жараёнда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ҳам қатъий чоралар кўрилди, хусусан, 478 гектар деҳқон хўжалиги юритиш бўйича ўтказилган ноқонуний танловларнинг бекор қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш куйидаги муҳим вазифаларни давлат томонидан амалга оширишни тақозо этади:

1. Аҳоли бандлиги соҳасида самарали сиёсатни олиб бориш;
2. Озиқ-овқатга эга бўлишда тенгсизлик ва қашшоқликни бартараф этишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш;
3. Озиқ-овқат маҳсулотларини турли-туман, барқарор ва интенсив ишлаб чиқаришга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш;
4. Хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
5. Худудларни хомашё ва озиқ-овқат маҳсулоти билан ўзини таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимооти афзалликлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш;
6. Фаол ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш;
7. Аграр секторни инвестициялаш.

Бундан ташқари, 2023 йилда 413,1 минг гектар майдонларга сув тежовчи технологиялар (*томчилатиб суғориш 77,2 мингга, ёмғирлатиб суғориш 25,3 мингга, дискретли суғориш 12,9 мингга*) жорий этилган.

2023 - 2024 йил куз - қиш мавсумида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш чоралари кўриб борилмоқда.

Жумладан, режалаштирилган 539,5 минг тонна, шундан картошка 201,6 минг тонна,

пиёз 106,4 минг тонна, сабзи 159 минг тонна, гуруч 72,5 минг тонна жамғарилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага жамғариш бўйича бўйича юритилган ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги ҳолатлари юзасидан 90 дан ортиқ мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Бевосита прокурорларнинг деҳқон ва фермер хўжаликларига кўрсатилган амалий ёрдами билан:

- 26 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари, 21 млрд. сўмлик нақд пул маблағлари ажратилиши;

- 24,4 минг тонна минерал ўғит олишда, 20,6 минг тонна ёқилғи, 425 та қишлоқ хўжалиги техникалари, 3,7 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлари олинишида;

- 5,4 минг тонна уруғлик чигит, 3 минг тонна уруғлик ғалла ва 471 та ипак қурти қутиси ажратилишида;

- ишчи ходимларнинг 40 млрд. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёки, прокурорларнинг кластер корхоналарига кўрсатилган амалий ёрдами билан:

- 308 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари, 70 млн. сўмлик нақд пул маблағлари ажратилиши;

- 12,8 минг тонна минерал ўғит олишда, 11,3 минг тонна ёқилғи, 31 та қишлоқ хўжалиги техникалари, 1,7 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлари олинишида;

- 1,8 минг тонна уруғлик чигит, 2,4 минг тонна уруғлик ғалла ва 152 та ипак қурти қутиси ажратилишида;

- ишчи ходимларнинг 3,8 млрд. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, аграр сиёсатни амалга оширишнинг стратегик вазифалари бўлиб иқтисодий бўйича самарали рақобатбардош агросаноат ишлаб чиқаришини шакллантириш, ижтимоий соҳа бўйича қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, экология борасида эса экологик тоза истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва агросаноатнинг технологик даражасини ошириш ҳамда ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш орқали табиий ресурсларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари ижроси аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назорат прокуратура органлари томонидан мунтазам амалга оширилиши, етиштирилган маҳсулотлар арзонлашишига ҳамда юртимиз экспорт салоҳиятини ошишига олиб келади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилдаги прокуратура органлари ходимлари ҳамда фахрийларига табрик нутқидан // <https://president.uz/uz/lists/view/6961>;

2. S.Z Safoyevna, M.N. Jurayevna. Analysis of economic efficiency of the use of irrigated land in agriculture and factors on them. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. 2021. Том 27, Номер 2, Страницы 4055-4061;

3. Пўлатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш ва прокурор назоратининг намунавий ҳужжатлар тўплами // Амалий-услубий қўлланма. – Тошкент, 2014. – 6-бет;

4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. Тошкент – “ИЛМ ЗИЁ”. – 2012.М – 12-б // URL: <https://e-library.namdu.uz>.

5. Виноградов О. Прокуратура в системе органов государственной власти // Законность, 2000. -№4. - С. 2-4.

6. URL: <https://t.me/uzbprokuratura>;

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович,**

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш  
кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор

ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-3812-5696>

E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

### СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ОТАЖОНОВ А.А. Сунъий интеллект: жиноий жавобгарлик ва қонунчиликни тартибга солиш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024), Б. 54-69.



6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-8>

#### АННОТАЦИЯ

Сунъий интеллект билан боғлиқ технологияларнинг ривожланиши инсон фаолиятининг тобора кенг қамровли соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш банк, молия, солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика соҳаларида фаол ривожланмоқда. Ҳозирги кунда сунъий интеллектдан фойдаланиш даражаси унинг иштирокида жиноий ҳаракатлар содир этилишининг сезиларли миқдори ҳақида сўз юритиш имконини бермайди. Бироқ, бундай тизимларни янада такомиллаштириш инсон ҳаётига жиддийроқ таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ сунъий интеллектли тизимлардан фойдаланиб, оғир оқибатларга олиб келган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилгани ҳақида гапириш мумкин. Бундай шароитда мазкур тизимлардан фойдаланиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Мақолада сунъий интеллектни тушунишга оид қарашлар таҳлил қилинган, унинг юридик фанда қўллаш учун таърифини шакллантиришга уриниш амалга оширилган. Сунъий интеллектли тизимлар фаолиятини жиноят-ҳуқуқий баҳолаш билан боғлиқ назарий, қонунчилик ва амалий масалалар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, жиноят субъекти, робот, жавобгарлик, сунъий интеллект жавобгарлиги, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар, кибержиноят.

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**  
Заведующий кафедрой Ташкентского государственного  
юридического университета, доктор юридических наук, профессор  
ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-3812-5696>  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

## **ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ПЕРСПЕКТИВЫ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Развитие технологий, связанных с искусственным интеллектом, затрагивает все более широкие сферы человеческой деятельности. В настоящее время активно применяется потенциал искусственного интеллекта в банковском, финансовом, налоговом и таможенном секторах, а также в здравоохранении, сельском хозяйстве, транспорте и энергетике. Несмотря на то что интенсивное использование искусственного интеллекта пока не приводит к значительному количеству случаев преступлений с его участием, дальнейшее совершенствование таких систем может оказать более серьезное влияние на жизнь человека. Тем не менее, уже сейчас можно отметить случаи совершения общественно опасных деяний с использованием систем искусственного интеллекта, которые привели к тяжким последствиям. В этом контексте важность правовой регламентации порядка использования таких технологий становится очевидной. В статье проведен анализ различных точек зрения на понимание феномена искусственного интеллекта и сделана попытка сформулировать его определение, пригодное для юридической науки. Рассматриваются теоретические, законодательные и практические аспекты уголовно-правовой оценки деятельности систем с искусственным интеллектом.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, субъект преступления, робот, ответственность, ответственность искусственного интеллекта, преступления с применением искусственного интеллекта, киберпреступление.

---

**ОТАЖОНОВ Абдоржон**  
Head of the Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption at Tashkent  
State Law University, Doctor of Law, Professor  
ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-3812-5696>  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

## **ARTIFICIAL INTELLIGENCE: CRIMINAL RESPONSIBILITY AND THE PROSPECTS OF LEGAL REGULATION**

### **ANNOTATION**

The development of artificial intelligence technologies is affecting increasingly broad spheres of human activity. Currently, the use of artificial intelligence capabilities is actively expanding in banking, finance, taxation, customs, as well as in healthcare, agriculture, transportation, and energy sectors. The current intensity of artificial intelligence use does not yet allow us to speak of a significant number of criminal acts involving its participation. However, further advancement of such systems may have a more substantial impact on human life. Nevertheless, it is already possible to cite instances of socially dangerous acts committed using artificial intelligence systems that have led to severe consequences. Under these circumstances, the legal regulation of the use of such systems gains importance. This article analyzes various perspectives on understanding the phenomenon of artificial intelligence and attempts to formulate a definition suitable for use in legal science. It examines theoretical, legislative, and practical issues related to the criminal law assessment of artificial intelligence systems' activities.

**Keywords:** artificial intelligence, subject of crime, robot, liability, liability of artificial intelligence, crimes with the use of artificial intelligence, cybercrime.

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, муҳофаза, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган ишлар жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда 2030 йилга қадар сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш, сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга ва бу йўналишда фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш, юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш, Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистонни биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боисдан мамлакатимизда келгусида сунъий интеллект технологиялари банк, молия, солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика соҳаларида фаол жорий этилади.

Маълумки, яқин-яқингача, кундалик ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда роботлар, нобиологик нейрон тармоқлари ва сунъий интеллектдан фойдаланишни фақат фантастик ва эришиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қаралар эди. Бироқ, инсон фаолиятининг йилдан йилга ахборотлашуви ва автоматлашуви бу борадаги тасаввурларни ҳақиқатга айлантирмоқда. Шу билан бирга, фан-техника тараққиётининг мазкур жараёнлари инсониятга нафақат фойда, балки шу билан бирга муайян хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунончи, гувоҳи бўлаётганимиздек, сўнгги пайтларда сунъий интеллект қарорларининг ноадекватлиги ва хавфли оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқларида тобора кўпроқ ёритилиб, бу билан боғлиқ бўлган жамоатчилик мунозаралари шиддатли тус олмоқда. Бу эса, айбдорларни жазолаш ва бошқа масалалар юзасидан қатор саволларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, сунъий интеллект инсон омилсиз мустақил қарорлар қабул қила оладими? Сунъий интеллект томонидан содир этилган қонунга хилоф қилмишлар ва уларнинг оқибатлари учун ким жавобгар бўлиши керак? Сунъий интеллект қилмишлари туфайли жиноий оқибат рўй берганда, унинг ўзини жиноят субъекти сифатида жазолаш керакми ёки у фақат жиноят предмети ёки воситаси мақомида қоладими? Сунъий интеллект томонидан яратилган ихтироларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли бўлади? Албатта, бундай саволларни давом эттириш мумкин. Шу сабабли ҳам, даставвал сунъий интеллектнинг ижтимоий хавфли хусусиятларини баҳолаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бинобарин, сунъий интеллект иштирок этадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш доирасида у томондан етказилган зарар учун жавобгарлик муаммолари бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан саналади. Бироқ, тан олишимиз керакки, ҳозирда ҳуқуқий жиҳатдан сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар етарли даражада тартибга солинмаган, у билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик масаласи қонунан ҳал этилмаган. Шунга қарамай, мамлакатимиз жиноят-ҳуқуқий доктринасида ҳозирги кунда айнан сунъий интеллект жиноий жавобгарлиги муаммоларини ўрганишга оид махсус



тадқиқотлар ўтказилмаган.

Миллий жинойят қонунида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёки унинг ўзи томондан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жинойят таркиблари мавжуд эмас. Аммо будегани, сунъий интеллектдан фойдаланиб жинойят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш имконияти йўқ эканлигини англамайди, чунки мазкур ҳолат жинойят қонунида тан олинган жинойятнинг ягона субъекти бўлган жисмоний шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Аммо, бу ерда асосий муаммо сунъий интеллектнинг инсон аралашувисиз мустақил қарор қилиши натижасида келиб чиқадиган жинойий оқибатлар учун жавобгарлик муаммоларида ҳисобланади, чунки бу борада ҳозирча ягона тўхтама келинмаган.

Шубҳасиз, технологик тараққиёт ривожланишининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олсак, яқин келажакда сунъий интеллект имкониятлари сезиларли даражада ошиши ва мураккаблашиши мумкин. Хусусан, бу борада профессор Н.Бостромнинг таъкидлашича, 2040 йилга келиб сунъий интеллект ва инсоннинг фикрлаш жараёнларидаги ўхшашлик тахминан 50 фоизга тенг бўлади, 2075 йилда эса, уларнинг фикрлаш жараёнларини ажратиб бўлмайди, ўхшашлик 95 фоизга етади [3. Р. 187]. Аммо, ҳозирги технологик ривожланиш суръатлари бу жараённи янада тезлаштирмақда. Шунинг учун ҳам Н.Бостром ва А. Сандберглар янги тадқиқотларида ушбу прогноз кўрсаткичларини олдинга томон ўзгартиришган [23. Р. 146]. Албатта бундай тахминлар, сунъий интеллект технологиялари тараққиётига узвий боғлиқ ҳолда сунъий онг этикаси ва жавобгарлик муаммоларини ҳал этишни тақозо этади. Нима учун бу муҳим ҳисобланади? Сунъий интеллект инсоният учун хавф туғдирадими? Агар хавф туғдирса, унинг ижтимоий хавфи нималарда намоён бўлади?

Шу сабабдан ҳам сунъий интеллектнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини баҳолашда унинг инсон аралашувисиз мустақил қарорлар қабул қилиш имконияти мавжудлигини эътиборга олиш муҳим саналади. Ваҳоланки, техника ривожланишининг ҳозирги босқичида сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг юз бериши бугун кун амалиётидаёқ учрамоқда. Масалан, фирибгарлар сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, сизнинг овозингизни ўғирлаши мумкин. Бунда уларга сизнинг овозингиздан намуна олиш учун бир неча сония етарли бўлади холос. Кейин нейрон тармоқ қолган ҳамма ишни ўзи амалга оширади. Натижа овоз асл ҳолатдан деярли фарқ қилмайди – фирибгарлар сизнинг номингиздан дўстларингиз ва оилангизни осонгина алдашлари мумкин, шунингдек сунъий интеллект таниқли инсонлар, раҳбарларининг овозларини клонлаштириш орқали одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантirmoқда, шзгалар мулкни талон-торож қилмоқда. Бундан нафақат одамлар, балки турли корхоналар ҳам жабр кўрмоқда.

Сунъий интеллектнинг ижтимоий хавфлилиги ҳақида яна гапирадиган бўлсак, АҚШдаги тиббий муассасалардан бирида рўй берган воқеани эслашимиз мумкин. Бунда, тиббиёт муассасасига юқори ҳарорат (цельсий бўйича 40 даража), сувсизланиш ва умумий ҳолсизлик ҳолатида бўлган бир ёшли бола олиб келинган. Унга махсус сунъий интеллект ёрдамида грипп ташхиси қўйилиб, оғриқ қолдирувчи дорилар ва суюқлик юбориш усулида даволаш муолажаси тайинланган ҳамда тиббиёт ходимлари ушбу даволаш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қилишган, бироқ беш соат ўтиб, бола вафот этган. Мурда текширилганда, сунъий интеллект болага нотўғри ташхис қўйганлиги, унинг ўлимига бактериал инфекция олиб келгани аниқланган [9. Р. 84].

Бундан ташқари, Массачусетс технология университетида 2016 йил бошида «Moral Machine» («Автомобиль учун этика») тадқиқотини ишга туширилиб, унинг доирасида махсус веб-сайт яратилган. Унда ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиль фойдаланувчиси учун турли сценарийлар билан вазиятлар моделлаштирилган ва фавқулodда вазиятларда, масалан, фожиаси муқаррар бўлган вазиятда биринчи навбатда кимнинг ҳаётини қурбон қилиш мумкинлигини танлаш имконияти берилган. Бундай моделлаштириш муайян тадқиқот натижаларига асосланган бўлиб, унда тадқиқотда

қатнашган респондентларнинг кўп қисми берган жавобларга, яъни: бундай шароитда ҳайвонларни эмас – одамларни, кексаларни эмас – ёшларни қутқариш керак [2. Р. 142] лигини таъкидлашган. Шу сабабли дастурлаштириш тартибига кўра, фавкулотда вазиятларда сунъий интеллект мустақил равишда қарор қабул қилиши учун унда иродавий танлов юз беради. Масалан, ҳайдовчисиз бошқариладаган автомобиль йўлни нотўғри жойдан кесиб ўтаётган пиёдаани тўқнашувдан қочишга урингани учун, уни хавф манбаси деб баҳолаб уриб юборган [22].

Сунъий интеллектнинг ижтимоий хавfli жиҳатларидан яна бири – бу ундан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ёхуд айнан жиноят содир этиш учун махсус яратилиши мумкинлигида ҳисобланади. Масалан, дронлардан наркокуръер сифатида ёки террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун ёхуд бошқа ғаразли ёки паст ниятларларда фойдаланилиши мумкин. Ҳозирги кунда гувоҳи бўлаётганимиздек, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишда катта ютуқларга эришилмоқда, хусусан, Яндекс компанияси улардан аллақачон фойдаланишни йўлга қўйган. Давлат ва тижорат тузилмалари кундузи ҳам, кечаси ҳам суратга олиш имкониятига эга бўлган видеокамера, микрофон, овоз ва тасвирларни масофадан узатиш қурилмаларидан фаол фойдаланишмоқда. Бугун, сездирмасдан биноларга кириб бориш, суратга олиш ва бошқа имкониятларга эга бўлган сунъий интеллект ёрдамида бошқариладаган роботлар ишлаб чиқилган. Чунончи профессор Р. Аркин ўз тадқиқотларида сунъий интеллектдан жинойий мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли бўлган жиддий ахлоқий хавфлар мавжуд [23] лиги тўғрисида фикрларини билдириб ўтган.

Демак айтиш мумкинки, сунъий интеллектдан назоратсиз фойдаланиш ёки унинг мустақил равишда қарор қабул қилиш имкониятлари инсоният учун хавfli оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу боисдан назаримизда, сунъий интеллектнинг жиноят-ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш, ундан фойдаланган ҳолда ёки мустақил у томондан содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмишлар учун жавобгарлик ва у билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилиш муаммоларини аниқлаш ҳамда жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилишни тақозо этади.

Наинки, бугунги кунда юридик адабиётларда сунъий интеллект тушунчаси турлича таърифланади. Жумладан, С.С. Бозоров сунъий интеллектга муқобиллик, қобилият ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таъриф беради. Унинг фикрича, сунъий интеллект деганда, унинг ишлаб чиқувчиси томонидан белгиланадиган имкониятларга эга тўлиқ ёки қисман муқобил ҳолда ўзини-ўзи бошқарадиган компьютер-аппарат-дастурий виртуал ёки киберфизик, шу жумладан био-кибернетик тизим [4] тушунилади. Ш.К. Матчановнинг қайд қилишича эса, сунъий интелект – бу компьютер ёки ахборот тизимига инсоннинг фикрлаш фаолиятини амалга оширишга имкон берувчи технологиядир [17. Б. 4]. Аммо, берилган ушбу таърифлар назаримизда сунъий интеллект мазмунини тўлиқ очиб бермайди, чунки уларда муҳокама қилинаётган масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилмаган.

Бундан ташқари, бу борада О.Н. Ўринкулов ва Р.Ф. Худойбердиевларнинг ёзишича, сунъий интеллект инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизим [29. Б. 161] ҳисобланади. Б.Шумсутдинов, сунъий интеллект тушунчасига инсон бажара оладиган турли мантиқий, ижодий ва бошқа амалларни бажаришга мўлжалланган, муайян алгоритмлардан иборат бўлган дастурий тизим [31. Б. 23], деб таъриф беради. Шунингдек, В.Н. Синелникова ва О.В. Ревинскийларнинг таъкидлашларича, сунъий интеллект инсон томонидан яратилган ва янги ахборот ёки ўз фаолиятининг объектив ифодаланган натижаларини яратиш имкониятига эга бўлган компьютер дастуридир [26. С. 18–19]. М.Негневитский сунъий интеллект деганда, нафақат олдиндан белгиланган алгоритм бўйича ҳаракат қилишга, балки инсонга хос фикрлаш функцияларни ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуани [20] тушунади.

Шу билан бирга, назаримизда сунъий интеллектнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш учун, унга норматив ҳужжатларда таърифлар берилган-берилмаганлигига

ҳам эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Гарчи, миллий қонунчилигимизда яқин вақтларгача «сунъий интеллект» атамасига норматив таъриф берилган эмасди. Бироқ, 2024 йилнинг октябрь ойида унга норматив жиҳатдан таъриф ишлаб чиқилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори билан «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси» тасдиқланди. Ушбу стратегиянинг 1-боби 5-қисмида, сунъий интеллект деганда, инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи [28] тушунилиши белгиланди. Мадомики, сунъий интеллектга берилган ушбу ва бошқа назарий таърифлар, умуман сунъий интеллектнинг моҳиятини акс эттирсади, бироқ улар назаримизда юридик техника талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Улар казуистик, ортиқча ёки ҳаддан ташқари кенг тарзда таърифланган бўлиб, уларда муаммонинг техник ва ҳуқуқий жиҳатлари умумлашган ҳолда мужассамлашмаган. Шу сабабли бизнингча, сунъий интеллект атамасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ, яъни: сунъий интеллект деганда, инсоннинг фикрлаш фаолиятига ўхшаш, эслаб қолиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, вазифаларга ечимлар излаш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган дастурлаштирилган тизим тушунилади.

Бинобарин, ушбу таърифда илгари сурилган белгиларнинг ижобий томони фикримизча қуйидагиларда ифодаланади: таърифда берилган «инсоннинг фикрлаш фаолиятига ўхшаш, эслаб қолиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, вазифаларга ечимлар излаш ва мустақил қарор қабул қилиш» белгиси сунъий интеллектнинг ўз табиатига кўра, ахборот ва маълумотларни муқобил ҳолда таҳлил қилиб, мустақил қарор қабул қилиши мумкинлигини назарда тутаяди. Унда, инсоннинг фикрлашига хос бўлган фазилатлар акс эттирилган. Чунончи, инсон мияси хужайралар ва органик тўқималардан иборат бўлиб, улар гормонлар ёрдамида ўзаро алоқага киради ва тегишли инстинктлар ёрдамида автоматик равишда тафаккур қилади ва қарорлар қабул қилади. Сунъий интеллектдаги нейротармоқлар ҳам миядаги хужайралар ва уларнинг фаолиятига тақлид қилиб яратилган, унда органик қисмлар ўрнига дастурий таъминот ва бошқа рақамли нейрон маҳсулотлари ишлайди. Шунинг учун, сунъий интеллект қонун билан кўриқланадиган объектларга зарар етказиши ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган технологик жиҳатдан дастурлаштирилган математик модел ва алгоритмлар тизимига асосланган бўлади. Мазкур белгиларнинг сунъий интеллект тушунчасида инобатга олиниши унинг юридик табиатини тушунишга имкон беради.

Мадомики, жиноят қонунининг ўзида назаримизда сунъий интеллект тушунчасига ҳуқуқий таъриф бериш шарт эмас, чунки, жиноят қонуни нормаларини тартибга солишнинг бланкет хусусияти орқали муайян атаманинг маъносини очиб бериш учун бошқа ҳужжатга ҳавола қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам сунъий интеллектнинг ҳуқуқий таърифини ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи махсус қонунчиликда бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаганимиздек, биз кўриб чиқаётган муаммо нуқтаи назаридан яна бир жиҳатга эътибор қаратиш муҳим. У ҳам бўлса, сунъий интеллект қатнашган ҳолатлар учун жинойий жавобгарлик асосларини муҳокама қилиш ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмида, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши кўрсатилган. Айни пайтда, жиноят таркибининг аломатлари, унинг объектив ва субъектив белгиларини ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, муҳокама қилинаётган масала бўйича, аввало унинг объектив белгиларини кўриб чиқамиз.

Сунъий интеллектни жинойий жавобгарликка тортиш имкониятини баҳолаш учун бундай тизим амалда бевосита ёки билвосита жиноят қонуни билан тақиқланган

ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш имкониятига эга ёки эга эмаслигини аниқлаш муҳим. Зеро, амалиётнинг кўрсатишича, сунъий интеллект фаолияти объектив равишда жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказа олади. Масалан, ҳайдовчисиз бошқариладиган транспорт воситаси тегишли қоидаларни бузган тақдирда, йўл ҳаракати хавфсизлигини, ахборот тизимларини бузишда дастурлаштирилган нейрон тармоғи фаолияти ахборотлаштириш, мулк, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ижтимоий муносабатларга зарар етказа олади. Юқорида сунъий интеллект билан боғлиқ содир этилган айрим вазиятларни баён қилганмиз. Бунга яна бир мисол, бу Жон Кингтоннинг ишларида келтирилган. Хусусан, унда, мотоцикл ишлаб чиқаришда қатнашаётган робот ишчилардан бирини хавф манбаи деб нотўғри баҳолаб, гидравлик «қўл»дан фойдаланиб, уни ёндош ускунага босиб, ўлдирган [11. Р. 272]. Бундан кўриниб турибдики, сунъий интеллект фаолияти ижтимоий хавфли ва жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкин.

Шунинг баробарида, сунъий интеллектнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда баҳоласак, сунъий интеллект технологияси жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишларни содир эта олиши мумкин. Масалан, сунъий интеллект томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишдан ташқари, ижтимоий хавфли оқибатлар тиббиётда – сунъий интеллект дастурларининг зарур даражада ишламаслиги натижасида; қишлоқ хўжалигида – ҳайдовчисиз бошқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаси томонидан етказилган вайронагарчиликлар туфайли; муҳофаа соҳасида – душманни йўқ қилишга мўлжалланган ҳарбий қурилмалар тизимидаги хатолик сабабли юз бериши мумкин. Шу сабабли айтайлик, агарда сунъий интеллектнинг ривожланган тизими антропоморф танани (инсонга хос сифатларни ўзида мужассам этган ҳолда яратилган персонаж) бошқарадиган бўлса, у ҳолда Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳар қандай моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиши мумкин.

Биз муҳокама қилишимиз керак бўлган навбатдаги масала жиноят таркибининг субъектив белгилари ҳисобланади. Техник жиҳатдан сунъий интеллектнинг хулқ-атвор алгоритми инсон томонидан моделлаштирилади ва ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган алгоритмларга асосланади. Жисмоний шахсдан фарқли ўлароқ, сунъий интеллектнинг айб мазмуни техник жиҳатдан ўзига хос хусусият касб этади. Бу эса, нафақат ҳуқуқий ва психологик билимларни, балки кибернетика ва информатика соҳасидаги билимларни ҳам билиш заруратини келтириб чиқаради. Гарчи, мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятига эга сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқишда уни идрок этиш механизми табиий жараёнларникига ўхшаш тизим сифатида яратилади. Бироқ, сунъий интеллектнинг идрок этиш жараёни инсонникидан тубдан фарқ қилади. Сунъий интеллектда ҳис-туйғу, фикрлаш, англаш, ўз ҳаракатларини онгли равишда идора қилиш каби белгилар бўлмайди. Сунъий интеллектнинг идрок этиш ва қарорлар қабул қилиш имкониятлари мавжуд маълумотлар таҳлили ва умумлаштириш натижалари асосида ҳаракатга келтирадиган дастурлаш жараёни билан боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам сунъий интеллект технологияси хатолик билан ишлаб, ижтимоий хавфли оқибат келтириб чиқарганда уни, авваламбор инсон омили билан алоқадарлигини аниқлаш лозим бўлади. Чунки, сунъий интеллект технологияси хато ишлашининг асосий сабаблардан бири ундаги дастурий таъминотнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан, агар дастур яратувчилари сунъий интеллект йўл қўйиши эҳтимоли бўлган хатоликларни олдиндан кўра олса, келиб чиққан оқибат учун албатта унинг ишлаб чиқувчилари жавобгарликка тортилиши керак.

Ҳолбуки, ҳозирги кунда сунъий интеллект жавобгарлиги масаласи олимлар ва мутахассислар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган ҳодисалардан бири ҳисобланади. Кези келганда айтиш керакки, Гонконгнинг Hanson Robotics компанияси мутахассиси Д.Хенсон томонидан ишлаб чиқилган одамсимон роботига Саудия Арабистони Қироллиги фуқаролигининг берилиши [18. С. 162], бу борадаги баҳсларни

янада кучайтирди. Хусусан, Н.Невянс сунъий интеллектни жиноят ҳуқуқининг мустақил субъектига айлантириш ғоясини асоссиз [21. Р. 15], деб ҳисоблайди. Аммо, ушбу фикрга қарама-қарши равишда, Ф.В.Ужов, «дастурий кўрсатмалардан қатъи назар, хулқ-атвор алгоритмини таҳлил қилиш ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган сунъий интеллектнинг жавобгарлиги масаласини ҳуқуқий тартибга солиш зарур», деб ёзади ва фикрини давом эттириб, «Ўйлаб кўриш керак – мустақил қарорлар қабул қила оладиган сунъий интеллектга қандай ҳуқуқлар берилиши керак? Уни нимадан бошлаш тўғри бўлади? Албатта, ишни ҳуқуқнинг янги субъектини яратишдан бошлаш керак» [27. С. 358], дейди.

Шунингдек, Ж.Копфстеиннинг таъкидлашича, сунъий интеллект учун деактивация, қайта дастурлаш ёки жиноят субъекти мақомини бериш каби махсус жазо турлари назарда тутилиши керак, бу эса ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари учун огоҳлантириш вазифасини ўтайди [12]. Худди шундай фикрни И.Н. Мосечкин ҳам қўллаб-қувватлайди, у сунъий интеллектни «қайта тарбиялаш» «фақат уни тўлиқ қайта дастурлаш ёки машинани утилизация қилиш» орқали амалга оширилиши мумкинлигини эътироф этади. Унинг ёзишича, жиноят қонунида «сунъий шахс» атамасини мустақамлаш керак, чунки у жисмоний ва юридик шахс каби аллақачон мавжуд бўлган субъектлар рўйхатини самарали тўлдиради ва келажакда «жисмоний ва сунъий шахслар жинойи жавобгарликка тортилади», деган қонидани акс эттиради [19. С. 463]. Бироқ, назаримизда, сунъий интеллект ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг инсон фаолиятидаги ролини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда ушбу тизимни тўғридан-тўғри жинойи жавобгарликка тортиш мантиқсиз ҳисобланади.

Бинобарин, сўнги вақтларда Европа Иттифоқида ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиллар билан боғлиқ қатор фожиали ҳодисалар кўпайгандан сўнг роботларга ҳуқуқий мақом бериш ва натижада электрон шахсни жавобгарликка тортиш имконияти кенг муҳокама қилина бошланди. Шу муносабат билан, Европарламент 2017 йил 16 февралда «Робототехника тўғрисидаги фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари ҳақида»ги [5. Р. 10] резолюциясини қабул қилди ва унга мувофиқ робототехника ва сунъий интеллект бўйича махсус Европа агентлигини ташкил этиш; ақлли автоном роботнинг меъёрий таърифини ишлаб чиқиш, роботларнинг барча турлари учун таснифлаш тизими билан биргаликда рўйхатга олиш тизимини яратиш; хавф-хатарларнинг олдини олиш учун ишлаб чиқарувчилар зиммасига қатъий мажбуриятлар ва хавфсизлик кафолатларига оид талабларни шакллантириш; роботлардан фойдаланадиган ёки уларга эҳтиёж сезадиган компаниялар учун улардан фойдаланишнинг умумий қоидаларини яратиш масалалари бўйича тегишли чоралар белгиланди [22. Р. 138]. Бунда албатта, мазкур резолюциядаги роботларга ҳуқуқий мақом бериш масаласи алоҳида қизиқиш уйғотади.

Аслида, электрон шахснинг ҳуқуқий мақоми, жисмоний шахсникидан тубдан фарқ қилади. Шу боисдан, бир гуруҳ муаллифлар сунъий интеллектни жисмоний шахс ҳуқуқларидан фарқ қиладиган алоҳида, ўзига хос ностандарт белгиларга эга бўлган шахс сифатида қабул қилиш керак [1. Р. 22; 10. Р. 14; 13. С. 454], деган фикрни илгари суришади. Бироқ, биз мавжуд ҳуқуқий воқелик доирасида ҳозирги кунда сунъий интеллектга ҳуқуқ субъекти сифатида ва ҳаттоки унга чекланган мақомни ҳам беришни мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Яъни, ҳозирча миллий жиноят қонуни доирасида сунъий интеллектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш орқали уни жиноят субъекти сифатида тан олиб бўлмайди, чунки жиноят субъектининг асосий белгиси – унинг ақли расолиги, ўз қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфини англаш ва уларни бошқара олиш қобилияти билан белгиланади. Шу сабабли сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида инсон ёки юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми билан тенглаштирилиб бўлмайди. Ҳуқуқий мақомга эга шахс субъектив эътиқодларга асосланиб, фикрлаши лозим, аммо сунъий интеллект онг ёки ҳис-туйғуларга эга бўлмасдан юқорида таъкидлаганимиздек дастурий таъминот ҳисоб-китоблари асосида мустақил ҳаракат қилади.

Олимларнинг мулоҳазасини давом эттирган ҳолда, Р.Линес ва Ф.Лусиверолар, сунъий интеллект етказган зарар учун уни дастурлаштирган шахс ёки ундан фойдаланиш учун

масъул бўлган шахс жавобгар бўлиши керак [14. Р. 202], деб таъкидлайдилар. Қайсидир маънода ушбу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Боиси, миллий қонунчиликда (ФК 999-м.) бундай ёндашув, агар зарар сунъий интеллект томонидан етказиб, у ошиқча хавф манбаи деб баҳоланса, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар эътироф этилади.

Шу билан бирга сунъий интеллект жавобгарлиги масласида З.И. Хисамова, сунъий интеллектни яратувчиси ёки эгаси улар томонидан яратилган ёки фойдаланилаётган сунъий интеллект томонидан етказилган ҳар қандай зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади [30. С. 570], деб ёзади. Аммо, сунъий интеллект ишлаб чиқарувчиси ёки эгасини сунъий интеллект етказган барча оқибатлар учун жавобгар қилиш учун уларнинг қилмиши ва оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабатини аниқлаш ҳамда уларни реал воқеяликда жавобгарликка тортиш имкониятини ҳам баҳолаш муҳим ҳисобланади. Чунки, сунъий интеллект тизимлари бир нечта дастурий-аппарат комплексларидан иборат бўлган мураккаб архитектурага эга ёки муайян кодлардан фойдаланган ҳолда яратилади. Ушбу вазиятларда сунъий интеллектнинг ишлаб чиқувчиси ва эгасини аниқлаш анчайин қийин. Қонунни қўллаш амалиётида бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун сунъий интеллектни ишлб чиқиш, ишлаб чиқариш ва ишга тушириш фаолиятни стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини йўлга қўйиш керак. Аммо, таассуфки ҳозирда амалда бундай тизим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилинмаган.

Ваҳоланки, мустақил қарор қилиш, ўзини-ўзи бошқариш ва такомиллаштириш ҳамда муайян вазиятлар учун ечимлар излаш қобилиятига эга муқобилликка эга сунъий интеллектдан фойдаланиш амалда анчайин мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Зеро, бу борада П.М. Морхат тўғри таъкидлаганидек, бунаё вазиятларда асосий қийинчилик қилмиш ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш билан боғлиқ бўлади [18. С. 148]. Дарҳақиқат, жиноий жавобгарликка тортиш учун қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш асосий шартлардан ҳисобланади.

Ташқаридан қараганда, бундай ҳолларда келиб чиққан жиноий оқибатлар учун сунъий интеллект ишлаб чиқувчилари ва эгаларини жавобгарликка тортиш тўғридек кўринади, аммо инсон яратган маҳсулотлардан бошқалар фойдаланилиши натижасида келиб чиққан оқибатлар учун унинг яратувчисини жавобгарликка тортиш баҳсли ҳисобланади. Чунончи О.Радутний бу борада ёзишча, сунъий интеллект ишлаб чиқарувчилари бошқалар томонидан етказилган зарар учун жавоб берамайдилар, мажбуриятларни ўз зиммаларига олмайдилар [22. Р. 138]. Ҳолбуки, мустақил қарор қабул қилиш, ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлган сунъий интеллект бошқа ҳодисалар ва объектлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Шунинг учун жиноят сифатида баҳоланадиган қилмишни содир этиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилган сунъий интеллектнинг жавобгарлиги анча мураккаб жараён дидир. Ахир, сунъий интеллектни жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласи унга жиноят субъекти мақомини бериш билан боғлиқ бўлади. Бизнингча, жавобгарлик масаласида алоҳида ишлаб чиқилган мураккаб ускуналар ва қурилмалар мажмуасидан иборат сунъий интеллектни лойиҳалаштирувчи ва ишлаб чиқувчиларга тўғридан-тўғри жавобгарлик масъулиятини юклаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки, сунъий интеллект жавобгарлигининг якуний ечими кўп жиҳатдан уни қўллашда ва унга юклатилган вазифаларга боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда назарияда сунъий интеллект ёрдамида содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик белгилашнинг ўзига хос моделлари ишлаб чиқилган. Хусусан, бу борада профессор Г.Халлеви томонидан учта модель ишлаб чиқилган [8. Р. 192]. Унинг назарияси Д.Гункел, М.Шерер, М.Мелман, Д.В.Берг каби IT-технологиялар ва киберҳуқуқ соҳасидаги ишланмалар билан шуғулланувчи америкалик олимлар томонидан эътироф этилган [7. Р. 160; 24. Р. 368; 16]. Ушбу моделлар қуйидагилардан иборат.

Биринчи модель, «The Perpetration-by-Another» (бошқа шахс орқали содир этиш) модели сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида тан олмайди ва ундан қилмишни содир этиш учун бир вақтнинг ўзида «mens rea» ва «actus reus» мавжудлигини талаб қилмайди. Бунда сунъий интеллект фойдаланувчиси айбсиз шахс (innocent agent ёки semi-innocent agent) сифатида баҳоланди. Бундай ҳолда, сунъий интеллект ҳаракатлари учун жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган иккита субъект мавжуд бўлади. Биринчиси, жиноят содир этиш мақсадида махсус дастурий таъминотни ишлаб чиққан дастурчи, иккинчиси, мавжуд сунъий интеллект имкониятларидан ўзининг қонунга хилоф мақсадлари учун фойланган фойдаланувчи. Ҳар иккала ҳолда ҳам қилмиш бевосита сунъий интеллект ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчи модель, «The Natural-Probable-Consequence Liability» (табиий эҳтимолий оқибат) модели дастурчи (фойдаланувчи)нинг қилмишида «mens rea» ҳам «actus reus» ҳам мавжудлигини назарда тутмайди. Бундай вазият сунъий интеллект тизимининг одатий ҳаракатларидан жинойий қилмиш содир этиш учун нотўғри фойдаланиш мумкин бўлганда юзага келади [32. P. 267, 273]. Бунда субъект жиноят ёки унинг оқибатларини олдиндан кўра билмайди, фақату сунъий интеллектнинг мавжуд имкониятларини баҳолай олади. Бу дастурчи (фойдаланувчи)нинг бепарволиги бўлиб, унинг мавжудлиги шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бироқ, ушбу модель бошқа ҳолатни ҳам назарда тутаяди. Агар робот маълум бир жиноятни содир этиш учун дастурлаштирилган бўлса, лекин уни содир этиш жараёнида ва, эҳтимол, уни охирига етказишда белгиланган режадан четга чиқиб, бошқа жиноятни содир этса, унда дастурчи қасддан содир этилган жиноят учун ҳам (дастлаб режалаштирилган), у режалаштирмаган, лекин робот томонидан содир этилган жиноят учун ҳам жавобгар бўлади [25. P. 167].

Учинчи модель, «The Direct Liability» (бевосита жавобгарлик) модели бутунлай бошқача хусусиятга эга. У сунъий интеллектни кейинчалик жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган мустақил жиноят субъекти сифатида кўриб чиқади. Моделнинг номланишидан кўриниб турибдики, у сунъий интеллектнинг бевосита жавобгарлигини унинг хатти-ҳаракатларига дастурчи (фойдаланувчи)нинг оқибатларни келтириб чиқариш нияти (хоҳиши) билан боғламайди [6. P. 152; 9. P. 204]. Аммо бундай моделни ҳаётга татбиқ этиш учун сунъий субъектга ҳуқуқ субъекти мақомини бериш тўғрисида қонуний қарор қабул қилиш, шунингдек, сунъий интеллект ҳаракатларининг «mens rea» ва «actus reus» талабларига аниқ мувофиқлигини аниқлаш талаб этилади [15. P. 188].

Кўриб турганимиздек, биринчи икки модель сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида тан олмайди ва уни жиноятнинг қуроли ёки воситаси сифатида ҳисоблаган ҳолда жавобгарлик масаласини ҳал қилади, учинчи модель эса, келажакда сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида мақомини белгилаб, уни жавобгарликка тортишни назарда тутаяди.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, назаримизда синъий интеллектдан фойдаланган ҳолда ёки у иштирок этган вазиятларда қилмишни квалификация қилиш ва жавобгарлик масалаларини ҳал қилишда қуйидаги қоидаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Сунъий интеллект ишлаб чиқарувчиси (яратувчиси). Сунъий интеллектни яратиш, авваламбор, унинг ишлаши ва ўз-ўзини бошқаришга оид дастурлаш жараёнларига чекловлар киритишни, мумкин бўлган хатоликларни ва истеъмолчи учун хавф-хатарларни бартараф этиш лозимлигини назарда тутаяди. Шу сабабли, сунъий интеллектнинг ушбу таркибий қисмлари учун масъул шахслар мазкур жараёнларга била туриб ёки вазифаларига лоқайд ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида йўл қўйса, улар жиноят субъекти сифатида тан олиниши мумкин. Масалан, агар ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиль томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши одам ўлимига олиб келган бўлса ва бунга сунъий интеллект дастурий таъминотнинг номукамаллиги сабаб бўлган бўлса ва унинг яратувчиси бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олганлиги аниқланса,

жавобгарлик сунъий интеллект ишлаб чикувчиси зиммасига юкланиши керак. Бу жараёнда қилмишга жиноятларни квалификация қилиш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий баҳо бериш талаб этилади. Чунки, Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти махсус субъект бўлиб, унга кўра 16 ёшга тўлган транспорт воситасини бошқарувчиси мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланганлиги сабабли бундай вазиятда сунъий интеллект ишлаб чиқарувчисининг қилмишини ушбу модда билан жавобгар қилиб бўлмайди. Бундай қилмиш учун сунъий интеллект ишлаб чиқарувчиси Жиноят кодексининг 186-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Агар шахснинг айби жиноят оқибатига нисбатан қасд шаклида ифодаланса, бундай қилмишни сунъий интеллектдан фойдаланишни жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси сифатида баҳолаб, келиб чиққан оқибатга қараб, ҳаёт ёки соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан квалификация қилиш керак бўлади.

2. Сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқарувчиси ёки ўтказувчиси. Ушбу шахслар ҳам хўжалик фаолиятининг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби, товарлар, ишлар ва хизматларнинг зарур сифатини таъминлашлари керак. Товар ишлаб чиқарувчиси ёки ўтказувчиси ҳар доим ҳам робототехника ва дастурлаш соҳасида етарли билимга эга бўлмасликлари мумкин, шунинг учун улар сунъий интеллектнинг хавфсиз ишлаши учун барча зарур бўлган чораларни кўрган бўлса, уларнинг қилмишида айб мавжуд бўлмайди. Аммо, ишлаб чиқарувчи ёки ўтказувчи маҳсулотнинг хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида олдиндан билган бўлса, нуқсонли сунъий интеллектга эга маҳсулотни ишлаб чиқарган ёки ўтказган (сотган) шахслар жавобгар бўлишлари керак. Бундай қилмишни ҳам Жиноят кодексининг 186-моддаси билан квалификация қилиш мумкин. Агар, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи сунъий интеллект технологиясини ишлаб чиқувчисининг (яратувчисининг) рухсатисиз ёки унинг ихтиёрига зид дастурий таъминотга тузатишлар киритганлик ёки ташқаридан аралашганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, бундай қилмишни Жиноят кодексининг 278<sup>4</sup>-моддаси ёки бошқа тегишли моддалар билан квалификация қилиш керак бўлади.

3. Сунъий интеллект технологиясидан фойдаланувчи. Ушбу субъектни жинойий жавобгарликка тортиш масаласи сунъий интеллект технологиясининг қанчалик муқобил эканлиги ва фаолиятини фойдаланувчи томонидан назорат қилиш имкониятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Чунки, сунъий интеллект технологиясининг ишлаши бевосита унинг фойдаланувчисининг фаолиятга боғлиқ бўлса ёки унинг назорати остида амалга оширилса, унинг оқибатларига сунъий интеллект эмас, балки унинг фойдаланувчиси айбдор бўлади. Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияси ишлаши тўлиқ мустақиллиги туфайли унда фойдаланувчининг роли бўлмаган тақдирда, унинг технологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда жавобгарлик масаласи ҳал қилинади. Агар сунъий интеллект билан жиҳозланган маҳсулотнинг фойдаланувчиси ундан фойдаланиш шартларини бузмаган бўлса ва келиб чиққан оқибатларда айби аниқланмаса, сунъий интеллект фойдаланувчиси жавобгарликка тортилмаслиги керак. Чунки, бундай қилмишлар айбсиз ҳолда зарар етказилганлиги сабабли шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Аммо, сунъий интеллект билан жиҳозланган маҳсулотдан фойдаланиш шартлари бузилган айрим ҳолларда фойдаланувчининг қилмиши жинойий деб баҳоланиши мумкин. Масалан, ҳайдовчисиз бошқариладиган транспорт воситаси салоида бўлган шахс безорилик қилиб, ҳаракатланаётган транспорт воситасининг эшикларини очса, деразадан бошини чиқарса ёки бошқа нотўғри ҳаракатларни содир этса, транспорт воситаси хавф деб ҳисоблаб, бошқарувни бирдан тўхтатиши ёки руль механизмининг блокировка қилиши мумкин. Натижада, дастурий таъминот йўловчининг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилиб ёки унинг ҳаракатларини тўғри баҳолай олмай, бошқа шахсларга зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатда транспорт воситасидан фойдаланувчи шахс қилмишини Жиноят кодекси 266-моддаси (тегишли оқибатлар мавжуд бўлганда) билан квалификация қилиш керак бўлади. Агар шахс транспорт воситасини бошқаришда



иштирок этмай йўловчи сифатида ҳаракатланган (бунда шахс транспорт воситасини бошқармайди) тақдирда, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 268-моддаси билан квалификация қилинади. Гарчи, сунъий интеллект тизимларидан нотўғри фойдаланиш, уни атайлаб нотўғри бошқариш нафақат транспорт соҳасида, балки ҳар қандай соҳада ҳам содир этилиши мумкинлигини инкор этмайди. Буларнинг барчаси фойдаланувчи томонидан сунъий интеллект маҳсулотига нисбатан маълум мажбуриятлар мавжудлигини ва бундай мажбуриятлар бузилган тақдирда жавобгарликка тортиш мумкинлигини назарда тутлади.

4. Бошқа шахслар. Айтиш керакки, сунъий интеллект мураккаб ишланма бўлгани билан у барибир компьютер дастури ҳисобланади ва у инсонлар томонидан яратилади. Бу юқорида таъкидлаганимиздек, унинг имкониятларидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланиш мумкинлигини инкор этмайди ва сўнги пайтларда бу йўналишда содир этилаётган жиноятларнинг тури ривожланиб бормоқда. Хусусан, сунъий интеллект билан жиҳозланган маҳсулотни модификациялаштириш ёки зарар келтирувчи дастурларни ишлаб чиқиш орқали жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, бунга ҳарбий роботлар, ҳайдовчисиз бошқарилидаган транспорт воситалари, автоматик биржа савдоси қурилмалари ва шу кабиларнинг компьютер алгоритмларга ўзгартириш киритиш ҳолатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Айтиш пайтда мамлакатимизда бундай қилмишлар учун Жиноят кодексининг XX<sup>1</sup> бобида (Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар) жавобгарлик назарда тутилган. Зеро, Жиноят кодексига ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида нормаларнинг мавжудлиги, сунъий интеллект ёрдамида содир этилган қилмишлар учун ҳаётга қарши жиноятлар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар, ўзгарлар мулкни талон-торож қилиш, бошқарув тартибга қарши жиноятлар ва бошқа ҳолатлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалари бўйича жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этмайди. Шу боисдан, агарда бундай қилмишлар жиноят қонуни билан қўриқланадиган турли ижтимоий муносабатларга зарар етказиб, мустақил оқибатларни келтириб чиқарган тарқдирда, бундай қилмишларни жиноятлар мажмуи тариқасида ҳуқуқий баҳолаш керак бўлади. Масалан, одам ўлдириш мақсадида ҳайдовчисиз бошқариладиган транспорт воситаси ахборот тизимини бузиб кириш орқали йўловчининг тезликни ошириб юборишига, тўқнашувга ва ўлимига олиб келган шахснинг ҳаракатлари, Жиноят кодексининг 278<sup>4</sup>-ва 97-моддалари мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Шунингдек, агарда фуқаролар ёки ташкилотларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ахборот тизими ёки ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган талон-торожлик факти Жиноят кодексининг 168, 169-моддалари квалификация қилиниши мумкин ҳамда жиноят қонунининг бир қатор нормаларида телекоммуникация ёки ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган бошқа қилмишлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган (ЖК 103-м., 2-қ. «г» б., 103<sup>1</sup>-м., 2-қ., «в» б., 130–130<sup>1</sup>-м., 139-м., 2-қ., 140-м., 2-қ., 141<sup>2</sup>–141<sup>3</sup>-м., 158-м., 3-қ., 168-м., 3-қ., «г» б., 3-қ., 169-м. «б» б., 188<sup>1</sup>-м., 244-м., 2-қ. «б» б., 244<sup>1</sup>-м., 3-қ., «г» б., 244<sup>6</sup>-м., 251<sup>1</sup>-м., 273-м., 3-қ., «д» б., 274-м., 278-м., 4-қ.). Бироқ, яратилаётган сунъий интеллект тизимлари ҳар доим ҳам ахборот тизимларига зарар келтирувчи ёки телекоммуникация ёхуд ахборот технологияларига оид хусусиятларни ўзида ифода этмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам назаримизда келгусида сунъий интеллект технологиялари ёрдамида жиноят содир этишга оид жиноят-ҳуқуқий белгиларни жиноят қонуни нормаларига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Сунъий интеллект. Юқорида таъкидланган ҳолатларда сунъий интеллектдан фойдаланишда ҳар доим жисмоний шахс иштирок этади ва келиб чиққан оқибатлар у ёки бу даражада ушбу шахснинг қилмиши билан сабабий боғлиқ бўлади. Сунъий интеллект таъкидлаганимиздек ўзининг технологик хусусиятларига кўра, муқобил тарзда ташқи таъсирга нисбатан ўзи мустақил ҳолда қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Бу

эса, сунъий интеллект ишлаб чиқарувчиси томонидан эҳтимолли хавф-хатарларни олдини олиш бўйича зарур чораларни кўрган, фойдаланувчи ундан фойдаланиш шартларига қатъий риоя қилган ва унинг фаолиятига учинчи шахсларнинг ташқаридан аралашуви бўлмаган вазиятларни истисно этмайди. Шу сабабли ҳар доим ҳам юз берган ижтимоий хавфли оқибатлар сунъий интеллект ишлаб чиқувчиси, ишлаб чиқарувчиси, фойдаланувчиси ёки бошқа учинчи шахсларнинг қилмиши билан алоқадор бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда табиий савол туғилади, бунда келиб чиққан оқибатлар учун ким жавоб беради? Аммо, амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, бунда сунъий интеллект технологиясини жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки сунъий интеллект жиноят субъекти белгиларига эга бўлмайди. Шу сабабли мантиқан бу каби ҳолатлар Жиноят кодексининг 24-моддасига асосан айбсиз ҳолда зарар етказиш деб баҳоланиши мумкин. Бироқ, назаримизда сунъий интеллектни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масаланинг ечими унинг ривожланишига қараб ўзгариши мумкин. Ҳозирги вақтда эса, сунъий интеллект тизимига нисбатан жиноий жавобгарликни қўллаб бўлмайди. Келиб чиққан хавфли оқибатларни бартараф қилиш ёки бузилган ҳуқуқларни тиклаш масаласига келсак, бундай ҳолатлар учун бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни қўллаш истисно этилмайди. Масалан, фуқаролик қонунчилигига кўра, зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилади (ФК 985-м., 4-қ.).

Демак, муҳтасар айтадиган бўлсак, сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ қилмишларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни амалга ошириш муаммоларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

1) сунъий интеллект деганда, инсоннинг фикрлаш фаолиятига ўхшаш, эслаб қолиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, вазифаларга ечимлар излаш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган дастурлаштирилган тизим тушунилади. Айни пайтда, жиноят қонунда сунъий интеллект атамисига ҳуқуқий маъно берилиши шарт бўлмайди, чунки, норма тузилишининг бланкет хусусияти орқали муайян атаманинг маъносини очиб бериш учун бошқа ҳужжатга ҳавола қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам сунъий интеллектнинг ҳуқуқий таърифини ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида бериш мақсадга мувофиқ;

2) жиноят қонунчилиги сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасида кечикмоқда, айни пайтда сунъий интеллект иштирокида бир нечта ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилмоқда;

3) сунъий интеллект фаолияти объектив равишда ижтимоий хавф туғдириши ва жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкин;

4) ҳозирги вақтда сунъий интеллектнинг айб мазмуни инсон фаолиятининг ақлий ва иродавий белгилари мазмунидан йироқ, бироқ у кўпроқ даражада бепарволик билан тавсифланади, шу билан бирга, келажакда ўхшашлик даражаси ошиши мумкин ва бу ҳолат сунъий онг хатти-ҳаракатларида айбнинг субъектив аломатлари мавжудлиги ҳақида гапириш имконини беради;

5) сунъий интеллект тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши мумкин бўлган қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят субъектлари қаторига сунъий интеллект технологиясини ишлаб чиқувчиси (яратувчиси); сунъий интеллект технологиясини ишлаб чиқарувчиси ёки ўтказувчиси; сунъий интеллект технологиясининг фойдаланувчиси; бошқа шахсларни киритиш мумкин;

6) сунъий интеллектни шахс сифатида ўзини ўзи англашига эришган ва қонун томонидан жиноят субъекти деб тан олинган тақдирдагина жиноятнинг тўлақонли субъекти сифатида жавобгарликка тортиш мумкин, шу боис ҳозирча сунъий интеллектни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди. Сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида тан олиш нафақат батафсил тадқиқотни, балки муайян эҳтиёткорликни ҳам талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Сунъий интеллектни жиноят субъекти сифатида эътироф этиш муқаррар равишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини норматив жиҳатдан

белгилаш лозим. Бу, ўз навбатида, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини тубдан қайта қуришни, балки инсон тафаккури векторини, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш йўналишини ҳам ўзгартиришни талаб этади. Шу боисдан жамият ҳозирданоқ эҳтимолий хатарларни башорат қилиши, сунъий интеллектни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда жавобгарлик, шу жумладан, жиноий жавобгарлик концепциясини ишлаб чиқишга эътибор қаратиши керак. Бундай ҳуқуқий институт мутлақо янгича ёндашувни талаб қилади. Ушбу институт доирасида сунъий интеллектнинг техник ва бошқа хусусиятлари симбиозига асосланган субъектни анъанавий тушунишдан фарқли равишда, шунингдек, деактивация, қайта дастурлаш ёки унга жиноят субъекти мақомини бериш каби муқобил жавобгарлик турларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади;

7) сунъий интеллектдан мустақил қарорлар қабул қилишнинг мумкин бўлган хавфлари ва салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида бундай оқибатларни чуқур таҳлил қилиш, ишга тушириладиган сунъий интеллектни мажбурий рўйхатдан ўтказиш механизмларни ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, робот механизмига фавқулодда вазиятларда барча жараёнларни дарҳол тўхтатиш учун махсус дастурий таъминотни интеграция қилиш имконияти яратиш мақсадга мувофиқ. Шу сабабли ҳам мазкур жараён тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиниши керак. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори билан тасдиқланган «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси»да хавфсизлик нуқтаи назаридан сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидаларини ишлаб чиқиш ва маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган;

8) сунъий интеллект мустақил равишда жиноятнинг объектив томонини амалга ошириши ва ҳар қандай ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкинлиги сабабли, Жиноят кодексининг 56-моддасини «сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этиш»ни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутиш ҳамда сунъий интеллект тизимларидан ғаразли ва бошқа паст ниятларда қасддан ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва фойдаланганлик учун қуйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

**278<sup>10</sup>-модда. Ғаразли ёки бошқа паст ниятларда сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ўтказиш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш**

Ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ёки жиноятни яшириш мақсадида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ўтказиш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —  
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) одам ўлимига;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
- в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –  
беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Asaro P.M. Robots and Responsibility from a Legal Perspective // Proceedings of the IEEE. – 2007. – Vol. 4, iss. 14. – P. 20–24.
2. Bostrom N. Strategic Implications of Openness in AI Development. Global Police. – 2017. – Vol. 8, iss. 2. – P. 135–148.
3. Bostrom N. Superintelligence: Paths, Dangers, Strategies. — Oxford: Oxford Univ. Press, 2014. – 390 p.
4. Бозаров С.С. Сунъий интеллект томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик масалалари // <https://cdn.uz.uz/2022/07/05/05/02/03h8FqhXBuvCIYHXM6MJBeh509lkZFPo.pdf>
5. Delvaux M. Draft Report with recommendations to the Commission on Civil Law Rules on Robotics. – European Parliament, 2016. – 22 p.
6. Freitas P. Criminal Liability of Autonomous Agents: From the Unthinkable to the Plausible / P. Freitas, F.A. de Andrade, P.J. Novais // Ai Approaches to the Complexity of Legal Systems. – Berlin: Springer 2014. – P. 145–156.
7. Gunkel D.J. The machine question: Critical Perspectives on AI, Robots, and Ethics. – Cambridge: MIT Press, 2012. – 270 p.
8. Hallevy G. The Criminal Liability of Artificial Intelligence Entities – from Science Fiction to Legal Social Control // Akron Intellectual Property Journal. – 2010. – Vol. 4, iss. 2. – P. 171–201.
9. Hallevy G. When Robots Kill: Artificial Intelligence Under Criminal Law. – Boston, 2013. – 272 p.
10. Hood K. Artificial Intelligence and the Legal Profession // Horizon Scanning. – 2018. – 20 p.
11. Kingston John K. C. 2016. “Artificial Intelligence and Legal Liability”, Research and Development in Intelligent Systems XXXIII: Incorporating Applications and Innovations in Intelligent Systems XXIV, ed. by Max Bramer, Miltos Petridis: – Cambridge: Springer. – P. 269–279.
12. Kopfstein J. Should Robots Be Punished For Committing Crimes?. – URL: <https://www.vocativ.com/417732/robots-punished-committing-crimes>.
13. Курсова О.А. Юридические фикции современного российского права: сущность, виды, проблемы действия // Проблемы юридической техники: сб. ст. / под ред. В.М. Баранова. – Нижний Новгород, 2000. – С. 450–459.
14. Leenes R. Laws on Robots, Laws by Robots, Laws in Robots: Regulating Robot Behaviour by Design // Law, Innovation and Technology. – 2014. – Vol. 6, iss. 2. – P. 194–222.
15. Levy D. When robots do wrong // [https://share.pdfonline.com/87cad18d73324e8fb2eaae1cddb60f77/Kathmandu\\_final\\_text\\_October31st.htm](https://share.pdfonline.com/87cad18d73324e8fb2eaae1cddb60f77/Kathmandu_final_text_October31st.htm). Hallevy G. Liability for Crimes Involving Artificial Intelligence Systems. – Dordrecht: Springer, 2015. – 262 p.
16. Mehlman M. Robot Law // Case Legal Studies Research Paper. – 2017. – URL: <https://ssrn.com/abstract=2908488>.
17. Матчанов Ш. К. Жинойят ишини тергов қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш масалалари // Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – № 9. – Б. 1–5.
18. Морхат П.М. Искусственный интеллект: правовой взгляд. – М.: Буки Веди, 2017. – 257 с.
19. Мосечкин И.Н. Искусственный интеллект и уголовная ответственность: проблемы становления нового вида субъекта преступления // Вестник Санкт-Петербургского университета. – 2019. – Право 3. – С. 461–476.
20. Negnevitsky M. Artificial intelligence: a guide to intelligent systems. Pearson education, 2005. URL: [https://books.google.ru/books?hl=ru&lr=&id=1BxYQnrfv9MC&oi=fnd&pg=PR11&dq=artificial+intelligence+&ots=GWevZKTmUA&sig=ChXKFLimlDD0aIwcZW\\_NHDCY3-Y&redir\\_esc=y#v=onepage&q=artificial%20intelligence&f=false](https://books.google.ru/books?hl=ru&lr=&id=1BxYQnrfv9MC&oi=fnd&pg=PR11&dq=artificial+intelligence+&ots=GWevZKTmUA&sig=ChXKFLimlDD0aIwcZW_NHDCY3-Y&redir_esc=y#v=onepage&q=artificial%20intelligence&f=false).
21. Nevejans N. European Civil Law Rules in Robotics: Study. – European Union, 2016. – 34 p.

22. Radutniy O.E. Criminal Liability of the Artificial Intelligence // Problems of Legality. – 2017. – Iss. 138. – P. 132–141.
23. Sandberg A. Space Races: Settling the Universe Fast. Technical Report-2018. – University of Oxford, 2018. – URL: <https://www.fhi.ox.ac.uk/wp-content/uploads/space-races-settling.pdf>.
24. Scherer M.U. Regulating Artificial Intelligence Systems: Risks, Challenges, Competencies, and Strategies // Harvard Journal of Law & Technology. – 2015. – Vol. 29, – № 2. – P. 353–400.
25. Solaiman S. Legal personality of robots, corporations, idols and chimpanzees: a quest for legitimacy // Artificial Intelligence and Law. – 2017. – Vol. 25. – № 2. – P. 155–179.
26. Синельникова В.Н., Ревинский О.В. Праванарезультатыискусственногоинтеллекта // Копирайт. Вестник Российской академии интеллектуальной собственности. – 2017. – № 4. – С. 17–27.
27. Ужов Ф.В. Искусственный интеллект как субъект права // Пробелы в российском законодательстве. – 2017. – № 3. – С. 357–360.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПҚ-358-сон қарор // <https://lex.uz/docs/7158604>
29. Ўринкулов О.Н., Худойбердиев Р.Ф. Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2021. – № 1 (48). – Б. 158–164.
30. Хисамова З.И. Уголовная ответственность и искусственный интеллект: теоретические и прикладные аспекты // Всероссийский криминологический журнал. – 2019. – Т. 13, – № 4. – С. 564–574.
31. Шамсутдинов Б. Жиноят процессида сунъий интеллект // Odillik mezonі. – 2020. – № 9. – Б. 23.
32. Weng Y.H. Towards the Human-Robot Co-Existence Society: On Safety Intelligence for Next Generation Robots / Y.H. Weng, C.H. Chen, C.T. Sun // International Journal of Social Robotics. – 2009. – № 1. – P. 267–282.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**АЛИМОВ Гайбулла Алимович**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: gaybullaalimov77@gmail.com

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** АЛИМОВ Г.А. Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ эркинликларини чеклашнинг конституциявий ва қонуний асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 70-77.



6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-9>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ эркинликларини чеклашнинг айрим жиҳатлари, чеклов қўллашнинг қонуний асослари, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси тўғрисида”ги Фармони талаблари, бир қатор хуқуқшунос олимларнинг жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида инсон хуқуқлари ва эркинликларини чеклаш масаларида билдирган фикр ва мулоҳазалари ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Конституция, инсон хуқуқ ва эркинликларини чеклаш, чеклашнинг қонунийлиги ва асослилиги, жамоат хавфсизлиги концепцияси, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, инсон хуқуқларини чеклашга бўлган аралаш ёндашув.

**АЛИМОВ Гайбулла**

Доцент Университета Общественной безопасности  
Республики Узбекистан, кандидат юридических наук  
E-mail: gaybullaalimov77@gmail.com

## КОНСТИТУЦИОННЫЕ И ЗАКОННЫЕ ОСНОВЫ ОГРАНИЧЕНИЯ ПРАВОВЫХ СВОБОД ГРАЖДАН В ПРОЦЕССЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В настоящей научной статье приводятся отдельные аспекты ограничения некоторых прав и свобод граждан в процессе обеспечения общественного порядка и общественной безопасности в Конституции Республики Узбекистан, законные основания применения данных ограничений, требований Закона Республики Узбекистан “О чрезвычайном

положении” и Указа Президента Республики Узбекистан №УП-27 “О концепции общественной безопасности”, некоторые точки зрения ученых юристов по данному проблематики.

**Ключевые слова:** Конституция Республики Узбекистан, ограничение прав и свобод граждан, законности и обоснованности ограничений, концепция общественной безопасности, общественная порядка и общественная безопасность, смешенный подход по вопросам ограничений прав и свобод.

**ALIMOV Gaybulla**

Associate professor of the University of Public Safety Republic of Uzbekistan,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: gaybullaalimov77@gmail.com

## ANNOTATION

The current scientific article presents some aspects of the restriction of certain rights and freedoms of citizens in the process of ensuring public order and public safety in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the legal basis for the application of these restrictions, the requirements of the Law of the Republic of Uzbekistan “On extraordinary provisions” and the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No.27 “On the concept of public security”, some points of view of learned lawyers on this issue.

**Keywords:** Constitution of the Republic of Uzbekistan, restriction of the rights and freedoms of citizens, legality and validity of restrictions, the concept of public safety, public order and public safety, a mixed approach to the issues of restrictions of rights and freedoms.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, яъни жамият ва давлатда шахс эркинлиги чегараларини белгилаш инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу муносабатларнинг асосий фалсафий муаммоси инсон эркинлиги даражаси ва меъёри, бу эркинликнинг давлат ва жамият томонидан қамраб олинишининг асослари ва чегараларидир. Конституциянинг асосий вазифаларидан бири, бу биринчи навбатда конституциявий, шахс, жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни ўрнатиш ва қонунлаштиришдир. Конституция ва қонунлар бир қатор ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий ва суд қафолатларини бекор қилиш имкониятини ҳам назарда тутди. Ҳуқуқ ва эркинликларга чекловлар ҳар доим уруш ёки оммавий тартибсизликлар ҳолатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинганда юзага келади. “Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган конституциявий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсади билан боғлиқ бўлган шахс эркинлигининг конституциявий асосларини давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган ноқонуний аралашишлардан ҳимоя қилишдир” [1.Б-88].

Жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, айниқса шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш, шунингдек, бундай чекловларнинг чегаралари нафақат Ўзбекистон Республикасининг, МДҲ мамлакатлари, балки бутун дунё ҳамжамияти учун юридик фан ва ҳуқуқий тизимнинг мураккаб ва мунозарали масалаларидан биридир.

Жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш (қўриқлаш ва ҳимоя қилиш) - бу давлат органлари томонидан ҳар доим ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишини ва инсоннинг индивидуал эркинлигига аралашишни, кўпинча ҳокимият органлари, ўз ваколатларини ҳаддан ташқари, суистеъмол қилиш билан кейин эса қонунларнинг мазмунини нотўғри тассаруф этган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаб қўйяди ва айрим ҳолларда ҳатто тўлиқ инкор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида “чеклаш” атамаси инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан энг кўп қўлланилади (21, 27, 28, 29,31,32, 33,37-моддалар).

Ўзбекистон Республикасида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашнинг конституциявий модели шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга аралаш ёндашувни назарда тутди. Бир томондан, Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясида биринчи марта шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш имкониятини назарда тутувчи умумий қоида билан тўлдирилди (21-модданинг 3-қисми) [2.Б.6], бошқа томондан, Конституциямизнинг қоидалари муайян чекловларнинг тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясининг 33-моддаси 3-қисмига биноан, “ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади” [3. Б.33].

Бугунги кунда давлат жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи субъекти сифатида маълум даражада мавҳум ва аниқ бўлмаган нарсаларни ҳимоя қилади, деган танқидлар учраб турибди. Бироқ, эксперт ва мутахассислар буни ушбу масала буйича илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги билан боғлашади. Тадқиқотларнинг аксарияти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш буйича фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини таҳлил қилиш доирасида амалга оширилган бўлиб, унда “жамоат хавфсизлиги” тушунчаси кенг ҳуқуқий нормалар доирасида кўриб чиқилган бўлса, Миллий гвардия органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни масаласи тадқиқотчилар томонидан энди ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси “жамоат хавфсизлиги концепцияси”да [4] “жамоат хавфсизлигига” қуйидаги кенг маънодаги тушунча берилган: жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади, шу боис, уни илмий асослаш ва замонавий шакллантириш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқий ходисалар билан чегараланиш ва муайян алоқаларни ўрнатиш тадқиқот фаолияти учун ҳам, ҳуқуқ учун ҳам, ижро амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг умуман хавфсизликнинг принципиал янги концепциясига ўтиши шароитида ушбу масалани назарий тадқиқ этиш, янги назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, биринчи навбатда, жамиятимиз ва бутун давлат ривожланиши учун ички ва ташқи шароитларнинг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ.

Оддий шароитларда ҳам, фавқулодда вазиятларда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий ва амалий муаммоларнинг долзарблиги бир неча сабабларга кўра юзага келади, хусусан:

давлат бошқаруви органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли субъектларнинг ҳаракатларини самарали амалга ошириш, муайян ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан чеклаш чораларини қўллаш имконини берадиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларга “мухтожлик” сезмоқда;

фаолияти тегишли даражадаги хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини белгилайдиган объектлар ва ҳудудлар тобора кўпайиб бормоқда. Аҳоли хавфсизлигининг тегишли даражасини таъминлаш уларнинг барқарор



фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради;

фавкулудда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлар, бу давлат томонидан қўлланиладиган тегишли маъмурий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳисобланади. Фавкулудда вазият доимо ижтимоий ҳаётнинг беқарорлашиши, унинг одатий ритмининг бузилиши билан бирга келади, бу эса ўз навбатида ушбу чораларни қўллашни тақоза этади.

“Жамоат хавфсизлиги” тушунчасини таҳлил қилишга тўхталадиган бўлсак, шуни такидлаш жоизки, бугунги кунда илмий ишларда ушбу ҳуқуқий тоифани белгилаш бўйича кўплаб қарашлар шаклланган. “Жамоат хавфсизлиги” атамаси илмий билимларнинг турли соҳаларида ва ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан Миллий гвардия органларининг амалий фаолиятида кенг қўлланилади. Бироқ, унинг кенг қўлланилишига қарамай, афсуски, бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги” таърифига ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан “жамоат хавфсизлиги” тушунчасининг мазмунини аниқлаш бўйича илмий адабиётлар, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек ҳуқуқшунослик мактаби вакилларида бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ишларида жамоат хавфсизлигини айрим масалалари келтириб ўтилган. Хусусан, М.Ю.Рустамбаев, С.М.Селиманова, И.Исмоилов, М.Зиёдуллаев, Б.Бердиалиев каби ҳуқуқшунос олимлар ўз ишларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг у ёки бу жиҳатларини баён қилишган бўлишсада, бироқ бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги” таърифига ўз муносабатларини шакллантириш жараёнига фикр ва мулоҳазаларини қатъий билдиришганича йўқ. Бунга сабаб Ўзбекистон Респубикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси энди эълон қилиниб, уни шакллантириш учун илк қадамлар ташланмоқда. Шу муносабат билан биз мазкур масала юзасидан хориж ҳуқуқшунос олимларини “жамоат хавфсизлиги”, “фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини чеклаш” каби категорияларни изоҳлашдаги қарашларига таянамиз.

Жамоат хавфсизлиги масаласини долзарблигини ҳисобга олган ҳолда рус олимлари А. И. Василев, В. Р. Салников ва С. В. Степашиннинг сўзларига кўра, миллий хавфсизлик тоифаси жамоатчилик билан алоқаларнинг ривожланиши билан сезиларли ўзгаришларга дуч келди ва шу муносабат билан биринчи навбатда хавфсизликнинг ўзига хос турлари билан боғлиқ тушунчаларни аниқлаш, сўнгра шу асосда хавфсизликни таъминлаш зарурлигини эътироф қилишган [5. Б.13].

Профессор Л.Л.Поповнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва субъектлардан фойдаланишда, алоҳида шароитлар, табиий офат ёки ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошқа фавкулудда вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими тушунилади [6. Б.699].

Б.Т.Хамхоевнинг фикрича эса, жамоат хавфсизлиги одамларнинг ҳаёти ва соғлигига, уларнинг мол-мулкига таҳдидларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган ажралмас қисмдир [7. Б.40-42].

“Жамоат хавфсизлиги” тушунчаси мазмунида олимларнинг алоҳида гуруҳи уни ҳимоя қилишнинг барча объектларини белгилайди, яъни: жамоат хавфсизлиги - бу одамларнинг ҳаёти ва соғлигига, моддий бойликлар ва атроф-муҳитга таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган органлар ва воситалар тўпламидир, деб фикр билдиришади [8. Б.21-23].

Тадқиқотчи Н.А.Босхамджиева фикрича, жамоат хавфсизлиги қуйидаги институтларни ўз ичига олади: терроризмга қарши кураш институти; экстремизмга қарши кураш институти; жиноий ва бошқа ноқонуний тажовузларга қарши курашиш институти; коррупцияга қарши кураш институти; аҳолини табиий ва техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлардан ҳимоя қилиш институти; ноқонуний миграцияга қарши курашиш институти; жамоат хавфсизлигининг айрим турларини (ёнғин,

кимёвий, биологик, ядровий, радиациявий, гидрометеорологик, саноат ва транспорт хавфсизлигини) таъминлаш институтлари; жамоат хавфсизлигини таъминлашда халқаро хамкорликни ривожлантириш институти; экологик хавфсизлик институти; йўл ҳаракати хавфсизлиги институти; ёнғин хавфсизлиги институти; ахборот хавфсизлиги институти; озиқ-овқат хавфсизлиги институти ва ҳ.к.[9. Б.369].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, албатта, муайян меъёрлар тизими билан тартибга солинади. Бу белги аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширилади. Шунингдек, қонун нормалари фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим миқдордаги жамоат муносабатларини тартибга солиди, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳатти-харакатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича чекловчи вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди, ноқонуний ҳатти-харакатлар турларини белгилайди, яъни фақат қонун нормалари жамоат хавфсизлигига, ҳам оддий ҳаёт шароитида, ҳам фавқулодда вазиятларда хавфсизликка тажовуз қилувчи ҳатти-харакатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилайди.

Ва ниҳоят, шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ҳаётий манфаатларини амалга оширишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, улар ижтимоий имтиёзлар, конституциявий тузум, жамоат тартиби, шахсий дахлсизлик, мулк ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жамиятида жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ асосий сабаблар: ижтимоий-иқтисодий (турмуш даражасининг пастлиги, миллатлараро муносабатларда вужудга келадиган муаммолар, жамиятнинг жуда бой ва жуда камбағаллар табақаларига бўлиниши), жамиятдаги сиёсий беқарорлик, давлат ва қонунга нисбатан нигилизм, мамлакат аҳолисининг чекланган ҳуқуқий маданияти, номукамал қонунчилик, фаолият харажатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ва давлатнинг шахслар ва жамият олдидаги конституциявий жавобгарлигини амалга оширишнинг самарали механизмини мавжуд эмаслиги қабилар келтирилган [10. Б.24]. Кенг маънода жамоат тартиби маълум бир тарзда тартибланган ижтимоий муносабатлар тизимини (мажмуини) ўз ичига олади: иқтисодий, сиёсий, маданий ва ахлоқий ва ҳоказоларни, шу муносабат билан уни конституциявий тузум доирасидаги жамиятдаги шахсларнинг хулқ-атвори қоидалари мажмуи сифатида белгилаш мумкин[11.Б.307]. Б.В.Лазарев, Л.Л.Попов ва Л.М.Розинлар “жамоат тартиби - ижтимоий муносабатлар тизимининг маълум бир сифати бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг шундай тартиблилигидан иборат бўлган, жамият ҳаётининг уйғунлиги ва ритмига, жамоат муносабатлари иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўқинликсиз амалга оширишига ва уларнинг манфаатлари, жамоат ҳамда шахсий тинчлигининг ҳимоя қилинишига олиб келади” деб таъкидлашади [12. Б.171].

Шундай қилиб, “жамоат тартиби” сўзининг кенг маъносида жамиятда мавжуд бўлган, ижтимоий нормаларга, шу жумладан ҳуқуқ нормалари ва жамият қоидаларига мувофиқ ривожланган муносабатларнинг бутун тизими тушинилади

Бу соҳа жамият ҳаётида осойишталик муҳитини, меҳнат ва дам олиш учун нормал шароитларни, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва уларнинг бирлашмалари, муассасалар, жамоат бирлашмалари фаолиятини таъминлаш мақсадида, одамлар ўртасидаги мулоқот жараёнида жамоат жойларида ривожланадиган ижтимоий нормалар билан тартибга солинадиган муносабатлар тизими билан чекланади.

Шуларни ҳисобга олиб, назаримизда жамоат тартиби тушунчасини қуйидаги таъриф кенгроқ қамраб олади: Жамоат тартиби – бу жамоат жойларида одамлар ўртасида вужудга келадиган ва ривожланадиган, қонуний амалга оширилиши шахсий ва жамоат хавфсизлигига риоя этилишини, одамларнинг нормал мулоқотини, шаъни, кадр-қиммати,

ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиниши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, биринчи навбатда, ички ишлар органлари, миллий гвардия, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа фуқаролик ташкилотлари фаолияти билан таъминланган давлат ва жамиятнинг мувофиқлаштирилган ижтимоий-ҳуқуқий жамоат муносабатлари тизимидир.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси 3-қисмига биноан, фавқулодда ҳолатда, ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-737-сонли “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги конституциявий Қонуни [13] фавқулодда ҳолат жорий этиш мақсадини (4-модда) ва фавқулодда режимни жорий этиш ҳоллари ва тартибини (5-модда) белгилайди. Шубилан биргаликда мазкур Қонуннинг 12-моддасида фавқулодда ҳолат жорий этилганда қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар қаторига фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш; фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш эркинлигига нисбатан чекловлар, шунингдек мазкур ҳудудга кириш ва ундан чиқишнинг алоҳида режими, шу жумладан мазкур ҳудудга, зарур бўлганда эса Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши ҳамда ушбу ҳудудларда туришига нисбатан чекловлар; фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга, шу жумладан товарларни реализация қилишга, ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга нисбатан чекловлар; йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар, шунингдек бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишини тақиқлаш ёки чеклаш; транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш ва уларни кўздан кечиришни амалга ошириш; хавfli ишлаб чиқаришлар ҳамда портловчи, радиоактив, шунингдек хавfli кимёвий ва биологик моддалардан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туриш ва ҳ.к. бир қатор вақтинча жорий этиладиган чекловларни ҳам жорий этишни назарда тутди.

Ушбу фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат (4-модда).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида фавқулодда ҳолатлар шароитида инсон ҳуқуқларини чеклаш институтининг ўзига хос қонуниятларини аниқлаш имконини берди.

Қуйида COVID-19 кароновирус инфекцияси сабаб республикада жорий этилган фавқулодда вазият даврида жамоат жойларида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги диаграммаларни келтириб ўтамиз:



Ушбу диаграммадан натижаларидан кўришиб турибдики фавқулодда вазият режими амалда бўлган 2020 йилда бошқа даврларга нисбатан жамоат жойларида содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайган. Бу кўрсаткичга маълум маънода инсон ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар таъсир кўрсатган. Бир вақтни ўзида биз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни сонини камайтириш учун инсон ҳуқуқларини чеклаш лозим деган фикрдан йироқдамиз[3].

Шундай қилиб, инсоннинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш орқали Давлат инсон учун энг муҳимроқ ва қадлироқ бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларнинг сақланишини таъминлайди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Баглай М.В. Глава 4. Основы правового положения личности. Конституционные права и свободы граждан Конституционное право зарубежных стран: Учеб. / Под общ. ред. М.В. Баглая. – М., издательства Норма, 2004. – С. 88//Источник: <https://www.sovremennoepravo.ru/>
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-у., 03/23/837/0241-son // <https://lex.uz/docs/-6445145>;
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва ахборот Бош маркази

маълумотлари. 2024;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон.

5. Васильев А.И., Сальников В.П., Степашин С.В. Национальная безопасность России: конституционное обеспечение. СПб., 1999. С. 13.

6. Административное право/под ред.Л.Л.Попова. – М.: Юрист, 2002. –699 с.

7. Хамхоев Б.Т. Проблемы определения общественной безопасности // Административное право и процесс. 2011. – № 7. – С.40-42.

8. И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев ва бошқалар, Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ИИВ Академияси, 2019. – 414 б;

9. Босхамджиева Н.А. Административно-правовые основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. М., 2013. 369 с.

10. Колонтаевский Ф.Е. Понятие и содержание организации охраны общественного порядка // Теория и практика совершенствования общественного порядка.- М., 2006. - С. 24-30.

11. Административное право зарубежных стран: Учебник / Под ред. А.Н.Козырина и М.А.Шатиной. – М.:Спарк, 2003. – С.307.

12. Лазарев В.В., Попов Л.Л., Розин Л.М. Правовые основы обеспечения общественного порядка. – М., 2007.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.12.2021 й., 03/21/737/1163-сон.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МИРЗАТИЛЛАЕВ Умид

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил изланувчиси (PhD)

E-mail: mirzattillaevumid7@gmail.com

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАР ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** МИРЗАТИЛЛАЕВ У.  
Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар фаолияти тушунчаси ва  
аҳамияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 78-84.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-10>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг функция ва вазифалари, инспектор-психологларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган профилактик чора-тадбирлар асослантилган. Муаллиф мақолада вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологларнинг иш самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларини баён қилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, тарбияси оғир бола, ноқобил ва муаммоли оила, тарбияси оғир болалар билан ишлаш тизими, маҳалла, маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактик чора-тадбирлар.

МИРЗАТИЛЛАЕВ Умид

Самостоятельный соискатель (PhD)

Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

E-mail: mirzattillaevumid7@gmail.com

## ПОНЯТИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ-ПСИХОЛОГОВ ПО ВОПРОСАМ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется правовой статус инспекторов-психологов по делам несовершеннолетних, их функции и задачи, особенности работы инспекторов-психологов с несовершеннолетними, а также обосновываются профилактические меры, которые необходимо осуществлять в этой области. В статье автор излагает свои предложения и рекомендации по проблемам несовершеннолетних с целью повышения эффективности работы инспекторов-психологов и совершенствования их деятельности.

**Ключевые слова:** дети нуждающихся в социальной защиты, трудновоспитуемые

дети, проблемные семьи, система по работе с трудновоспитуемыми детьми, маҳалла, председатель маҳалли, инспектор профилактики, помощник хокима, активист женщин, лидер молодежи, меры профилактики.

**MIRZATILLAYEV Umid**

Researcher (PhD),

The University of Public Safety Republic of Uzbekistan

E-mail:mirzatillaevumid7@gmail.com

## THE CONCEPT AND IMPORTANCE OF THE ACTIVITIES OF INSPECTORS- PSYCHOLOGISTS ON MINORS ISSUES

### ANNOTATION

This article analyzes the legal status of inspector-psychologists for juvenile affairs, their functions and tasks, features of the work of inspector-psychologists with minors, and also substantiates the preventive measures that need to be implemented in this area. In the article, the author outlined the suggestions and recommendations of the juvenile affairs inspector to increase the effectiveness of psychologists and improve their work.

**Keywords:** children in need of social protection, difficult-to-educate children, problem families, system for working with difficult-to-educate children, mahalla, mahalla chairman, prevention inspector, assistant khokim, women's activist, youth leader, preventive measures.

2024 йилнинг 5 февralида Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида вояга етмаганлар билан ишлаш тизими қаттиқ танқид қилиниб, келгусида вояга етмаганлар ишлари билан Миллий Гвардия ходимлари шуғулланиши таъкидлаб ўтилди [1]. Шундан сўнг Ички ишлар вазирлиги тизимидаги 2000 та штат бирлигидан иборат бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими Миллий Гвардия тизимига ўтказилди. Эндиликда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги билан Миллий Гвардия ходимлари шуғулланиб келмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби Миллий гвардия органлари тизимини ҳам бугунги кундаги халқчил тузилмага айлантириш ва уларнинг фаолиятининг такомиллаштириш долзарб масалалардан бири саналади. Чунки, бугунги кунда нафақат вояга етган балки мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар ҳатто олий муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни таълим олишига муносабати, уларнинг руҳий ҳолати ҳамда турли нотўғри йўлларга кириб кетмаслиги учун ҳам таълим муассасаларига бириктирилган ички ишлар органлари тизимидаги инспектор-психологларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 февралдаги “Вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига ўтказилиши умумий ўрта таълим мактабларида “Хавфсиз таълим” тамойили асосида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг барвақт профилактикасини ташкил этишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Миллий гвардиясининг 2024 йил 26 февралдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни таълимга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги 4/5-сон қарорига

мувофиқ, республика умумий ўрта таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари фаолият кўрсатишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Инспектор-психологлар жиноят содир этган вояга етмаганларга хос бўлган антисоциал (жамиятга зид) хулқ-атворнинг келиб чиқишининг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мактабларда асосий субъект ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонунининг [2] 20-моддасида эса, якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилиши белгиланган. Хусусан,

- назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;
- ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;
- таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;
- амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо қўлламастан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;
- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар;
- жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;
- мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;
- жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;
- ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар;
- шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;
- руҳий ҳолатининг бузилганлиги туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар;
- якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарорининг [3] 6-банди билан “2021 йилда умумий ўрта таълим муассасаларининг 2 000 та психолог штат бирлигини жорий йилнинг 1 июлидан қисқартириш эвазига, 100 та инспектор-психолог штат бирлиги киритилиши ва 2022 йилда қўшимча 900 та штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони 2 000 тагача етказиш” вазифаси белгилаб берилган.

Мазкур масалани янада очиқроқ ватаншунарли талқин қилишда айрим тушунчаларнинг луғавий маъносига тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, инспектор – лотинча сўз бўлиб,



“inspector” кузатувчи, текширувчи, назоратчи маъноларида қўлланилади. Муайян соҳага қарашли орган ва шахслар фаолиятини тўғрилигини ёки мавжуд қонунларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи мансабдор шахс ҳисобланади [4. Б.250.].

Психолог – психология бўйича олим-мутахассис ҳисобланиб, кишининг руҳиятини яхши биладиган, шунга қараб муомала қиладиган сезгир одам. Профилактика эса – “сақловчи”, “олдини олувчи” маъноларида қўлланиб, бирор ҳодисани олдини олиш, механизм кабилар тушунилади [5. Б.316.].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарорининг [6] 3-бандига кўра, 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан қаровсиз болалар билан ишлаш тизимида вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш бўйича, “вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан – таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари томонидан – хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан – оилаларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аниқланиши белгиланган. Бу эса, ҳозирги кунда инспектор психолог ходимларини фақат бириктирилган ёки хизмат олиб борилаётган ҳудудида иш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олган.

Инспектор-психологларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган: вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш;

мактабгача таълим, умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида тадбирларни ташкил этиш;

таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда вояга етмаганларда қонунбузилишларга муросасиз бўлиш ҳиссини шакллантириш;

муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш;

ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ўқувчилар тарбиясига хавф солаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

ўқувчилардаги барча салбий ҳолатлар ва мойилликларнинг олдини олиш бўйича таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда педагог ходимлар ва ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

инспектор-психолог фаолият олиб бораётган маҳаллалардаги ҳулқида ва юриш-туришида ўзгариш кузатилган ўқувчиларнинг оиласидагилар билан индивидуал суҳбатлар олиб бориш ҳамда уларга психологик тавсиялар бериш, уларга ҳар ойда камида бир марта психологик маслаҳат бериш ишларини ташкил этиш;

турли давлатлардан инсонпарварлик акцияси доирасида Ўзбекистон Республикасига қайтарилган болалар ҳамда ўқувчилар билан тизимли ишлаш ва уларга психологик ёрдамлар кўрсатиш;

ўқувчиларнинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;

умумий ўрта таълим мактабида ички назоратида ўқувчилар билан тизимли ишлаш ҳамда ушбу ўқувчиларни ички назоратдан чиқариш;

таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида суицид ҳолатларига мойилликни барвақт аниқлаш, ушбу ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда суицид ҳолатларига мойил ўқувчилар билан коррекцион машғулотларни олиб бориш;

ўқувчилар ҳулқ-атворидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, руҳий зарба, низо, салбий эмоционал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш;

мутасадди идора ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органлар ходимларини жалб этган ҳолда, ота-оналар билан учрашувлар, суҳбатлар, семинар-тренинглар, мунозаралар ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, тақдимотлар ва видеофильмлар намоишларини ўтказиш;

таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда тарбиясида салбий ҳолатлар мавжуд бўлган ўқувчилар билан коррекцион ишларни амалга ошириш;

вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этилишининг олдини олиш, бунга сабаб бўлган сабаблар ва шароитларни аниқлаш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишни бевосита таълим муассасаси ходимлари томонидан амалга оширилишини ташкил этиш;

дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни, аниқлаш, дарсларга қатнашмаслик сабабларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишга тўсқинлик қилаётган омилларни мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш;

вояга етмаганнинг психологик-педагогик хусусиятларини, унинг микро муҳитини ўрганиш (оилага ташриф буюриш, ўсмир ва ота-оналар билан индивидуал суҳбатлар), ўқувчилар қизиқиш ва эҳтиёжларни, қийинчиликлар ва муаммоларни, зиддиятли вазиятларни аниқлаш (анкеталар, ўқувчи, синф раҳбари ва бошқа ходимлар билан индивидуал суҳбатлар);

ўқувчиларнинг ижтимоий портретини тузиш (ўқувчилар билан тренинглар, индивидуал суҳбатлар, тузатиш машғулотларини ўтказиш);

ўқувчилар оиласининг индивидуал психологик-педагогик харитасини тузиш (оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-оналар ва бола ўртасидаги мулоқотни коррекциялаш, индивидуал консультациялар, тест сўровномалар ўтказиш);

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш, зарурий ҳолларда вояга етмаган билан ишлаш учун тегишли хизматларни жалб қилиш;

таълим муассасаларини ўқувчиларнинг психологик-педагогик коррекция натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича таълим муассасалари йиғилишларида қатнашиш, рўйхатдан чиқариш бўйича таклифлар киритиш.

Санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосан инспектор-психологлар зиммасига ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифаларини юклаш белгиланди. Аммо ҳозирги кунга қадар ички ишлар органлари тизимида инспектор психологларни ҳали-ҳануз асосий вазифалари белгиланмаганлиги, уларнинг таълим муассасаларида турли даражадаги ҳуқуқбузарликларга ёки маълум бир вазифаларни бажариш жалб этаётганлиги икки мингдан ортиқ ходимларни иш самарадорлигини оширишига тўсқинлик қилмоқда.

Хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, АҚШнинг Флорида штати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда давлат ва хусусий секторда жорий этилган “Ҳуқуқий таълим дастури” ҳам эътиборга лойиқ. Айнан 7-8-синф ўқувчиларига мўлжалланган ушбу дастур шахснинг жамиятдаги қадриятлар тизимида тутган ўрни, фуқаронинг мажбуриятлари ва жиноят ҳуқуқи асослари, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларни кутаётган жазога доир билимларни шакллантиришга қаратилган. Ўрганилган дастурларнинг барчаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга шу орқали жиноятчиликни олдини олишга махсус йўналтирилганлигини кўриш мумкин [7, – С. 195.].

Демак, ички ишлар органлари тизимида инспектор психолог ходимларининг иш самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан

қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин. Жумладан,

биринчидан, мамлакатимизда Миллий Гвардия тизимида инспектор психолог ходимларининг асосий функционал вазифаларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш зарурияти мавжудлиги;

иккинчидан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноятни фавқулодда ҳолат деб билиш ва инспектор психологлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва уларнинг бажарилиш механизмлари устидан таъсирчан чораларни кучайтириш шартлиги;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори мазмунида вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси (Бош прокурори ўринбосари) раҳбарлик қилиши белгиланган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни мазмунига ҳозирги кунга қадар, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар тизимига “Прокуратура органларининг ваколати”ни киритиш зарурлиги;

тўртинчидан, вояга етмаган ўртасида ижтимоий тармоқлардаги турли салбий видеоролик жойлаштирилаётганлиги сабабли суицидал ҳурк-атворга оид ҳолатлар авж олиб, уларнинг сони ошиб боришига қарши кескин чора-тадбирларни белгилаш орқали, бундай жиноятлар сонини пасайтиришга эришиш лозимлиги;

бешинчидан, АҚШ давлатида мактабда фаолият олиб борувчи полиция ходимлари аҳоли билан яқинлашиши ва вояга етмаганлар томонидан баъзи жиноятлар ҳақида етарли билим яъни, иммунитетга эга бўлишлари учун Ўзбекистонда ҳам 8-9-10-11-синф ўқувчиларига ўғрилиқ, гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлаш, сотиш ва истеъмол қилмаслик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш ҳамда тан жароҳати етказиш жиноятлари юзасидан бевосита ички ишлар органлари тизимида хусусан, инспектор психологлар ва тегишли соҳа ходимлари, мутахассислар хизмат кийимида ёшларга мос келадиган ҳолда семинар, маъруза ўтказишларига эҳтиёж борлиги ҳамда ушбу тадбирларнинг ташкил этиш натижасида аҳолининг ёшлигидан ички ишлар органлари ходимлари билан яқин муносабатда бўлишини таъминлаши учун кўникма шаклланиши;

олтинчидан, Миллий Гвардия тизимида инспектор-психолог ходимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, интернатлар, лицейларда юқоридаги санаб ўтилган вазифаларни бажариши, мамлакатимиздаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир ҳудудларга албатта ўз натижасини бериши ва ёш авлодларимизни қонунчилигимизга риоя этиш маданиятини, иммунитетни шаклланишига олиб келади.

еттинчидан, Миллий Гвардия тизимидаги инспектор психологларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш мақсадида уларга вояга етмаган шахсларга нисбатан қонуний чора кўриш, ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш ваколатларини берувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Илгари сурилаётган таклиф ва тавсиялар келгусида Миллий Гвардиянинг вояга етмаганлар бўйича инспектор психологларига мотивация бўлиш билан бирга уларни соҳага бўлган қизиқишига ҳамда вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни камайишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. // URL: <https://iibb.uz/uz/news/videoselektor-05022024>.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-263-сон 29.09.2010 // URL: <https://lex.uz/acts/1685726>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойатчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. ПҚ-5050-сон 02.04.2021 // URL: <https://lex.uz/ru/docs/5353841>.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006. 250 б // URL: <file:///C:/Users/User/Downloads/c5a272d1-2379-494f-b4cd-86bfb93aeab1.pdf>.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2007. 316 б // URL: <file:///C:/Users/User/Downloads/a19c2b17-7557-4c60-b2c6-67d1c64c5bd4.pdf>

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 490-сон 03.08.2021. URL: <https://lex.uz/ru/docs/5550539>.

7. Дородонова Д.Н. Регулирование вопросов по организации профилактики правонарушений несовершеннолетних в зарубежном законодательстве: история и современность // Вестник Саратовской государственной юридической академии. – 2017. – № 5 (118). – С. 195.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна**

И.о. профессора кафедры Международного права и прав человека  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук (DSc)  
e-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

### АНАЛИЗ СОДЕРЖАНИЯ И ОСНОВНЫХ ПРИНЦИПОВ ПРАВА НА ЗДОРОВЬЕ В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ГАФУРОВА Н.Э. Анализ содержания и основных принципов права на здоровье в системе международного права прав человека // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) С. 85-95.



6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-11>

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье осуществлен сравнительно-правовой анализ содержания и основных принципов права на здоровье, которое представлено в качестве самостоятельной категории в системе современного международного права прав человека. Исходя из сложной правовой природы права на здоровье, характеризующейся комплексным характером регулирования, определено, что качество его реализации отражается в реализации многих других прав человека. При этом, особенностью права на здоровье является комплекс индивидуальных прав и обязанностей, а также государственных и даже международных обязательств, которые вместе направлены на обеспечение глобального и индивидуального здоровья. В связи с этим выявлено, что в условиях постоянного возникновения особых (чрезвычайных) ситуаций ключевой проблемой является вопрос о справедливом соотношении прав и свобод индивида с правами и интересами других индивидов, а также с интересами общества и государства. С учетом этих вопросов, разработаны основные принципы права на здоровье.

**Ключевые слова:** право на здоровье, самостоятельная правовая категория, политика в области здравоохранения, достойные условия жизни, охрана здоровья, принципы права на здоровье, индивидуальные права и обязанности, государственные и международные обязательства, обеспечение глобального и индивидуального здоровья.

**GAFUROVA Nozimaxon Eldarovna**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
“Xalqaro huquq va inson huquqlari” kafedrasi  
professori v.b., yuridik fanlari doktori (DSc)  
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

## XALQARO INSON HUQUQLARI TIZIMIDA SOG'LIQQA BO'LGAN HUQUQNING MAZMUNI VA ASOSIY TAMOYILLARINI TAHLIL QILISH

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada zamonaviy inson huquqlarining xalqaro huquq tizimida mustaqil kategoriya sifatida taqdim etilgan sog'liqqa bo'lgan huquqning mazmuni va asosiy tamoyillari qiyosiy-huquqiy tahlil qilingan. Sog'liqqa bo'lgan huquqning murakkab huquqiy tabiatidan kelib chiqib, tartibga solishning kompleks xususiyati bilan tavsiflanadi, uni amalga oshirish sifati boshqa ko'plab inson huquqlarini amalga oshirishda aks etishi aniqlandi. Shu bilan birga, sog'liqqa bo'lgan huquqning o'ziga xos xususiyati, individual huquq va majburiyatlar, shuningdek, davlat va hatto xalqaro majburiyatlar majmuidir, ular birgalikda global va individual salomatlikni ta'minlashga qaratilgan. Shu munosabat bilan alohida (favqulodda) sharoitlarning doimiy paydo bo'lishi davrida individ huquq va erkinliklarining boshqa individ bilan yoki individ huquq, erkinlik va manfaatlarining jamiyat bilan yoki davlat bilan adolatli nisbatini aniqlash masalasi dolzarb muammo ekanligi namoyon bo'ldi. Ushbu masalalarni inobatga olgan holda sog'liqqa bo'lgan huquqning asosiy tamoyillari ishlab chiqildi.

**Kalit so'zlar:** sog'liqqa bo'lgan huquq, mustaqil huquqiy kategoriya, sog'liqni saqlash sohasidagi siyosat, munosib turmush sharoiti, salomatlikni muhofaza qilish, sog'liqqa bo'lgan huquq tamoyillari, individual huquq va majburiyatlar, davlat va xalqaro majburiyatlar, global va individual salomatlikni ta'minlash.

**GAFUROVA Nozimakhon**

Professor at Tashkent State University of Law, Doctor of Law

E-mail: [gafurovanozimakhon@mail.ru](mailto:gafurovanozimakhon@mail.ru)

## ANALYSIS OF THE CONTENT AND BASIC PRINCIPLES OF THE RIGHT TO HEALTH IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL HUMAN RIGHTS LAW

### ANNOTATION

This article provides a comparative legal analysis of the content and basic principles of the right to health, which is presented as an independent category in the system of modern international human rights law. Based on the complex legal nature of the right to health, characterized by the complex nature of regulation, it is determined that the quality of its implementation is reflected in the realization of many other human rights. At the same time, the peculiarity of the right to health is a set of individual rights and obligations, as well as state and even international obligations, which together are aimed at ensuring global and individual health. In this regard, it has been revealed that during the period of constant occurrence of special (emergency) conditions, the cornerstone problem is the question of determining a fair ratio of the rights and freedoms of an individual with another individual, or the rights, freedoms and interests of an individual with society, or the state. With these issues in mind, the basic principles of the right to health have been developed.

**Keywords:** the right to health, an independent legal category, health policy, decent living conditions, health protection, principles of the right to health, individual rights and obligations, state and international obligations, ensuring global and individual health.

Современное международное право прав человека направлено на обеспечение наилучшей достойной жизни населения земли путем реализации и защиты целого комплекса прав и свобод человека на международном уровне, одним из которых является право на здоровье. Кроме того, в концепции современного международного права прав

человека самоцелью уже не ставится просто выживание и обеспечение минимальных человеческих условий для выживания, и уже общечеловеческие ценности и требования поднялись на более высокую планку, требующих уже более серьезных усилий от международного сообщества и государств в целом.

Право на достойную качественную жизнь может быть реализовано путем предоставления каждому человеку надлежащих условий и равного доступа к возможностям для удовлетворения не только всех первичных жизненных потребностей, а обеспечения достойных условий в труде, охране здоровья, питании, жилище, образовании и культуре, экологических условиях стабильно и гарантированно, с динамичным развитием в будущее и законодательно обеспеченным настоящим.

Основываясь на этом базовом глобальном подходе международной системы прав человека, международное право прав человека определяет права и свободы человека, классифицируя их по сфере регулирования.

В международном праве прав человека совсем до недавнего времени гражданские и политические права определялись в качестве «первичных» прав по сравнению с экономическими, социальными и культурными правами. Экономические, социальные и культурные права зачастую рассматривались фактически в качестве «второразрядных прав», которые в принципе, не подлежащие обязательному исполнению и рассмотрению в судебном порядке, в отличие от гражданских и политических прав. Соответственно, реализацию этих прав можно было переносить на «дальнейшее рассмотрение».

Говоря о природе права на здоровье, важно обратить внимание на то, что благодаря тому, что социально-экономические права приобрели новый статус в контексте современного постулата глобальной системы прав человека, сформулированного еще в 1948 году при принятии Всеобщей декларации прав человека пунктом 1 резолюции 32/130 Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1966 года, и подтверждающего «принцип неделимости и взаимозависимости гражданских и политических прав и экономических, социальных и культурных прав» [1] начал реально работать только в последние годы, в момент признания, развития и становления третьего поколения прав человека. Хотя реальное возникновение и становление права на здоровье можно отнести ко второму поколению прав человека, но в действительности, оно стало работать и активно признаваться международным сообществом только в период развития третьего поколения прав человека, с чего и началось признание новых прав человека современной цивилизации.

Сложная природа права на здоровье, в первую очередь, характеризуется комплексным характером регулирования, именно поэтому качество его реализации отражается в реализации многих других прав человека. Договорные органы по правам человека объясняют это тем, что право каждого на здоровье, должно обеспечиваться с помощью целого ряда взаимодополняющих подходов и мер, таких, как определение политики в области здравоохранения, обеспечивающие ему достойные условия жизни и охраны здоровья, реализация программ специализированных учреждений ООН по охране здоровья, выполнение рекомендаций договорных органов ООН, резолюций Совета по правам человека, рекомендаций Специального докладчика и других специальных процедур, или принятием конкретных правовых договоров. Кроме того, реализация права на здоровье включает ряд конкретных компонентов и факторов, направленных на её осуществление, которые должны гарантироваться государством и иметь правовые основы как на международном, так и на национальном уровне. Например, ряд этих компонентов указывается в Целях устойчивого развития ООН, большинство из которых отражены в государственных программах Республики Узбекистан.

С другой стороны, очевидно, что эффективная реализация права на здоровье взаимосвязана с реализацией других смежных прав и свобод, таких как право на жизнь и человеческое достоинство, безопасное и качественное питание, на чистую воду, адекватные жилищные условия, безопасный труд, образование, недискриминацию,

равенство, на приватность частной жизни, доступ к информации, а также свободу от пыток, свободу ассоциации, собраний и передвижения.

Изучая содержание права на здоровье, мы столкнулись на интересный исторический факт. Оказывается, при подготовке проекта статьи 12 Международного пакта по экономическим, социальным и культурным правам Третий комитет Генеральной Ассамблеи отказался от определения здоровья, закрепленного в преамбуле Конституции ВОЗ, в которой под здоровьем понимается «состояние полного физического, душевного и социального благополучия, а не только отсутствие болезней и физических дефектов». Это было обусловлено тем, что статья 12 Пакта на «наивысший достижимый уровень физического и психического здоровья» не ограничивается лишь правом на охрану здоровья. Напротив, согласно толкованиям Комитета данной статьи, по формулировке и содержанию статьи 12 очевидно, что право на здоровье включает в себя очень широкий спектр социально-экономических факторов, создающих условия, позволяющие людям жить здоровой жизнью. Согласно Замечаниям общего порядка 14 [2] и 15 [3] право на здоровье охватывает ряд таких основополагающих факторов, как предпосылки здоровья, пища и режим питания, жилище, доступ к безопасной питьевой воде и адекватным санитарным условиям, безопасные и здоровые условия труда и здоровая окружающая среда.

Следовательно, особенностью права на здоровье является комплекс индивидуальных прав и обязанностей, а также государственных и даже международных обязательств, которые вместе направлены на обеспечение глобального и индивидуального здоровья. Также в число прав человека на здоровье входит право каждого человека на использование целого ряда учреждений, товаров, услуг и условий, например, таких как доступ к лекарственным средствам, к безопасной пище, воде и другим жизненно необходимым благам факторов, которое государство обязано обеспечить для достижения наивысшего достижимого уровня здоровья.

Если смотреть более глобально, то в обеспечении права на здоровье, необходимо понимать, что существуют такие факторы, которые напрямую отражаются в реализации данного права, и это такие социальные факторы, как насилие в любом проявлении, экологические проблемы, чрезвычайные ситуации, включая пандемию, вооруженные конфликты [4]. Все это отражено в Рекомендациях общего характера №14 Комитета по экономическим, социальным и культурным правам, где право на здоровье, определяемое в пункте 1 статьи 12 [5], включает в себя не только право на своевременные и адекватные услуги в области здравоохранения, что является объектом регулирования медицинского права, но и на такие основополагающие предпосылки здоровья, как доступ к безопасной питьевой воде и адекватным санитарным услугам, достаточное снабжение безопасным продовольствием, питание и жилищные условия, безопасные условия труда и окружающей среды, а также доступ к просвещению и информации в области здоровья, в том числе полового и репродуктивного здоровья, что является объектом регулирования прав человека как на международном, так и на национальном уровне. Кроме того, Комитет подчеркивает, что участие населения в принятии решений по аспектам права на здоровье, является его важным компонентом.

В пункте 9. доклада Специального докладчика по вопросу о правах инвалидов [6], отмечается, что право на здоровье признано в ряде международных и региональных договорах по правам человека: Всеобщая декларация прав человека (статья 25.1), Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (статья 12), Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации (статья 5 (e) (iv)), Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (статьи 11.1 (f) и 12), Конвенция о правах ребенка (статья 24), Международная конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей (статьи 28, 43.1 (e) и 45.1 (c)), Конвенция о правах инвалидов (статья 25), Европейская социальная хартия (пересмотренная) (статья 11), Дополнительный протокол к Американской конвенции по правам человека в области экономических, социальных и культурных прав (статья 10)



и Африканская хартия прав человека и народов (статья 16). Докладчик также отмечает, то согласно пункту 8 Замечания общего порядка № 20 Комитета по экономическим, социальным и культурным правам (E/C.12/2000/4) оно включает как свободы, так и производные права [7]. К свободам относятся право на недискриминацию, на принятие решений, влияющих на здоровье и физическую неприкосновенность личности, на свободное и информированное согласие, право не подвергаться без свободного согласия медицинскому лечению или научным опытам и право на свободу от пыток и жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. К производным правам относятся право на первичную медико-санитарную помощь и на доступ к основным лекарствам. Право на здоровье охватывает основополагающие детерминанты здоровья, такие как доступ к безопасной питьевой воде и адекватным санитарным услугам, достаточное снабжение продовольствием, питание и жилищные условия, безопасные условия труда и окружающей среды, а также доступ к просвещению и информации в области здоровья.

Говоря об условиях, которое государство обязано обеспечить для реализации права на здоровье во всех его формах и на всех уровнях, необходимо выделить ряд взаимосвязанных базовых элементов, зависящих от условий, созданных в конкретном государстве-участнике договора. К таковым можно отнести такие элементы, как наличие [8], доступность, обусловленную таким аспектами как, недискриминация, физическая доступность, экономическая доступность, доступность информации, приемлемость, качество.

Отдельные направления, на которые нужно обратить особое внимание, исходящие из эффективной реализации прав, заключенных в Статье 12 Пакта, имеющие широкое применение в законодательствах государств-участников основополагающие принципы права на здоровье, к которым можно отнести в первую очередь, принцип недискриминации, равного обращения, равного доступа, пропорциональности и соразмерности (при введении временных мер).

Международный пакт по экономическим, социальным и культурным правам в статье 2 запрещают любую дискриминацию со стороны государства-участника при реализации прав, отраженным в Пакте, в также обязывает государства обеспечить равное для всех право пользования всеми экономическими, социальными и культурными правами, предусмотренными в настоящем Пакте.

В Пункте 12 Замечания общего порядка № 3, подчеркивается, что даже в периоды острой нехватки ресурсов наиболее уязвимые члены общества должны быть защищены путем принятия сравнительно недорогостоящих целевых программ. Здесь, в первую очередь государство обязано принять решение, которое будет обеспечивать право на здоровье и в самые затруднительные для всех времена, в периоды конкретных чрезвычайных ситуаций. Именно в такие периоды возникают острые проблемы при обеспечении равного доступа к здравоохранению, к качественному медицинскому обслуживанию, а также равному доступу к лекарственным средствам. Здесь необходимо разработать комплексные национальные механизмы обеспечения доступа к факторам, предопределяющим само право на здоровье. Для расширения и гарантирования этих прав в первую очередь требуется гарантийный механизм в виде обязательного или государственного медицинского страхования всех граждан.

Например, в Заключительных замечаниях по третьему периодическому докладу Республики Узбекистан Комитета по экономическим, социальным и культурным правам [9], отмечается, что Комитет принимает к сведению наряду с прочими, информацию государства-участника о принятии Стратегии социальной защиты населения Республики Узбекистан (2021-2030 годы) [10] и внедрении первого этапа системы обязательного медицинского страхования. Комитет рекомендует государству-участнику эффективно осуществлять свою Национальную стратегию социальной защиты, в том числе путем создания четкого координационного и административного механизма, с целью охвата всех слоев населения, особенно тех, кто занят в неформальном секторе, и ускорения

внедрения обязательного медицинского страхования. В нем также рекомендуется обеспечить надлежащий уровень социальной защиты Е/С.12/УЗВ/СО/37 пособий для инвалидов, пожилых людей, рома/люди, беженцев и лиц, ищущих убежища, и проводить периодические перерасчеты социальных пособий. Комитет отсылает государство-участник к своему замечанию общего порядка № 19 (2007) о праве на социальное обеспечение и своему заявлению, принятому в 2015 году и озаглавленному «Минимальные уровни социальной защиты: важнейший элемент права на социальное обеспечение и целей устойчивого развития» (Е/С.12/2015/1). 23. Комитет рекомендует государству-участнику создать национальные правовые и политические рамки в соответствии с международными стандартами для беженцев и лиц, ищущих убежища, с целью обеспечения их доступа к занятости, социальной помощи, образованию и медицинским услугам.

Для реализации этих замечаний был принят Национальный план действий на 2022-2026 годы по реализации заключительных рекомендаций Комитета ООН по экономическим, социальным и культурным правам по итогам рассмотрения Третьего периодического доклада Республики Узбекистан по выполнению положений Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах [11].

Еще одним важным вопросом, требующим обсуждения, является проблема ограничения прав человека, права на здоровье. Известно, что иногда, при чрезвычайных или других особых ситуациях, в целях обеспечения охраны здоровья населения государство может принимать определенные по ограничению реализации других основных прав. Для того, чтобы понять сущность ограничений прав человека, целесообразно обратиться к толкованию Комитетом статьи 4 Пакта, где отмечается, что ограничения допустимы исключительно с целью способствовать общему благосостоянию в демократическом обществе, а также быть законными и пропорциональными. Соответственно, ограничение свободы передвижения в период пандемии, например, вводится с целью изолировать общество от распространения пандемии среди населения, то есть здесь цель – общественное благосостояние. Со стороны международных организаций разрабатываются и принимаются регламенты и руководства, которые определяют конкретные условия, сроки и осуществляют надзор за введением ограничительных мер. Нормативно-правовые акты по введению временных ограничительных мер должны соответствовать этим требованиям и другим стандартам, отраженным в международных договорах.

Кроме того, они не предполагают введения ограничений на права, касающиеся существования или выживания индивида, или его личной неприкосновенности.

Насегодняшний день, в условиях постоянного возникновения особых (чрезвычайных) ситуаций, краеугольной проблемой становится вопрос определения справедливого соотношения прав и свобод индивида с правами и интересами других индивидов, а также с интересами общества и государства. В подобных случаях, ни одно государство не должно забывать главный постулат прав человека: приоритет права индивида. Никто не может быть принесен в жертву в пользу общества. Поэтому, все ограничения и меры вводятся на основе права каждого на жизнь.

В период пандемии коронавируса COVID-19 возник вопрос правомерности ограничительных мер с позиций международного права касательно, например, свободы передвижения в условиях пандемии. Ряд исследователей полагает, что введенный во многих странах запрет для граждан на зарубежные поездки является чрезвычайно жесткой и необоснованной мерой ограничения индивидуальной свободы, которая противоречит международному праву и приводит к ненужной экономической изоляции [12]. Например, закрытие границ и ограничение свободы передвижения граждан создало препятствия также для передвижения медицинских работников, ограничило доступ к получению средств индивидуальной защиты и необходимых лекарств. Возникли проблемы для людей, находящихся за рубежом, в том числе у студентов и трудящихся-

мигрантов.

Очевидно, что в международном праве имеется большой пробел в сфере правового регулирования пандемий, подобных коронавирусу, в связи с чем, Генеральная Ассамблея ООН приняла Резолюцию под названием «Глобальная солидарность в борьбе с коронавирусной болезнью COVID-19», где целью определено «активизировать международное сотрудничество в целях сдерживания пандемии». Принципы действий при чрезвычайных ситуациях в сфере медицины и способы реагирования на них отражены в Конвенции о защите прав и достоинства человека в связи с применением достижений биологии и медицины. Кроме того, со стороны ВОЗ были разработаны рекомендации и руководства в области права на здоровье и лечения больных коронавирусом (стандарты, протоколы и клиническое руководство ВОЗ по COVID-19, разработанный в марте 2020 г.). Также в рамках Совета Европы и Европейского союза приняты регламенты, Свод принципов и правил в контексте пандемии коронавирусной инфекции (COVID-19) и др.

Выявлено, что правовые принципы действий при чрезвычайных ситуациях в сфере медицины и способы реагирования являются важнейшими принципами права на здоровье. В нашей работе мы сделали упор на анализ принципа справедливости, пропорциональности который подразумевает в себе регулирование ограничений прав человека, в частности права на здоровье.

В результате анализа, выявлено, что в доктрине международного права прав человека сформированы основные принципы, на которые необходимо опираться при введении ограничительных мер в определенные периоды, такие как принцип соразмерности, законности, правопорядка, уважения чести и достоинства, принцип справедливости и права на доступ к правосудию.

Именно принцип соразмерности определяет пределы властных полномочий органов государства и меру допустимости ограничений прав человека. В настоящее время принцип соразмерности введен в качестве конституционной нормы в конституции многих государств, таких как, Австрия, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Великобритания, Германия, Греция, Дания, Израиль, Индия, Ирландия, Испания, Италия, Канада, Колумбия, Люксембург, Мексика, Нидерланды, Перу, Португалия, Россия, США, Франция, Чили, Швейцария, ЮАР, Южная Корея и др.

Анализ опыта зарубежных стран показал, что ни в одном государстве не имелось специальных правовых рычагов, комплексно регулирующих здравоохранение во время пандемии, и во всех странах в зависимости от масштаба были приняты временные меры, ограничивающие такие права человека, как свобода передвижения, защита персональных данных.

Халқаро ҳуқуқда “жиноят таркиби” категорияси ўз моҳиятининг асосий вазифасини йўқотмаган ҳолда, муайян ўзига хосликка эга бўлади. Яъни, у биринчидан, халқаро жиноятларнинг, хусусан, ҳарбий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, турли миллий-ҳуқуқий тизимларда жиноят-ҳуқуқий категорияларни талқин қилишдаги фарқларни, ушбу тизимларнинг халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқиш, уларни шарҳлаш ва қўллашга ўз таъсирини ўтказди.

Ўз навбатида, жиноят таркиби объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат бўлади, бироқ Англия, АҚШ ва умумий ҳуқуқ тизимининг бошқа мамлакатлари жиноят ҳуқуқида жиноят таркиби икки элементли бўлиб, фақат жиноий қилмиш (*actus reus*) ва айбли муносабатни (*mens rea*) назарда тутди. Ушбу белгиларнинг талқини, уларни жиноят қонунчилигида ифодалаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида талқин этишга ёндашувлар континентал ҳуқуқ тизими мамлакатларидаги ёндашувдан сезиларли

даражада фарқ қилади [12. С. 58; 13. С. 1198].

Адабиётларда Халқаро жинойт судининг Рим статутида акс эттирилган халқаро жинойт ҳуқуқининг мустақиллиги, унинг тизимини ҳам умумий, ҳам континентал ҳуқуқ доктриналарини ҳисобга олган ҳолда ўз асосига халқаро ҳуқуқнинг жинойтларни баҳолашнинг махсус концепциясига эътибор қаратишади [21. С. 25; 6; Р. 385; 10]. Шу билан бирга, халқаро жинойт одил судлов институтлари амалиётида кўпинча миллий ҳуқуқда ишлаб чиқилган юридик конструкциялардан фойдаланилади, бунда судьялар таркибини ҳисобга олган ҳолда, умумий ҳуқуқ тизими мамлакатларида ишлаб чиқилган ҳуқуқий нормаларга, шу жумладан, прецедентга мурожаат қилиш устунлик қилади. Бинобарин, турли ҳуқуқий тизимларда жинойт таркиби белгилари талқинидаги терминологик фарқлар халқаро жинойт ҳуқуқи бўйича жинойт жавобгарликни келтириб чиқарувчи жинойт қилмишнинг моҳияти, тизимли белгиларини эътиборсиз қолдиришга олиб келмаслиги керак.

Айни пайтда, халқаро ҳуқуқда жинойт таркиби тушунчасининг таҳлили қилмишни жинойт сифатида белгилаш учун қуйидаги белгилар мавжудлигини аниқлашни тақозо этади, яъни: 1) қилмишнинг жаҳон ҳуқуқ-тартиби, умуман жаҳон ҳамжамияти учун ёки умуман халқаро ҳуқуқ тизими томонидан қўриқланадиган манфаатлар учун хавфлилиги; 2) халқаро ҳуқуқ нормалари талабларини бузиши; 3) айблилик ва 4) жазонинг муқаррарлиги. Ушбу қондани инobatга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқда ҳарбий жинойтларнинг таркиби “халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган, қилмишни ҳарбий жинойт сифатида тавсифловчи объектив ва субъектив белгиларининг йиғиндиси” сифатида таърифланади. Хусусан, бу борада, Д. Облакулов ва И. Мустановларнинг ёзишича, халқаро ҳуқуқ нормаларига бўйича жинойт таркибининг тузилиши жинойт ҳуқуқи назариясида умумий қабул қилинган жинойт таркибининг тузилишига (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон) мос келади [11. В. 45]. Ҳолбуки бунда эътиборга олиш зарурки, давлат ички жинойт ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, халқаро жинойт ҳуқуқида жинойтлар субъектлари сифатида нафақат жисмоний шахслар, балки давлатлар ҳам, баъзи ҳолатларда юридик шахслар ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Бунда давлат учун фақат халқаро жинойт содир этилгандагина жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ҳарбий жинойтларнинг ижтимоий хавфи юқори бўлганлиги сабабли, халқаро ҳуқуқ нормаларида “жиддий” ва “жаҳон ҳамжамиятини ташвишга соладиган” деб таснифланиши бежиз эмас. Шу боис, жинойтларнинг ушбу белгилари ХЖС Рим Статути 5-моддасида, шунингдек унинг Муқаддимасида ҳам кўрсатилган. Умуман олганда, халқаро жинойтлар учун юқорида кўрсатилган белгилар билан бир қаторда, бундай қилмиш учун жинойт жавобгарликка тортиш халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширилишини ҳисобга олиш керак.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ бўйича жинойт жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳарбий жинойтларнинг ўзига хос хусусиятлари уларни нафақат бошқа жинойтлар (шу жумладан, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жинойтлар) билан чегаралаш имконини беради, балки ўз навбатида, ушбу чегаралашни амалга ошириш имконини берувчи, айнан уларга хос бўлган бир қатор махсус белгиларни ажратиш кўрсатиш имконини беради. Ушбу белгиларни замонавий халқаро ҳуқуқ нормаларида акс эттирилишини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқамиз. Бунда ушбу нормаларни халқаро жинойт судлов органлари томонидан аниқлаштириш амалиёти, шунингдек, уларнинг доктринал талқинини эътиборга оламиз.

1. Бажариш шартлари. Ҳарбий жинойтлар қуролли тўқнашувлар пайтида содир этилади ва ушбу тўқнашувлар билан боғлиқ бўлади. Бироқ адабиётларда бундан бошқа-чароқ фикрлар ҳам билдирилади. Масалан, А.В. Берко ва А.Г. Кибалникларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, ҳарбий жинойт аломатлари мавжуд қилмишлар қуролли можаро билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилган бўлса, улар тегишли умумжинойт жинойт сифатида квалификация қилиниши лозим [3. С. 21]. Бошқа томондан, қуролли тўқнашув доирасида содир этиладиган ва халқаро ҳуқуқ нормаларида тўғридан-тўғри

кўрсатилган умумий жиноий қилмишлар, агар уларни қуролли тўқнашувдан ташқарида содир этганлик учун жавобгарлик халқаро ҳуқуқда ҳам белгиланган бўлса, улар устувор равишда ҳарбий жиноятлар сифатида баҳоланади (масалан, қийноққа солиш, гаровга олиш, жинсий зўравонлик ва бошқ.) [3. С. 23]. Ҳолбуки, кўриб чиқиладиган қилмишлар тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши содир этилиши учун қуролли тўқнашув шарт бўлмаган бошқа жиноятлардан, шунингдек, объектив жиҳатдан бир қатор ҳарбий жиноятларга ўхшаш бўлган жиноятлардан ажралиб туради. “Контекстуал” деб номланадиган ушбу хусусият, умуман олганда, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг уруш олиб боришнинг тақиқланган воситалари ва усуллари тавсифловчи қоидалари мазмунидан халқаро жиноий судлов органларининг уставларида (Нюрнберг Халқаро ҳарбий Трибунали Низомининг 6-моддасида ҳарбий жиноятлар “уруш қонунлари ва урф-одатларини бузиш” деб таърифланган) келтирилган ҳарбий жиноятлар тавсифидан келиб чиқиши мумкин.

Ўз навбатида, ХЖС ўз қарорларидан бирида ушбу масала бўйича қуйидаги позицияни шакллантирган: “Тегишли қилмиш қуролли можаро билан етарли даражада чамбарчас боғлиқми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилишда, судлар қуйидаги фактларни ҳисобга олиши мумкин: жиноятни содир этган шахснинг комбатант эканлиги; жабрланувчининг комбатант эмаслиги; жабрланувчининг можарода қарама-қарши томонда бўлганлиги; қилмишнинг ҳарбий кампаниянинг якуний мақсадига хизмат қилиши мумкинлиги; жиноятнинг расмий ваколатлар доирасида содир этилганлиги” [16]. Шунингдек, “Халқаро жиноий трибуналлар ҳам қуролли можаро ва унинг давомида содир этилган қилмиш ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш зарурлигини назарда тутди. Масалан, Руанда бўйича халқаро жиноий трибунал қарорларидан бирида таъкидланганидек, “ҳарбий кўмондонлик сифатида ҳам, бу сифатда ҳам қуролли можарога жалб қилинган барча даражадаги шахслар ... фақат улар ва қуролли можаро ўртасида алоқа ўрнатилган тақдирдагина ҳарбий жиноят содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин ...” [20. Р. 67].

Шу билан бирга, жиноий одил судловнинг халқаро органлари амалиёти шунини кўрсатадики, кўриб чиқиладиган қилмишларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун улар фаол жанговар ҳаракатлар давомида ёки ушбу жанговар ҳаракатлар билан бевосита қамраб олинган ҳудудда содир этилиши талаб қилинмайди, чунки халқаро гуманитар ҳуқуқ можаро тарафларидан бирининг назорати остида бўлган бутун ҳудудда, ушбу ҳудуднинг қайси аниқ жойида жиноятлар содир этилишидан қатъи назар, амал қилишда давом этади. Халқаро жиноий трибуналларнинг бир қатор қарорлари [15] да баён этилган ушбу позицияни Делалич ва бошқаларнинг иши мисолида кўрсатиш мумкин, бу ерда собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал ўзининг 1998 йил 16 ноябрдаги қарорида лагерь ҳудудида ушлаб турилган шахслар илгари қуролли можаро пайтида ҳибсга олинганини етарли [7], деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, таърифлардан келиб чиқиб, баъзи ҳарбий жиноятлар фақат ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган вақт ва макон билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин [5. С. 504].

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бир қатор ҳарбий жиноятлар давомли характерга эга бўлади. Ўз навбатида, давом этаётган ҳарбий жиноят муайян қилмиш таркибининг узлуксиз амалга оширилиши билан тавсифланади, жиноий қилмиш содир этилган пайтдан бошланади ва айбдорнинг жиноятни тўхтатишга қаратилган ҳаракати ёки унинг содир этилишига тўсқинлик қилувчи воқеалар содир этилиши билан тугайди. Давом этаётган ҳарбий жиноятлар умумий мақсадга йўналтирилган ва биргаликда ягона жиноятни ташкил этувчи бир қатор айнан бир хил жиноий ҳаракатларни ташкил этади; давом этаётган жиноятнинг бошланиши деб битта давом этаётган жиноят ҳаракатини (ҳаракатсизликни) ташкил этувчи бир нечта айнан бир хил ҳаракатлар орасидан биринчи ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этиш, охириги жиноий ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этиш пайти эса тамомлаш [1. С. 100–101] ҳисобланади.

2. Тажовузнинг йўналиши. Адабиётларда ҳарбий жиноятларнинг принципиал муҳим хусусияти шундан иборатки, у одатда кўп объектли бўлади, яъни бир вақтнинг ўзида бир



нечта бевосита объектларга зарар етказди. Ҳар қандай ҳарбий жиноят, биринчидан, қуроли тўқнашув олиб боришнинг халқаро ҳуқуқда белгиланган тартибига, иккинчидан, қуроли тўқнашув “доираси”га жалб этилган шахсларнинг (алоҳида шахснинг) халқаро ҳуқуқ билан ҳимояланадиган хавфсизлик манфаатларига тажовуз қилади [4. С. 34–36]. Шу боис, ҳарбий жиноятларнинг асосий объектларига қуйидагилар киради: халқаро ҳуқуқда белгиланган ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш тартиби, ҳарбий асирлар ва тинч аҳолининг хавфсизлиги, босиб олинган давлатнинг миллий мулкни сақлаш, баъзи ҳолларда эса халқаро гуманитар ҳуқуқ билан ҳимояланадиган қуроли тўқнашув иштирокчиларининг манфаатлари [9. С. 8], уларнинг халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан тақиқланган ва қирғинлар келтириб чиқариши мумкин бўлган уруш олиб бориш воситалари ва усуллари қўллаш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

3. Халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан ҳимояланган манфаатларни халқаро ҳуқуқ ёрдамида муҳофаза қилишда қоидабузарликнинг жиддий хусусияти ва унинг оқибатлари. Бундан келиб чиқадики, қуроли тўқнашувда қўлланиладиган халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай бузилиши ҳам ҳарбий жиноят сифатида баҳоланмаслиги мумкин. Хусусан, агар ҳарбий асирлар лагерининг бошлиғи интизомий жазолар ҳисобини юритмаса (бу айни пайтда Женева Конвенциясининг 96-моддаси талабларини бузиш ҳисобланади), уни ҳарбий жиноят сифатида баҳоламаслик керак [3. С. 17; 17. С. 97]. Бошқа бир мисол – комбатантнинг босиб олинган қишлоқда бир буханка нонни қўлга киритиши [5. С. 484], халқаро гуманитар ҳуқуқ манбаларидан бирида мустаҳкамланган, жумладан, хусусий мулк (бошқа хусусий, оилавий, диний қадриятлар билан бир қаторда) душман ҳудудини босиб олган армия томонидан ҳурмат қилиниши керак бўлган қоидаларга зид бўлишига қарамай, ҳар доим ҳам халқаро гуманитар ҳуқуқни жиддий бузиш даражасигача етмайди. Мазкур ҳолатнинг мезони қуроли можарони олиб боришда халқаро гуманитар ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатлар бузилишининг хавфлилик даражаси ва характериға мос келиши керак.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ манбалари бир вақтнинг ўзида халқаро ҳуқуқ нормаларининг манбалари бўлиб, халқаро қуроли тўқнашувни олиб бориш қоидаларининг бир қатор жиддий бузилишларига ишора қилади, шу билан бирга, 1949 йилги Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I Қўшимча протокол ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жиддий бузилишларини айнан ҳарбий жиноятлар сифатида кўриб чиқади. Жиддий ҳуқуқбузарликлар билан бир қаторда ўз характери ва хавфлилик даражасига кўра ҳарбий жиноятлар ҳисобланмайдиган ва тегишли равишда интизомий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилиши мумкин.

Мадомики, жиддий ҳуқуқбузарликлар рўйхати I Женева конвенциясининг 50-моддасида, II Женева конвенциясининг 51-моддасида, III Женева конвенциясининг 130-моддасида, IV Женева конвенциясининг 147-моддасида келтирилган бўлиб, у конвенциядан-конвенцияга қараб ўзгариб туради, айрим жиддий ҳуқуқбузарликлар (қасддан одам ўлдириш, қийноққа солиш ёки ғайриинсоний муносабатда бўлиш, соғлиққа қасддан шикаст етказиш) ҳар бир жиноятда учрайди. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи конвенциялар мол-мулкни йўқ қилиш ёки талон-торожликларни назарда тутати, учинчи ва тўртинчи конвенциялар, шунингдек, ҳомийлик қилинаётган шахсни қарши томоннинг қуроли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш ва бундай шахсни холис ва нормал суд ишларини юритиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни қайд қилади. Тўртинчи конвенция, шунингдек, ноқонуний депортация ёки кўчириш, ҳомийлик қилинаётган шахсни ноқонуний ҳибсга олиш ва гаровга олишни ҳам назарда тутати.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, кўрсатилган ушбу рўйхатни тўлиқ деб бўлмайди, чунки, биринчидан, унинг доирасида уруш қонунлари ва урф-одатларининг кўплаб жиддий бузилишлари мавжуд бўлиб, уларни ҳарбий жиноятлар сифатида жиноий жавобгарликка тортиш зарурати баъзи халқаро шартномаларда ҳам назарда тутилган. Хусусан, бунда гап 1954 йилдаги Маданий бойликларни қуроли можаро ҳолатида ҳимоя

қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясининг 28-моддаси, Миналар, мина тузоқлари ва бошқа қурилмаларни қўллашни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги протоколнинг 14-моддаси 2-банди (жуда кўп зарар етказадиган таъсирга эга деб ҳисобланиши мумкин бўлган оддий қуроолларнинг аниқтурларини қўллашни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги конвенцияга II протокол, 1980 йил) ҳақида бормоқда. Иккинчидан, кўрсатилган рўйхатда халқаро қуроолли тўқнашувларда қўлланиладиган халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг жиддий бузилишлари келтирилган ва шунга мос равишда халқаро бўлмаган тусдаги қуроолли можароларни олиб бориш қоидаларини бузиш ҳолатлари қайд этилмаган. Ўз навбатида, бундай низоларни олиб боришни инсонпарварлаштириш масалаларига бевосита бағишланган 1949 йилги Женева конвенцияларига 1977 йилдаги II Қўшимча баённомада уларни олиб бориш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ҳеч қандай нормалар белгиланмаган.

Натижада, у ёки бу ҳуқуқбузарликларнинг (шу жумладан, халқаро бўлмаган тусдаги қуроолли можарони олиб бориш жараёнида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг) ҳарбий жиноят сифатида кўриб чиқилиши мумкинлиги масаласига ҳуқуқий аниқлик киритишга уринишлар халқаро ҳуқуқни қўлловчи томонидан жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини асослаш ёки тегишли ҳуқуқбузарликларни халқаро жиноий одил судлов органи уставига киритиш орқали ушбу рўйхатни кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Аммо, бизнингча 1991 йилдан бошлаб собиқ Югославия ҳудудида содир этилган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилишлари учун масъул шахсларни судда таъқиб қилиш учун Халқаро трибунал Уставининг 3-моддаси таҳририга оид қоидаларни тўғри деб бўлмайди. Чунки, бу ерда тегишли равишда уруш қонунлари ва урф-одатларини бузиш ҳақида гап боради, бунда ушбу рўйхат тўлиқ эмаслиги таъкидланади. Мазкур ҳолатда, шубҳасиз, Халқаро трибунал Уставининг қайд этилган моддасининг таҳрири қонунийлик принципига, унинг энг муҳим таркибий қисмларига мос келмайди. Шу билан бирга, суд талқини моҳиятан халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи ролини ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, Трибуналнинг ўз ваколати доирасидан четга чиқишини (ҳуқуқий нормаларни яратиш эмас, балки суд таъқибини амалга ошириш) кўрсатади.

4. Субъектив томон хусусиятлари. Жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш қилмишни жиноий деб эътироф этишнинг умум эътироф этилган шarti ҳисобланади. ХЖС Рим Статутида бир қатор асосий қоидалари келтирилган замонавий халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятнинг (шу жумладан, ҳарбий жиноятнинг) субъектив томони қуйидагича тавсифланади: шахснинг қилмишни содир этиш нияти; шахснинг қилмиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришини англаши (ёки бу оқибатни келтириб чиқариш нияти бўлиши). Бошқача айтганда, ушбу жиноятларнинг субъектив томони қилмишга нисбатан тўғри қасд билан, оқибатларга нисбатан эса ҳам тўғри ҳам эгри қасд билан тавсифланади.

Бунда, ХЖСнинг Рим статути нуқтаи назаридан ҳарбий жиноятларнинг субъектив томонини, шунингдек, унинг ривожланиши учун қабул қилинган жиноят элементларини тавсифлар эканмиз, унда қуйидагиларни назарда тутиш лозим: биринчидан, ҳарбий жиноят тури ва унинг объектив томонининг шарт-шароитларига, унга тажовуз қилишнинг аниқ объектига қараб, субъектив томон элементларининг тўплами ўзгариши мумкин, бажарувчининг айби қилмиш ва унинг оқибатларига нисбатан турли хил шаклларда бўлиши мумкин, айрим ҳолларда субъектив томон муайян мақсадни ҳам ўз ичига олади; иккинчидан, ҳарбий жиноятни содир этган шахс жиноят қурбонларининг ҳимояланган мақомини кўрсатувчи ҳақиқий ҳолатларни англаши керак; учинчидан, ҳар қандай ҳолатда ижрочининг қуроолли можаронинг мавжудлигини англашига оид қўшимча мантиқий элемент талаб этилади.

Бинобарин, доктринада ҳарбий жиноятларнинг турли таркибларида қасднинг турли шаклларига эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, уруш қонунлари ва урф-одатлари соҳасидаги британиялик эксперт А.П.В. Рожерс халқаро шартномаларнинг жиддий қоидабузарликларга оид нормаларида кўпинча “қасддан қилинадиган” жиноий ниятлар мавжудлиги билан изоҳлайди [18. С. 358]. Бундан ташқари, жиноят таркиби

элементларида ҳам бажарувчининг айб шакллари ва субъектив томоннинг бошқа белгиларини кўрсатишга турлича ёндашувларни учратиш мумкин. Хусусан, қуролли тўқнашув жараёнида тинч аҳолига ҳужум қилиш кўринишидаги ҳарбий жиноят элементига бажарувчининг тинч аҳолини ёки ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган айрим фуқаро шахсларни ҳужум объекти сифатида танлашга қаратилган нияти киритилган. Маъносига кўра шунга ўхшаш элемент айрим ҳарбий жиноятларнинг элементларини тавсифлашда мавжуд бўлади (хусусан, фуқаролик объектларига ҳужум қилиш; инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда ёки тинчликни сақлаш миссиясида иштирок этаётган ходимларга ёки объектларга ҳужум қилиш); баъзи ҳолларда бажарувчининг жиноий нияти, унга тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаганда ҳам шаклланиши мумкин, яъни бундай вазиятда бажарувчининг қилмиши тақиқланган хусусияти ва унинг эҳтимолий жиддий оқибатлари тўғрисида оддиндан билган ҳолда ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этганлиги билан изоҳланади (масалан, жинсий зўравонлик қилиш, асирларни қийнаш ва б.). Шу боисдан, бу борада А.Г. Кибалникнинг асосли равишда таъкидлашича, халқаро ҳуқуқда эҳтиётсизлик айби фавқулодда ҳодиса бўлиб, уруш олиб боришнинг тақиқланган воситалари ва усулларини ҳар қандай қўллаш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин [8. С. 32; 1. С. 102; 2. С. 47].

Кўриб чиқиладиган жиноий қилмишларнинг субъекти масаласига келсак, қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Амалиётда ҳарбий жиноятлар кўпинча можаро томонларидан бирининг комбатантлари, давлат хизматчилари ёки бошқа вакиллари томонидан содир этилишига қарамасдан, амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари нуқтаи назаридан, ҳарбий жиноятнинг умумий субъекти (умуман тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар каби), юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай ақли расо ва белгиланган ёшга етган жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бундан ташқари, махсус субъектлар (қўл остидагиларга қўмондонлик қилиш ва уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш вазифаси юклатилган командирлар ва бошқа шахслар) томонидан ҳам ҳарбий жиноятлар содир этилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ХЖС Рим Статути (26-модда) юрисдикциясига кўра (шу жумладан, ҳарбий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича), жавобгарлик 18 ёшга тўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигини назарда тутди. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги масаласи Нюрнберг Ҳарбий трибунал устави доирасида кўриладиган иш давомида ва унинг натижасида принцип сифатида тасдиқланган; кейинчалик ушбу принцип замонавий халқаро ҳуқуқнинг бир қатор манбаларида (хусусан, ХЖС Рим Статутининг 25-моддасида) қайд этилган. Ўз навбатида, халқаро жиноий одил судлов органларининг қарорларида агар оқибат ва қуролли тўқнашувлар ўртасида сабабий боғлиқлик аниқланган ҳолларда “ҳарбий қўмондонлик сифатида ҳам, ҳарбий қўмондонлик бўлмаган қуролли тўқнашувга жалб қилинган барча даражадаги шахслар ... ҳарбий жиноят содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин” [14; 8. С. 34].

Хулоса қилганда, ҳарбий жиноятлар қуролли можаролар пайтида ва у билан боғлиқ ҳолда содир этилади, тажовуз қуролли тўқнашув олиб боришнинг халқаро ҳуқуқда белгиланган тартибига ва халқаро ҳуқуқ билан қўриқладиган хавфсизлик манфаатларига қаратилган бўлади ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши сифатида қаралади ҳамда бир вақтнинг ўзида халқаро ҳуқуқ нормалари билан муҳофаза қилинадиган бир нечта объектларга зарар етказди. Ҳарбий жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун улар фаол жанговар ҳаракатлар давомида ёки ушбу жанговар ҳаракатлар билан бевосита қамраб олинган ҳудудда содир этилишини талаб қилмайди, чунки халқаро гуманитар ҳуқуқ можаро тарафларидан бирининг назорати остида бўлган ҳудудда, ушбу ҳудуднинг қайси аниқ жойида жиноятлар содир этилишидан қатъи назар, амал қилади.

Ҳарбий жиноятларнинг субъектив томондан жиноятлар қасддан содир этилади, бунда шахснинг қилмиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришини англайди (ёки бу оқибатни келтириб чиқариш нияти бўлади). Жиноят субъекти 18

ёшга тўлган жисмоний шахслар билан бирга, давлатлар ҳам, баъзи ҳолатларда юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Бунда давлатлар фақат ҳалқаро жинойт содир этилганлик факти аниқланган тақдирда келиб чиқади.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Адельханян Р.А. Военные преступления в современном праве. – М., 2006. – 320 с.
2. Белый И.Ю. Международное преследование за военные преступления: Правовые и процессуальные аспекты. – М., 2004. – С. 44–49.
3. Берко А.В. Кибальник А.Г. Применение запрещенных средств и методов ведения войны. – Ставрополь, 2002. – С. 15–21.
4. Берко А.В. Уголовная ответственность за применение запрещенных средств и методов ведения войны. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2002. – С. 34–36.
5. Верле Г. Принципы международного уголовного права. Учебник /пер. с англ. С.В. Саяпина. – М., 2011. – 910 с.
6. Card, Cross and Jones. Introduction to Criminal Law. 1998. – 587 p.
7. International Criminal Tribunal for the former Yugoslavia (ICTY). Prosecutor v. Delalic et al. (“Celibici”), Case N IT-96-21-T. Trial Judgment. 1998. 16 November. § 478–479
8. Кибалник А. Военные преступления в решениях международных трибуналов по Руанде и бывшей Югославии // Уголовное право. – 2005. – № 1. – С. 31–37.
9. Маликов Д.С. Использование понятийного аппарата и норм международного гуманитарного права при квалификации военных преступлений // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2013. – № 5. – С. 5–9.
10. Michael S. Moore, Act And Crime: The philosophy of action and its implications for criminal Law (1993).
11. Oblakulov D., Mustanov I. Xalqaro jinoyat huquqi // Monografiya. TDYUI. – Toshkent “Adolat” 2013. – 188 b.
12. Петров А.В. Преступление по уголовному праву США // Законность. – 2014. – № 6. – С. 56–61.
13. Полянский Е.Ю. Теория состава преступления в уголовном праве США: ключевые позиции и основные недостатки // Lex russica. – 2013. – № 11. – С. 1191–1204.
14. Prosecutor v. Kayishema and Ruzindana. Case N ICTR-95-1. 21 май 1999.
15. Prosecutor v. Dragoljub Kunarac, Gagovic and others (“Foca” case), Case N IT-96-23 and 23/1-T. Trial Judgment. 2001. 22 February. § 57, 407.
16. Prosecutor v. Katanga and Ngudiolo Chui, ХЖСнинг (Дастлабки иш юритиш палатаси) 2008 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарори, 382-абзаци.
17. Ратнер С.Р. Категории военных преступлений // Военные преступления. Это надо знать всем / Под ред. Ю.М. Колосова. – М., 2001. – С. 72–102.
18. Рожерс А.П.В. Преднамеренность // Военные преступления. Это нужно знать всем / под ред. Ю.М. Колосова. – М., 2001. – С. 324–362.
19. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Т.1. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2024. – 784 б.
20. Substantive and Procedural Aspects of International Criminal Law: The experience of international and national courts /ed. By G. Kirk McDonald, O. Swaak-Goldman. – The Hague-Boston. 2000. – P. 58–72.
21. Сулейманова С.Т. Признаки преступления по уголовному законодательству Канады // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2014. – № 2. – С. 22–26.
22. Xudaykulov F.X. Jinoyat tarkibi obyektiv tomonining zaruriy va fakultativ belgilari. Monografiya // Mas’ul muharrir: yu.f.d., professor Q.R. Abdurasulova. – Toshkent: “Lesson Press” nashriyoti. 2023. – 310 b.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ҲУҚУҚ, ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

МЕЛИЕВ Худоёр Хуррамович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: legaluz15@gmail.com

### ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚўЛЛАШНИНГ КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА АҲАМИЯТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** МЕЛИЕВ Х.Х. Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектни қўллашнинг коррупцияни олдини олишга аҳамияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 125-130.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-15>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича республикамизда кетаётган ислохотлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг мазмуни очиқ берилган. Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинган ҳолда унинг истиқболи ҳақида таҳлилий фикрлар берилган. Сунъий интеллектнинг инсон омилининг таъсирини камайтириш, маълумотларни таҳлил қилишнинг юқори тезлиги ва аниқлиги таъминлаш ҳамда катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш салоҳиятини тақдим этиши асослантирилган. Бу омиллар ўз навбатида ушбу технологиянинг давлат хизматлари кўрсатишда коррупциянинг олдини олишда муҳим восита бўлиши кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** давлат хизматлари, сунъий интеллект, коррупцияни олдини олиш, инсон омилини камайтириш.

МЕЛИЕВ Худоёр

Доктор философии (PhD) по юридическим наукам

E-mail: legaluz15@gmail.com

### ЗНАЧЕНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ ДЛЯ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КОРРУПЦИИ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты реформы, проводимые в нашей республике по использованию искусственного интеллекта, и содержание принятых законодательных актов. Рассматривая опыт зарубежных стран в использовании искусственного

интеллекта в сфере государственных услуг, даны аналитические выводы о его перспективах. Обоснована возможность применения искусственного интеллекта для уменьшения влияния человеческого фактора, обеспечения высокой скорости и точности анализа данных, а также переработки большого объема информации. Эти факторы, в свою очередь, показывают, что данная технология является важным средством предотвращения коррупции в предоставлении государственных услуг.

**Ключевые слова:** государственные услуги, искусственный интеллект, предотвращение коррупции, уменьшение влияния человеческого фактора.

**MELIYEV Xudoyor**  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: legaluz15@gmail.com

## THE IMPORTANCE OF IMPLEMENTING ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN PUBLIC SERVICES TO PREVENT CORRUPTION

### ANNONATION

This article reveals the reforms being carried out in our republic regarding the use of artificial intelligence and the content of the adopted legislative acts. By considering the experience of foreign countries in the use of artificial intelligence in the field of public services, analytical conclusions about its prospects are provided. The possibility of using artificial intelligence to reduce the influence of the human factor, ensure high speed and accuracy of data analysis, and process large amounts of information is substantiated. These factors, in turn, show that this technology is an important means of preventing corruption in the provision of public services.

**Keywords:** public services, artificial intelligence, corruption prevention, reduction of the human factor influence.

Дунёда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш борасида мисли кўрилмаган тадқиқотлар, экспериментлар, амалий натижалар кузатиш мумкин. Айни пайтда бусоҳани ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар томонидан турли ёндошувлар, стратегиялар, концепциялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган сиёсат ва амалиётда ўзгаришлар шиддатли тус олаётганлигини кузатиш мумкин. Шуни қайд этиш керакки, бундан 5 йил олдин тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида [1] ҳам бу масалага умумий даражада эътибор берилган бўлиб, ҳеч қандай аниқликлар, ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилмаган эди. Бу ҳужжатда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш қаторида қайд этиб ўтилган эди холос. Бироқ, бундан бир йил ўтиб сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарори [2] қабул қилинди. Мазкур қарор асосида бир қатор ўзгаришлар қилинди. Хусусан, 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланиши бўйича курслар ва фанлар жорий этилди, “Сунъий интеллект” йўналишида кадрлар тайёрлаш учун 12 та олий таълим муассасасига 572 нафар талаба ўқишга қабул қилинди, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида ихтисослашган лабораторияларга эга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Бу турдаги технологияларни ривожлантириш бўйича дунёда кетаётган тенденциялардан келиб чиқиб ҳамда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси [3] тасдиқланди.

Ушбу стратегия билан илк бор сунъий интеллект соҳасидаги бир қатор муҳим тушунча ва ибораларга таъриф берилди. Жумладан, сунъий интеллект — инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи деган, сунъий интеллект технологиясига эса сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари деган таъриф берилди.

Сунъий интеллектга айрим расмий ҳужжатлар, жумладан қонунчилик ҳужжатларида таърифи берилган бўлсада, бу соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлар томонидан сунъий интеллект тушунчасининг таърифи тўғрисида яқдил фикр мавжуд эмас.

Сунъий интеллект яратувчиларидан бири Жон Маккарти уни ақлли машина, айниқса, ақлли компьютер дастурларини яратишга қаратилган фан ва муҳандислик ишлари сифатида таърифлаган. Унинг фикрига кўра, “интеллект — бу атроф-муҳитдаги мақсадларга эришиш қобилиятининг ҳисоблаш қисми”. Шу билан бирга, Ж. Маккарти инсонлар, кўплаб ҳайвонлар ва баъзи машиналарда турли хил ва турли даражадаги интеллект учрайди, деб ҳисоблаган [4].

И.В. Понкин ва А.И. Редькина сунъий интеллектнинг жуда кенг қамровли таърифини бериб, сунъий интеллектни умумий ҳолда “когнитив-функционал архитектурага эга бўлган ва зарур қувват ва тезликдаги ўз ёки тегишли равишда мавжуд (берилган) ҳисоблаш қувватлари билан таъминланган сунъий мураккаб кибернетик компьютер-дастур-аппарат тизими” деб таърифлаганлар. Бу тизим муаллифлар томонидан кўрсатилган бир қатор хусусиятларга эга, жумладан ўрганиш, атроф-муҳит билан ўзаро таъсир қилиш ва муаммоларни мустақил ҳал қилиш, ўзининг ўзини таҳлил қилиш ва ўз ҳаракатини мослаштириш қобилиятига эга [5].

Айрим олимлар фикрига кўра эса сунъий интеллект ўз муҳитининг тушуниш ҳаракатлари натижаларини қабул қиладиган ва ҳаракатларни амалга оширадиган агентлар ҳақидаги фан, бунда ҳар бир шундай агент тушуниш ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини акс эттирадиган функцияни амалга оширади [6].

Сунъий интеллектнинг рақамли технологиялар тури сифатидаги хусусиятлари электрон техника ақли ва ўрганиш хусусиятлари билан белгиланади. Хусусиятларига кўра сунъий интеллектни қуйидаги уч тоифага ажратиш мумкин: чекланган (битта вазифани бажаради), умумий (кўп вазифали, инсон мияси каби), суперақлли (инсон бажара олмайдиган вазифаларни бажаради) [7]. Сунъий интеллектнинг ёрқин мисоли овозли ёрдамчиларни (Алиса, Сири ва бошқалар) келтириш мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари — бу маълумотларни излаш, йиғиш, тўплаш, рўйхатга олиш, сақлаш, кириш-чиқиш, қабул қилиш ва узатиш, таҳлил қилиш, ўзгартириш, акс эттириш, қайта ишлаш ва бундай қайта ишлаш натижаларини олиш, тарқатиш ва йўқ қилиш жараёнларида амалга ошириладиган математик функцияларнинг йиғиндиси. Бу жараёнлар табиий интеллектнинг айрим қобилиятларини (таниш, ўрганиш, ёд олиш ва бошқалар) қўллаган ҳолда инсон билан ўзаро таъсирда ёки автоном тарзда, лекин унинг назорати остида ишлайдиган дастур-аппарат мажмуаларида амалга оширилади [7].

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар орқали, биринчидан сунъий

интеллект тушунчачининг илмий-назарияларда якуний таърифи шакланмаганлигига, иккинчидан унинг амалга ошириладиган математик функцияларнинг йиғиндиси, мураккаб кибернетик компьютер-дастур-аппарат тизими эканлиги жиҳатларига алоҳида эҳтибор бериш мақсадга мувофиқ.

Бу технологияларга хос бўлган иккинчи жиҳат унинг олдига маълум бир мақсад, вазифани математик модел, формулалар орқали ва зарур маълумотларни киритиш йўли билан қўйиш мумкинлигини англатади. Бу эса ушбу технологиядан давлатнинг коррупцияга қарши фаолият йўналишларида унумли фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясида [3] Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш; давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, уларни тақдим этишда фуқаролар учун қулайликлар яратиш; Ягона интерактив давлат хизматлари порталида чат-ботлар яратиш белгиланди.

Сунъий интеллект технологияларини давлат хизматлари соҳасига жорий этиш бўйича Сингапур, Буюк Британия, Эстония, Финляндия, Жанубий Корея, Россия, БАА, Латвия, Қозоғистон давлатларида бир қатор ижобий тажрибалар мавжуд. Мисол учун, Сингапурда 2018 йилда “Ҳаётини вазиётлар” (“*Moments of Life*”/“*LifeSG*”) [8] ишга туширилган. 2021 йилда эса “OneService” чатбот ишга туширилган бўлиб, у орқали муниципал масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, шикоятларни автоматик равишда тоифаларга бўлиш ҳамда масъул давлат органи ва ташкилотига хабар бериш мумкин.

Буюк Британияда эса сунъий интеллект асосида ишлайдиган чатботлар ва виртуал ёрдамчилар томонидан 24/7 сўровларга жавоб бериш; турли платформаларда фуқароларнинг иштирокини кузатиш ва таҳлил қилиш; маълумотларни киритиш, аризаларни қайта ишлаш, хизматлар кўрсатишни тезлаштириш; маълумотларни фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш; ижтимоий тармоқлар ва бошқа алоқа каналларини таҳлил қилиб, жамоатчиликнинг кайфиятини аниқлаш; жамоат инфратузилмасининг муаммолари ҳақида хабар қилиш ва ҳал қилиш жараёнини соддалаштириш мумкин [9].

Рақамли ҳукумат соҳасида дунёда юқори кўрсаткичларни намоён этаётган Эстонияда 2021 йилда “Бюрократ” (*Bürokratt*) платформаси ишга туширилган. У орқали нафақа олиш учун ариза юбориш, тўловларни амалга ошириш, туғилишни рўйхатдан ўтказиш, паспортни янгилаш ва шу каби бошқа хизматлардан овозли алоқа орқали фойдаланиш, 24/7 режимда хизмат кўрсатиш, барча саволларга бир жойдан жавоб олиш имконияти яратилган [10], [11], [12].

Финляндияда “*AuroraAI*” дастури одамларга қайси хизматлар фойдалироқ эканлигини аниқлаш ҳамда фойдаланувчиларга мослаштирилган тавсиялар бериш учун ишлаб чиқилган [13].

Латвияда UNA (*Uzņēmēju Nākotnes Atbalsts*) виртуал ёрдамчиси мурожаат қилувчиларга юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ёки тугатишга доир исталган турдаги саволларга 24/7 режимда жавоб бериши мумкин [14].

Жанубий Кореяда “*Government 24*” платформаси фойдаланувчининг шахсий маълумотларини таҳлил қилиш ва уларнинг эҳтиёжларига мос келадиган давлат хизматларини автоматик равишда таклиф этиш, виртуал ёрдамчилар (чатбот) орқали фойдаланувчиларнинг саволларига бериш, зарур маълумотларни топишда кўмак беришга йўналтирилган [15].

Россия Федерациясида бир қатор тижорат ташкилотлар сунъий интеллектга асосланган технологиялардан муваффақиятли фойдаланиб келмоқда [16]. Мисол учун, Сбербанк хизматларини шахсийлаштириш, мижозлар маълумотларини таҳлил қилиш ва ички жараёнларни автоматлаштириш учун фойдаланади; Yandex: қидирув алгоритмларини, овозли ёрдамчиларни (Алиса) ва ўзи юрар машиналарни бошқариш учун



ишлатмоқда; МТС ва Мегафонда катта маълумотларни таҳлил қилиш технологиялари жорий этилган.

Қозоғистонда фуқароларга тил моделлари асосида рақамли хизматларни олиш имконини берувчи “Egov AI” тизими ишлаб чиқилмоқда, “ChatGPT”нинг қозоқ эквиваленти: қозоқ тили учун миллий тил моделини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда [17].

Юқори технологияларни қўллашга доимий эътибор берадиган Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) “DubaiNow” мобил иловаси [18] орқали фуқаролар турли давлат хизматларини, жумладан, коммунал тўловлар, солиқлар, транспорт ва бошқалардан бевосита сунъий интеллект ёрдамида фойдаланишлари мумкин.

Сунъий интеллект давлат хизматлари соҳасида қўлланиши коррупцияга қарши курашда кучли восита бўлиши мумкин, чунки у катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, яширин қонуниятларни топиш ва мураккаб жараёнларни автоматлаштириш қобилиятига эга.

Давлат хизматлари соҳасида коррупцияни олдини олишда сунъий интеллект имкониятларидан: маълумотларни таҳлил қилиш ва шубҳали операцияларни аниқлаш; давлат харажатларини назорат қилиш ва аудит (СИ тизимлари харажатларни реал вақт режимида таҳлил қилиб, ортиқча сарф-харажатлар, эълон қилинган маълумотлар ва ҳақиқий маълумотлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаши мумкин); ақлли чат-ботлар ва аризаларни автоматлаштириш (СИ ботлар фуқароларга қонунчилик ҳужжатлари ҳақида маълумот беришлари мумкин, аризаларни автоматлаштириш амалдорларнинг таъсирини ва порахўрлик эҳтимолини камайтиради); фуқароларнинг шикоятлари ва хабарларини қайта ишлашда (СИ фуқаролардан тушган кўплаб шикоятларни таҳлил қилиб, коррупциявий хатар нуқталарини, кўп кўрсатилган иштирокчиларни аниқлаши, мисол учун матнларни ва табиий тилни таҳлил қилиш тизимлари ижтимоий тармоқлар ва шикоят платформаларидан келиб тушган хабарларни йиғиши мумкин) фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали коррупциявий хатарларни прогноз қилиш имконият мавжуд. Бунда прогноз моделлари тузилиб, тарихий маълумотлар асосида коррупция хавфи юқори бўлган жойлар, қайси лавозимлар ёки лойиҳалар энг хатарли бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Умуман давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш инсон омилининг таъсирини камайтириш, маълумотларни таҳлил қилишнинг юқори тезлиги ва аниқлиги таъминлаш ҳамда катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш салоҳиятини тақдим этади.

Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни, изчил тадқиқотларни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказида сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лаборатория ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. <https://lex.uz/docs/5030957#5031885>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>;
4. McCarthy J. What is artificial intelligence? // URL: <http://www-formal.stanford.edu/jmc/whatisai/>;
5. Понкин И. В., Редькина А. И. Искусственный интеллект с точки зрения права //

Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Юридические науки. 2018. Т. 22. № 1. С. 95;

6. Норвиг П., Рассел С. Искусственный интеллект. Современный подход. 2-е изд. М.: Вильямс, 2016. С. 36;

7. Попова С.А., Акулин С.В. Новые формы коррупции, связанные с цифровыми технологиями // Юридическая наука, №3 2023, с. 178-185;

8. Singapore's AI-Driven Citizen Experience the Future of Public Services? // <https://www.cmswire.com/customer-experience/is-singapores-ai-driven-citizen-experience-the-future-of-public-services/>;

9. AI and Automation in the UK Public Sector // <https://www.styletech.co.uk/blogs/ai-and-automation-in-the-uk-public-services>;

10. Estonia steps up virtual civil servant project. By *Mia Hunt* on 26/07/2022 | Updated on 26/07/202 // <https://www.globalgovernmentforum.com/estonia-steps-up-virtual-civil-servant-project/>;

11. Steps to use Bürokratt // <https://www.ria.ee/en/state-information-system/personal-services/burokratt>;

12. Estonia's Bürokratt, a concept of how state could operate in the age of artificial intelligence, again in UNESCO's global list of top AI projects // <https://investinestonia.com/estonias-burokratt-is-a-concept-of-how-state-could-operate-in-the-age-of-artificial-intelligence/>;

13. Tian Jiao Lim, How Finland is using AI for predictive public services // <https://govinsider.asia/intl-en/article/how-finland-is-using-ai-for-predictive-public-services>;

14. UNA – the first virtual assistant of public administration in Latvia // <https://oecd-opsi.org/innovations/una-the-first-virtual-assistant-of-public-administration-in-latvia/>;

15. Digital Government Innovation // <https://www.mois.go.kr/eng/sub/a03/digitalGovInnovation/screen.do>;

16. Индекс готовности приоритетных отраслей к внедрению искусственного интеллекта // <https://ai.gov.ru/ai/implementation/>;

17. Каждая пятая госуслуга будет предоставляться с помощью ИИ к 2029 году. Жанель Жазетова // <https://kz.kursiv.media/2024-03-18/zhzh-artificial/>;

18. UAE Strategy for Artificial Intelligence // <https://u.ae/en/about-the-uae/strategies-initiatives-and-awards/strategies-plans-and-visions/government-services-and-digital-transformation/uae-strategy-for-artificial-intelligence>

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**

6 СОН, 4 ЖИЛД

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

НОМЕР 6, ВЫПУСК 4

**LAWYER HERALD**

VOLUME 6, ISSUE 4

**TOSHKENT-2024**